O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.

Янги — 2003 йил хонадонингизга қут-барака олиб келсин!

Kuch — bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛК ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ *

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 28 декабрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 103-104 (7506)

Ям-яшил арча атрофида ўйнаётган болажонларнинг хушчақчақ кайфияти юртимиздаги тинчлик, фаровонлик, тўкин-сочинликка яна бир бор шукроналикнинг нишонасидир. Жажжи ўғил-қизларнинг янги йил элчилари — Қорбобо билан Қорқизни кўргандаги қувончларини таърифлашга эса тил ожиз.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

КАБУТАР ҚАНОТИДА КЕЛГАН НОМАЛАР — 11-бет

ТАЖРИБА МАЪҚУЛЛАНМОҚДА — 12-бет

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ КУТУБХОНАСИ — 16-17-betлар

ДУНЁНИ ЖАҲОЛАТДАН ҚУТҚАРАДИГАН КУЧ — 18-бет

ЧОРРАҲАДАН ТЎҒРИ ЙЎЛГА — 19-бет

ЯНГИ ЙИЛ МУШОИРАСИ — 23-бет

"ЯНГИ ЙИЛ" БОШҚОТИРМАСИ — 30-бет

2003 ЙИЛ ТАҚВИМИ — 32-бет

Якунланаётган йилда Бухоро вилоятида коллежлар қурилишига алоҳида эътибор берилди. Бу йил вилоят шаҳар ва туманларида 7 та янги коллеж иш бошлади.

МОҲ: КЕЛИШУВЛАР ҲАЁТДА ЎЗ АКСИНИ ТОПМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Марказий Осиё ҳамкорлиги" (МОҲ) ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг 27 декабр куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтган саммитида иштирок этди.

Ислом Каримов ташаббуси билан Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти негизида тузилган ушбу ташкилотнинг расмий таъсис ҳужжати шу йил 28 феврал куни имзоланган эди. Кейин президентлар 6-7 июл кунлари Оқтов (Қозоғистон), 5-6 октябр кунлари эса Тожикистон пойтахтида учрашди. Остона саммити тўртинчи олий даражадаги учрашув бўлди.

Ўтган давр янги ташкилот ўз олдига қўйилган мақсадлар сари жадал одимлаётганини кўрсатмоқда. Аъзо мамлакатлар минтақадаги умумий ечим топилиши керак бўлган масалаларни баҳамжиҳат муҳокама қилиб келяпти, халқаро муаммоларга ёндашувлар ҳам бир-бирига мос.

Ташкилотга раислик қилаётган мамлакат — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Душанбе саммитидан кейин ўтган даврда бажарилган ишларни сарҳисоб қилар экан, Тошкентда МОҲга аъзо давлатлар парламентлари раҳбарлари ҳамда ишбилармон доиралари вакилларининг форумлари ташкил этилгани кўп жиҳатдан фойдали бўлганини таъкидлади. Дарҳақиқат, дипломатлар, ҳукумат делегацияларининг ўзаро борди-келдилари қаторида, илм-фан, маданият каби ижтимоий соҳалар намояндаларининг ҳамкорлиги яхши ривож топган пайтда, қонун чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг бевосита мулоқоти шу вақтгача йўлга қўйилмаган эди.

Президентларнинг саммит якунлари бўйича қабул қилган қўшма коммюникесида ҳам ишбилармонларнинг алоқалари ўзаро иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилиши, парламентлар вакилларининг мулоқоти эса, қонунчиликни мувофиқлаштириш ва шу орқали муносабатларни янги мазмун билан бойитиши таъкидланади.

Мамлакатимиз раҳбари бундай учрашувларга мунтазамлик тусини бериш таклифини илгари сурди.

Саммитда минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазиятга оид масалалар ҳам муҳокама этилди. Президент Ислом Каримов мазкур мамлакатдаги вазият ҳали хотиржамликка бериладиган даражада эмаслигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, халқаро коалициянинг асосий ҳарбий операциялари ниҳоясига етганига қарамай, Афғонистонда ҳали қуролли тўқнашувлар содир бўлиб турибди. Токио конференциясида ваъда қилинган ёрдам тўла олинмаётгани ва бошқа сабаблар бу мамлакатда ижтимоий барқарорликни ва марказий ҳукуматга ишончни мустаҳкамлашга тўсқинлик қилиши табиий.

МОҲнинг Душанбе саммитида Афғонистондаги тикланиш ишларида бамаслаҳат биргаликда иштирок этиш масаласи кўтарилган эди. Бу сафар ҳам Президент Ислом Каримов анжуман иштирокчилари эътиборини шу мавзуга қаратди. Айни пайтда мамлакатимиз раҳбари Афғонистон вакилларини МОҲ анжуманларига кузатувчи сифатида қатнашишга таклиф этиш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади. Афғонистон вакилларининг бевосита иштирокида тикланиш масалалари муҳокама қилинса, нафақат бу давлатнинг салоҳият ва имконияти тўлароқ ишга солинар, балки мазкур жараёнга четдан қўшилаётган ҳиссанинг самараси ҳам ортар эди.

Ислом Каримов илгари сурган яна бир масала давлат чегараларини аниқ белгилаб олиш ва ҳуқуқий жиҳатдан ўзаро расмийлаштириш билан боғлиқ бўлди.

Аҳамияти беқиёс бўлган бу ишни аввало замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Иккинчидан, минтақа мамлакатларига холис назар билан қарамайдиган айрим доиралар қўшни ўлкалар орасига нифоқ солишга уринади. Бу борада этник омиллар, сув заҳираларининг тақсимоти, коммуникация тармоқларига оид масалалардан "айб-нуқсон" қидириш мумкин.

Мамлакатимиз раҳбари чегарани белгилаш баробарида, унга бевосита ё билвосита алоқадор бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш мумкинлигини таъкидлади. Жумладан, божхона, солиқ, чегара зонасидаги савдо-сотиқ муаммоларини ечиш, хориждан келаётган сифатсиз моллар оқимини тўхтатишда ҳамжиҳатлик билан юритилган ишнинг самараси катта бўлиши аниқ.

Анжуман қатнашчилари Орол инқирози, ноқонуний миграция, уюшган жиноятчилик, наркотиклар контрабандаси каби муаммолар, минтақамизни ядро қуролидан холи зонага айлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳам муҳокама қилди.

Шундай қилиб, тузилганига ҳали бир йил тўлмаган "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилоти ўзининг тўртинчи саммитини ўтказди. Аъзо мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга иштиёқи ва интилиши кучли эканлигини яна бир бор намойиш этган саммит тарихи янги ютуқлар билан бойиётган ушбу ташкилот доирасида эришилган келишувлар ҳаётда ўз аксини топаётганидан далолат беради.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири,
Тошкент-Остона-Тошкент

"Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари учрашуви якунлари бўйича қўшма коммюнике

2002 йил 27 декабрда Остона шаҳрида "Марказий Осиё ҳамкорлиги" (МОҲ) ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентлари МОҲ олдида турган вазифалар, биринчи навбатда, 2002 йил 5 октябрда Душанбе саммитида эришилган келишувларнинг амалга оширилиши, жумладан минтақада хавфсизлик, Марказий Осиёда кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш каби ғоят муҳим минтақавий муаммоларни ҳал этиш ҳамда МОҲ мамлакатларининг халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари бўйича халқаро ташкилотларда ўзаро ҳамкорлиги масалаларини батафсил муҳокама қилди.

МОҲни мустаҳкамлаш ташкилотга аъзо давлатларнинг стратегик манфаатларига мувофиқ эканлиги яна бир бор қайд этилди.

Давлатлар раҳбарлари минтақавий хавфсизлик ва иқтисодий интеграциянинг барқарор тизимини шакллантириш бўйича ҳамкорликни давом эттириш минтақада барқарорликни таъминлаш ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашнинг энг муҳим йўналиши сифатида ташқи сиёсатдаги асосий устуворликлардан бири эканлигини таъкидлади.

Томонлар минтақада ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун янги, замонавий талабларга жавоб берадиган шакллар, услублар ва ёндашувларни топиш зарурлигини эътироф этди.

Давлатлар раҳбарлари наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасида биргаликда чора-тадбирлар кўриш муҳимлиги ҳамда бу муаммони ҳал этиш бўйича, биринчи навбатда, даромадлари халқаро террорчиликни қўллаб-қувватлашга сарф этилаётган наркотрафик йўлларини аниқлаш ва бартараф этиш соҳасида яқин ҳамкорлик механизмини ишлаб чиқиш зарурлигини қайд этди.

Давлатлар раҳбарлари чегаралараро жиноятчилик ва ноқонуний миграцияга қарши кураш муаммоларининг долзарблигини, шу муносабат билан МОҲ мамлакатлари чегара, божхона ва солиқ хизматлари ҳамкорлигини кучайтириш ҳамда бу масалалар юзасидан кўп томонлама битим ишлаб чиқиш буйича тегишли чораларни кўриш зарурлигини эътироф этди.

Давлатлар раҳбарлари МОҲнинг Душанбе мажлисида эришилган келишувлар ижросининг боришини ижобий баҳолайди.

2002 йил 18 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган МОҲ давлатлари парламентлари вакилларининг биринчи учрашуви Марказий Осиёда катта сиёсий воқеа бўлди. У парламентлараро ҳамкорликни кенг ривожлантириш ва минтақа давлатлари қонунчилигини яқинлаштиришга янги туртки берди.

2002 йил 27-28 ноябрда Тошкентда ўтказилган "Марказий Осиё Ҳамкорлиги — иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштириш" мавзуидаги Бизнес-форум натижалари ижобий баҳоланди. Шу муносабат билан таъкидландики, иқтисодиётнинг реал тармоқларини МОҲ интеграция жараёнларига жалб этиш ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш учун мустаҳкам асос вазифасини ўтайди.

Давлатлар раҳбарлари Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси доирасида фаол ҳамкорликни давом эттириш ва унинг ишини фаоллаштиришга қаратилган қўшимча чоралар қабул қилиш муҳимлигини кўрсатиб ўтди. Шу муносабат билан БМТ институтлари ва донор мамлакатларнинг Орол инқирози ва минтақадаги сув муаммоси ҳал этилишидан манфаатдорлиги таъкидлаб ўтилди.

Давлатлар раҳбарлари Марказий Осиёдаги барқарорлик ва хавфсизлик Афғонистондаги вазият билан узвий боғлиқ эканини яна бир бор қайд этди.

Давлатлар раҳбарлари Ҳ.Карзай бошчилигидаги марказий ҳукумат сиёсатини қўллаб-қувватлайди ва жаҳон ҳамжамиятини Афғонистонни тиклаш учун молиявий ёрдам ажратиш буйича Токио конференцияси қарорларини имкон қадар тезроқ бажариш зарурлигига эътибор қаратишга чақиради.

Давлатлар раҳбарлари халқаро ташкилотлар доирасида халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари, шу жумладан Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш жараёнини янада тезлатиш борасида МОҲ мамлакатларининг ҳамкорлиги муҳимлигини таъкидлади. Ташқи ишлар вазирликларига ядро қуролига эга давлатларнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш тўғрисидаги Шартнома лойиҳаси бўйича билдирган таклиф ва мулоҳазалари юзасидан Марказий Осиё давлатларининг ўзаро мувофиқ нуқтаи назарини ишлаб чиқиш борасидаги ишларни фаоллаштириш топширилди.

Учрашувда Россия Федерацияси, Туркия Республикаси ва Украина вакиллари кузатувчи сифатида қатнашди.

Томонлар меҳмондўст қозоқ заминида самимий ва дўстона қабул учун Қозоғистон Республикаси Президенти Н.А.Назарбоевга миннатдорлик билдирди.

Остона,
2002 йил 27 декабрь

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

26 декабрь куни Қарши шаҳрида халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда мазкур вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, вилоят ташкилотлари бошлиқлари, республика вазирликлари, давлат қўмиталари, компания, уюшма, концерн ва идораларининг раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Б.Ҳамидов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан «Муборакнефтгаз» нефть ва газ конлари бошқармасининг бошлиғи лавозимида ишлаб келган Нуриддин Зайниев Қашқадарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда, шунингдек, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сессия ишида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т.Худойбергенов, И.Жўрабеков, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

ЎзА.

ЯНГИ ЙИЛ – ЯНГИ БИНОДА

Бухоро тиббиёт коллежи янги йил арафасида замонавий ўқув биносига эга бўлди. 900 ўқувчига мўлжалланган тўрт қаватли, замонавий ўқув мажмуини «Бухороқурилиш» ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари қисқа муддатда фойдаланишга топширди. Иншоотда 1,5 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 300 ўринли ошхона, муҳташам спорт зали, кутубхона, компьютерлар ва бошқа ўқув кўргазмалари, мебеллар билан жиҳозланган кенг ва ёруғ аудиторияларда замонавий билим олиш учун барча шароит мавжуд.

Якунланаётган йилда Бухоро вилоятида коллежлар қурилишига алоҳида эътибор берилди. Бу йил вилоят шаҳар ва туманларида 7 та янги коллеж иш бошлади. Тиббиёт коллежи янги биносининг очилиш маросимида Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусенов иштирок этди.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йилги Давлат стипендиатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 мартдаги «Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 77-сон Қарорига мувофиқ ва 1993 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги 157-сон Қарорига асосан аспирантлар учун таъсис этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йилги Давлат стипендиатларини аниқлади.

Бу йил Фан ва технологиялар марказига навбатдаги танловда иштирок этиш учун Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Адлия, Ташқи ишлар вазирликлари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази, Ўзбекистон банклар ассоциацияси томонидан қуйидаги 5 та устувор илмий-техник йўналиш бўйича 41 даъвогар аспирантнинг ҳужжатлари тақдим этилди:

1. Республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига мос ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш

2. Агросаноат мажмуаси

3. Энергетика, ресурслар, саноат

4. Соғлиқни сақлаш ва экология

5. Ахборотлаштириш технологиялари ва бошқарув.

Фан ва технологиялар марказининг Танлов комиссияси 2002 йил 20 декабрдаги мажлисида дастлабки экспертизадан ўтиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (ОАК)да тегишли имтиҳон ва синовларни муваффақиятли топширган ҳамда ўзининг илмий фаолиятида муайян ютуқларга эришган 17 та номзод аспирант ўртасида якуний танлов ўтказди.

Танлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Президентининг аспирантлар учун Давлат стипендиялари тўғрисидаги Низом ва уларни тайинлаш тартиби»га биноан яширин овоз бериш йўли билан 5 та устувор илмий-техник йўналиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йилги Давлат стипендиялари танлови ғолибларини аниқлади.

Фан ва технологиялар маркази ўзининг 2002 йил 23 декабрдаги Қарори билан танлов комиссияси томонидан аниқланган қуйидаги 5 нафар иқтидорли аспирантни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йилги Давлат стипендиатлари деб тасдиқлади.

Республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига мос ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш

МИРЗОҲИДОВА Шоҳида Хайриллаевна

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети аспиранти.

1993 йилда У.Юсупов номидаги 132-ўрта мактабни «аъло» баҳолар билан битирган.

1999 йилда Тошкент Молия институтини «Молия ва кредит» мутахассислиги бўйича битирган.

1996-1999 йилларда «СЭЛТА» тадбиркорларга кўмаклашиш агентлигида иқтисодчи, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ассистент, 1999-2000 йилларда Ўзбекистон Миллий университетида ўқитувчи лавозимларида фаолият кўрсатган.

2000 йилда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига ***«Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар»*** мутахассислиги бўйича аспирантурага қабул қилинган.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: ***«Ўзбекистон Республикаси экспорт салоҳиятини ривожлантиришда халқаро кредитнинг самарадорлиги».***

Етакчи илмий нашрларда 4 та илмий мақоласи чоп этилган, 1 та таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилган, 5 та халқаро ва республика конференцияларида иштирок этган.

Илмий раҳбари: К.Х.Жўраева, иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Агросаноат мажмуаси

НОРОВ Бегмат Холматович

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти аспиранти.

1992 йилда Тошкент вилояти Паркент туманидаги 18-ўрта мактабни «аъло» баҳолар билан битирган.

1992 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш факультетига ўқишга кириб, 1997 йилда «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш» мутахассислиги бўйича муваффақиятли битирган.

1997-2001 йилларда ушбу институтда лаборатория мудири, ассистент лавозимларида ишлаган.

2000 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига ***«Қишлоқ хўжалик техникасини ишлатиш, қайта тиклаш ва таъмирлаш»*** мутахассислиги бўйича аспирантурага қабул қилинган.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: ***«Қишлоқ хўжалиги техникасида қўлланиладиган пружиналарни қайта тиклаш технологиясини ишлаб чиқиш».***

Етакчи илмий нашрларда 2 та мақоласи чоп этилган, 4 та услубий қўлланма ва 1 та патент ҳаммуаллифи, 4 та халқаро ва республика конференцияларида иштирок этган.

Илмий раҳбарлари: Ш. У. Йўлдошев, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиги, техника фанлари доктори, профессор; Ў.П.Умрзоқов, техника фанлари номзоди, доцент.

Энергетика, ресурслар, саноат

ИХТИЯРОВА Гулнора Акмаловна

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Бухоро давлат университети аспиранти.

1991 йилда Бухоро шаҳридаги 23-сонли ўрта мактабни «аъло» баҳолар билан битирган.

1991 йилда Бухоро педагогика институти кимё ва биология факультетига суҳбат асосида қабул қилинган ва 1996 йилда уни имтиёзли диплом билан тугатиб, 2000 йилгача ассистент вазифасида ишлаган.

2000 йилда Бухоро давлат университетига ***«Юқори молекуляр бирикмалар кимёси»*** мутахассислиги бўйича аспирантурага қабул қилинган.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: ***«Полиакрилатларни полимеранологик ўзгаришларга учратиш ва улардан полимер композицион материаллар яратиш».***

Хорижий илмий нашрларда 1 та, етакчи илмий нашрларда 1 та, олий ўқув юрти тўпламларида 3 та илмий мақоласи чоп этилган, 1 та патент муаллифи, давлат илмий-техника дастури бўйича грант иштирокчиси, 6 та халқаро ва республика конференцияларида иштирок этган.

Илмий раҳбарлари: О. М. Ёриев, кимё фанлари доктори, профессор; М.Омонов, кимё фанлари номзоди, доцент.

Соғлиқни сақлаш ва экология

ПАРПИЕВ Зоирбек Астанбекович

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тери ва таносил касалликлари илмий-тадқиқот институти аспиранти.

1989 йилда Тошкент шаҳридаги 110-сонли ўрта мактабни «яхши» ва «аъло» баҳолар билан битирган.

1995 йилда I Тошкент давлат тиббиёт институтини *«Даволаш иши»* мутахассислиги бўйича битирган.

1995 йилда Дерматология ва венерология илмий тадқиқот институтида интернатура, 1998-2000 йилларда клиник ординатура ўтаган.

2000 йилда шу институтга ***«Тери-таносил касалликлари»*** мутахассислиги бўйича аспирантурага қабул қилинган.

2001 йилда Ўзбекистон дематовенерологлари ассоциацияси ва Procter & Gamble компаниясининг стипендиясига сазовор бўлган ва Ўзбекистонда 2001-2002 йилларда дерматовенерология бўйича энг яхши тадқиқотчи деб тан олинган.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: ***«Ҳомиладорлар захми».***

Республика ва хориж етакчи илмий нашрларида 2 та, олий ўқув юрти илмий тўпламида 4 та илмий мақоласи чоп этилган, 4 та патент муаллифи, 1 та таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилган, 8 та халқаро ва республика конференцияларида иштирок этган ҳамда 27 та тезиси чоп этилган.

Илмий раҳбари: К.А.Йўлдошев, тиббиёт фанлари доктори.

Ахборотлаштириш технологиялари ва бошқарув

АХАТОВ Акмал Рустамович

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Самарқанд давлат университети аспиранти.

1991 йилда Самарқанд вилояти Жума шаҳридаги 21-сонли ўрта мактабни «аъло» баҳолар билан битирган.

1991-1997 йилларда Самарқанд давлат университетининг Амалий математика факультетини «Математик» мутахассислиги бўйича битирган.

1997-1999 йилларда «Карвон» хусусий фирмаси директори лавозимида ишлаган.

1999-2002 йилларда Самарқанд шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси қошидаги Ахборот-маслаҳат марказида директор лавозимида ишлаган.

2000 йилда Самарқанд давлат университетига ***«Техник тизимларда бошқарув»*** мутахассислиги бўйича аспирантурага қабул қилинган.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: ***«Электрон тармоқларда қайта ишлаш учун узатиладиган матнли маълумотлар таркибидаги хатоларни аниқлаш ва тузатиш усулларини ишлаб чиқиш».***

Етакчи илмий нашрларда 2 та, олий ўқув юрти тўпламларида 2 та илмий мақоласи чоп этилган, 1 та иши ишлаб чиқаришга жорий этилган, 3 та патент муаллифи, 10 та халқаро ва республика конференцияларида иштирок этган ва давлат илмий-техника дастури бўйича грант иштирокчиси.

Илмий раҳбари: И.И.Жуманов, техника фанлари доктори, профессор.

Фан ва технологиялар маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йилги Давлат стипендиатлари бўлган аспирантларни, уларнинг отаоналарини, уларга таълим берган ўқитувчи-профессорлар, илмий раҳбарлар, олий ўқув юрти, илмий-тадқиқот институтлари раҳбарларини эришилган ушбу катта муваффақият билан табриклайди ҳамда барчаларига Янги йилда сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилайди.

Фан ва технологиялар маркази.

2002—2003 o'quv yili — Xalq ta'limi muassasalarida metodik xizmatni takomillashtirish yili

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да кўрсатилган асосий вазифалардан бири узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш ҳисобланади. Бунда эса методик хизматнинг, хусусан, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим муассасаларидаги метод бирлашмаларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам Халқ таълими вазирлиги ушбу долзарб масалага янада теранроқ урғу бериш ҳамда жойлардаги илғор тажрибаларни тренинглар шаклида кенг тарғиб қилиш мақсадида ҳайъат мажлисида кўриладиган масалалар сирасига Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани методика кабинетининг таълим муассасаларида узлуксиз методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш борасидаги изланишларини ҳам киритди. Чунончи, туман халқ таълими бўлими муассасаларида ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини мунтазам ошириш ҳамда ўқув жараёнига янги-

ликлар, янги педагогик технологияларни жорий қилиш билан бирга илғор мураббий, ўқитувчиларнинг иш усуллари, тажрибаларини оммалаштириш борасида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилган. Албатта, бунда туман халқ таълими ходимларининг иқтидорли болалар билан ишлаш, ўғил-қизларни касб-ҳунарга йўналтириш, фан олимпиадаларига тайёрлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳам эътиборга моликдир.

Методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш йўналишидаги изланишлар билан атрофлича танишиш учун дастлаб ҳайъат мажлиси иштирокчилари — Халқ таълими вазирлиги ҳайъати аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, вилоятлар Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ректорлари, вилоятлар Методик марказлари раҳбарлари Акмал Икромов туманидаги 20-"Ниҳол" номли мактабгача таълим муассасасига ташриф буюришиб, ушбу жамоа ҳаёти билан атрофлича танишдилар. Сўнгра иштирокчилар "Учинчи минг йилликнинг боласи" таянч дастури ва давлат талабларининг бажарилиши (19-мактабгача таълим муассасаси иш тажрибасидан), "Мактабгача таълим муассасаларида янги педагогик технологияларнинг жорий этилиши" (20-мактабгача таълим муассасаси иш тажрибасидан), "Ривожланишида нуқсони бўлган болалар билан олиб бориладиган маънавий ва маърифий ишлар" (431-мактабгача таълим муассасаси иш тажрибасидан) мавзуларида тренинглар ва фикр алмашувларда қатнашишди. Ўзига хос тарзда ўтказилган тренинглар баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Шу йилнинг 25 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ҳайъат мажлиси тафсилотлари билан газетамизнинг навбатдаги сонларининг бирида батафсил танишасиз.

МУХБИРИМИЗ

— Қадриятларнинг ҳаммаси инсонни чиройли кўрсатадиган, жозиба бахш этадиган, ҳурмат, обрў келтирадиган бойликдир.

Teran tomirlar

Қадри баланднинг қадди баланд

Ватанимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлар эди. Хизмат сафаримиз чоғида бир боғчага кирдик. Хонанинг бурчагида деворга соҳибқирон Амир Темур сурати илинган. Пастроқда атлас нусха матодан қўғирчоққа мослаб тикилган кўйлакча осилган. Столда икки-учта сопол идишлар.

— Бу миллий қадриятлар бурчаги, — дея изоҳлади тарбиячи.

Сўраб-суриштиришлардан маълум бўлдики, уларга шундай бурчак ташкил қилиш ҳақида кўрсатма бўлган экан. Кейинчалик бир-иккита мактабларда ҳам шунга ўхшаган "миллий қадриятлар бурчаги"га дуч келганман.

Орадан йиллар ўтди. Бизнинг миллий қадриятлар, умуман, қадриятлар ҳақидаги тасаввурларимиз ойдинлашди. Биз шу тушунча тасодифан омади келиб кун тартибига чиқиб қолган тушунча эмас, балки комил инсонни шакллантиришдаги асосий омиллардан бири эканлигини тобора теранроқ англай бошладик.

Фалсафа фанлари доктори Манзура Холматова билан қилган мазкур суҳбатимиз ҳам ана шу билиш, англаш йўлидаги кичик уринишлардан биридир.

— Манзурахон, миллий қадриятлар ҳақида гап кетганда аксарият ҳолларда Наврўз байрами, кўпкари, кураш, сумалак ва бойчечак қўшиқлари тасаввуримизга келади. Ҳолбуки, бу тушунчанинг таърифи бу тасаввурдан анча кенг, теран...

— Албатта, бир пайтлар бирон бир мамлакат бойлиги унинг бошқа ҳудудларни ўзига бўйсундириш даражаси ёки қурол-аслаҳасининг ҳадди-ҳисобига, зўравонлик даражасига қараб белгиланган.

Бугун қайси мамлакат ўз фуқароларининг истеъдод ва имкониятларини кўпроқ юзага чиқаришга қодир бўлса, шу мамлакат кучли ҳисобланади. Яна ҳам соддароқ ифодаласак, юртнинг бойлиги инсоннинг яшаши, замонавий техникани ўзлаштириши, ривожланган таълим системасидан баҳраманд бўлишига сарфланаётган бўлса, жаҳонда шу юртнинг нуфузи баланд бўлади.

Миллий қадриятлар ҳам худди ана шу вазифага хизмат қилади. Демак, миллий қадриятлар шунчаки нарса эмас, балки ҳар бир миллатнинг нуфузи, куч-қудрати, гўзаллиги, тафаккури, бир сўз билан айтганда, сийрати, сувратини кўрсатувчи асосий белгилардан бири.

Хива, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Қўқон ва бошқа шаҳру қишлоқларимиздаги бетакрор тарихий обидалардан тортиб ҳазрат Навоий асарларида илгари сурилган бағрикенглик, дўстлик ғояларигача, майдонларда минглаб одамларни бир кўз, бир нафасга бирлаштира оладиган кураш ўйинидан тортиб кайвони оналарнинг қиз-келинчакларга сўз билан эмас, лаб тишлаб, бош чайқаб берган танбеҳларигача — барибари гўзал қадриятларимиз. Улар ҳақида гапирганда бизники эканидан, шундай ажойиб бойликларни яратган миллатга мансублигимиздан ғурурланиб-ғурурланиб гапиришимиз керак.

— Баъзан бизда шу ғурур туйғусидан ҳадиксираш ҳолатлариям учрайди. Гўё ғурурлансак, бошқаларни менсимай қўядигандай ёки миллий маҳдудлик, деган бир қобиққа кириб қоладигандай...

— Йўқ. Ғурур туйғусидан қўрқмаслик керак. Инсон руҳияти "умуман" деб аталувчи ҳаммага хос нарсалар устида тиклана олмайди. Аниқроқ ифода этсак, "ҳамма яхши, сен ҳам шулар қаторисан" деган гап билан бирор миллатда ор-номус, шаън, ғурур туйғуларини уйғотиб бўлмайди.

Биз бу борада жуда катта қадамлар ташладик. Обидалар, зиёратгоҳларни таъмирладик. Улуғ аждодларимиз асарларини такрор-такрор чоп эттирдик. Миллий байрамларимизни нишонлаяпмиз. Қадимги ҳунармандчиликлар тикланаяпти. Бу жараённи яна ҳам кучайтириш зарур. Халқ эртаклари, достонлари асосида бадиий фильмлар, мультфильмлар яратиш, чиллак, бештош каби ўйинларни жисмоний тарбия дарслари таркибига киритиш лозим.

Мактабларда, қишлоқ клублари қошида қўғирчоқ театрлари ташкил этиш, хуллас, халқда азалдан бор бойликларнинг зарра-заррасигача фойдаланиш керак. Маънавий бойликлар ҳам худди моддий бойликлар каби доимий эътиборни талаб қилади. Янгидан яратиш яхши, аммо боридан фойдаланиш ундан ҳам яхши.

Японияда ундай, Америкада бундай деганимиз билан бир халқнинг бойлиги ўз-ўзидан бировга ўтиб қолавермайди. Тўғри, биз умуминсоний қадриятларни ҳам эъзозлашимиз, улардан ўрганмоғимиз даркор. Аммо барибир муҳими — ўзимизнинг қадриятларимиз.

— Манзурахон, баъзан биз қадриятлар билан ҳар хил урф-одатларни аралаштириб юборамиз...

— Қадриятларнинг ҳаммаси инсонни чиройли кўрсатадиган, жозиба бахш этадиган, ҳурмат, обрў келтирадиган бойликдир.

Айтайлик, хўжакўрсинга ўтказиладиган тадбирлар, кимўзар мусобақасига айланган тўйдаги бўлар-бўлмас урфлар, хуллас, одамда кибр уйғотадиган ёки қарзга ботириб, руҳиятини синдирадиган, гоҳ камбағаллик, гоҳ танбаллик, дангасалик, хушомадгўйлик, тобеликка бошловчи одатлар ҳеч қачон ҳеч қайси замонда миллий қадрият бўла олмайди. Масалан, уруғ суриштириш, бир уруғни иккинчи уруғга қарши қўйиш одати кўп йиллардан буён яшаб келаётган бўлса-да, миллий қадрият бўла олмайди. Чунки бу одат одам боласига қадр эмас, қадрсизлик олиб келади.

— Давр жуда шиддатли ўзгаришда. Турли тарафдан ахборотлар, билимлар кўп. Болаларимиз қизиқувчан. Шу ҳолат таниш миллий қадриятлардан кўра нотанишроқ — яъни ўзгалар қадриятига кўпроқ тортади, назаримда. Дунёдан олиш, ўрганишнинг хатарли жиҳати йўқ-ку, аммо ҳамманинг "суяги" ўз қадриятлари билан қотгани яхши. Шу жиҳатдан яна қандай таклифларингиз бор?

— Миллий қадрият — юракдан-юракка, қўлдан-қўлга, кўздан-кўзга ўтганда умрбоқийлик касб этади. Яъни, қалбга кирган, юракка сингиган қадриятлар яшаб қолади. Миллий қадриятлар фақат музейларда сақланадиган, ҳар замонда кўриб, хотирлаб туриладиган ёки байрам саҳналарида кийиладиган буюм бўлмаслиги керак. У жонли вужуддай нафас олмоғи, яшамоғи керак. Шу маънода улуғлар асарлари ўқитилмоғи, таҳлил қилинмоғи, ҳунармандчилик турлари фақат уста-шогирдлик доирасида эмас, касб-ҳунар коллежларида ҳам астойдил ўқитилмоғи зарур. Миллий мусиқа асбоблари ясайдиган усталарга худди компьютер усталаридай эътибор бериш керак. Компьютер дунёга дарча бўлгани каби бизнинг ҳар бир ҳунармандчилик буюмларимиз дунёга сўқмоқ очиши мумкин. Бизнинг кутубхоналаримиз, қалбимиз, қўлимизда жуда катта миллий бойлик бор. Уни ҳаракатга келтирмасак, ҳамма баравар ўзлаштира олмайди. Чекка-чекка жойларимизга ҳали компьютер, интернет ва ҳоказо дунё янгиликлари тўла кириб борганича йўқ. Кириб боргунча, ўсиб келаётган ёш авлоднинг қалби қашшоқлашиб қолмаслиги, улар руҳий мувозанатини, ўзига ишончини йўқотиб қўймаслиги зарур.

Бизда ҳозир ҳам Оврўпо андозасидаги оқ никоҳ қўйлагини замонавий, зардўзи либосларни эскича чеварчилик деб қараш ҳоллари бор. "Шашмақом"ни эскича, турли эстрада мусиқаларини янгича, танбур эскича, гитарани ёки шунга монанд мусиқа асбобини янгича деб ўйлаймиз.

Ҳар одам миллат сифатида аввал ўзини ҳурмат қилиши, яна ҳам тўғрироғи, ҳурматга лойиқ қилиб тарбиялаши, шакллантириши керак. Шунда ўзгалар эъзозига ҳам сазовор бўлади.

Ўзи яхши-ёмонни фарқ қила олмай, ҳар кимга билиб-билмай эргашаверганларнинг қиёфаси бўлмайди.

Мен шу ўринда бир нарсани мисол келтиргим келади.

Биз Чингиз Айтматов, Робиндранат Тҳокур каби дунёга машҳур ёзувчиларнинг энг зўр асарлари қаҳрамонларини яхши биламиз. Улар узоқ қирғиз овулларининг соддагина одамлари, ёхуд самимий ҳиндистонликлар... Воқеаларни ўқиб, бир қарагандa тор бир доирадаги чекка ҳаётга кириб қолгандай бўласиз. Аммо бу ҳаёт шу қадар ўзига тортадики бу тортиш кучи миллийлик, миллий қадриятлар кучи эканини ҳар доим ҳам англайвермаймиз. Миллий қадриятлари бағрида юксалган, айниқса, биз каби бой қадриятларга эга миллат ҳам, ўзимизни кемтимасак, ана шундай жаҳон майдонида жозибали кўринамиз.

— Самимиятингиз учун раҳмат!

Кутлибека РАҲИМБОЕВА суҳбатлашди.

"ЭНГ ЯХШИ ОИЛАВИЙ КИТОБХОН"

Ўзбекистон Давлат консерваториясида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат маркази, Республика "Маҳалла" жамғармаси, Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорликда "Энг яхши оилавий китобхон" Республика кўрик-танловини ўтказди. Танловни Республика маданият ишлари вазиринг биринчи ўринбосари Эркин Эрназаров кириш сўзи билан очди. Танлов оммавий китобхонликни кенг тарғиб қилиш ва ривожлаштиришга бағишланди. Аҳоли онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз ва қадриятларимизга эътиборни кучайтириш, адолатпарварлик, ватанпарварлик, эзгуликни сингдириш танловнинг бош мақсадидир. Ушбу танловда биринчи ўрин Навоий вилоятидан Ашурматовлар оиласига насиб этди. Иккинчи ўрин Самарқанд вилоятидан Ўриновлар, Тошкент шаҳридан Эргашевлар оиласига, учинчи ўрин Андижон вилоятидан Юсуповлар, Наманган вилоятидан Раҳимовлар оиласи лойиқ деб топилди. Ғолиблар пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Мухтасархон КАРИМОВА

Ёшларда Ватанга садоқат, унинг ҳар сиқим тупроғини муқаддас билиш ва эл-юрт манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш туйғуларини шакллантиришда таълим даргоҳларида олиб бориладиган Чақириққача ёшларни тайёрлаш дарсларининг аҳамияти катта. Шу боис Чироқчи туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида 18 йилдан буён ёшларга бошланғич ҳарбий таълимдан сабоқ бериб келаётган Зиёдулла Саидов уларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш билан бир қаторда фарзандларимиз қалбида она-Ватанга муҳаббат уйғотишга ҳаракат қилади. Зеро, эл-юрт манфаати учун қайғурган инсон ҳеч қачон мағлубият билмайди.

Суратда: Зиёдулла Саидовнинг дарс жараёнидан лавҳа акс этган.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Ҳассос публицист Ашурали Жўраев билан балки мулоқотда бўлгандирсиз, балки унинг ёзганларини матбуот саҳифаларида ўқигандирсиз, эҳтимол, телеэкранда юзма-юз бўлгандирсиз. Ҳар қайси ҳолатда ҳам меҳмонимиз замонанинг фаол кишиси сифатида гавдаланади.

У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист" фахрий унвони соҳибидир. Ашурали Жўраев ҳозирги вақтда "Муштум", "Афанди" нашрларининг бош муҳаррири.

Mehmonxona



Ашурали ЖЎРАЕВ:

МАЪРИФАТ — МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ ИЛДИЗ

— Ашурали ака, Сизни кўпчилик таниқли публицист, адиб сифатида биладди ва танийди. Сиз Навоий вилоятида таваллуд топгансиз. Вилоятга буюк мутафаккир Мир Алишер Навоий ҳазратлари номининг берилиши бугунги авлод, қолаверса, барча навоийликлар зиммасига қандайдир масъулият юклайди, деб ҳисоблайсизми?

— Дастлаб шаҳарга, сўнг вилоятга Навоий номи собиқ шўро даврида берилгани маълум. Лекин ўша даврда Навоий шаҳрида Навоийни билмасликларини, ўқимасликларини ҳам тан олишимиз керак. Бунга шўро мафкураси йўл қўймасди. Тўғриси, Навоийнинг табаррук номлари мустақиллик даврига келиб юксак қадр топди, улуғланди ва яна ҳам улуғланаётир. Агар эсласангиз, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий боғи ташкил этилиб, боғда буюк бобомиз Алишер Навоийга салобатли ҳайкал ўрнатилди. Ва орадан ўн йил ўтиб, Навоий шаҳрида Алишер Навоий боғи барпо этилиб, улуғ шоир сиймоси қад тиклади.

Навоийни тилда севиш бошқа, дилда севиш бошқа. Навоийнинг буюклигини қайта-қайта таъкидлашдан кўра, биз учун унинг ҳеч бўлмаганда битта рубоийсини, фардини ё ғазалини ёддан билиш ҳам қарз, ҳам фарз. Улуғ зотни англаган, тушунган сари биз, ўзимизни, ўзлигимизни теран англаб борамиз. Бу тарихий шахс дунёсига ошно бўлган сари маънавиятимиз, маданиятимиз янада юксалади. Фозил сиймо бизни билимсизликдан, жаҳолатдан, майдакашликдан, майпарастликдан ва маънавий қашшоқликдан асрайди. Миллат сифатида бутунликка, ҳамфикр, ҳамжиҳат ва ғурурли бўлишга чорлайди.

Навоий вилоятида туғилиш, яшаш ўша жойнинг халқи учун ғурур ва ифтихор, дегим келади. Бу туйғу уларнинг кўксини тоғдай кўтаради. Лекин бу бебаҳо туйғуни ҳамиша, ҳамма жойда ҳам ҳис қилиш қийин. Айрим пайтларда бу ерлик баъзи раҳбарларнинг, оддий одамларнинг, ҳатто баъзан зиёлиларнинг номақбул хатти-ҳаракатларини кўриб ранжийсан киши. Бу ачинарли ҳолнинг асосий сабабларидан бири Навоийнинг маънавий оламидан йироқликда эканлигини бутун қалбим, шуурим билан тан оламан.

Фурсатдан фойдаланиб, қуйидаги таклифларни ўртага ташламоқчиман: биринчидан, ҳар ойнинг охирги ҳафтасида бу вилоятда Навоий куни ўтказилса. Бу тадбир боғчалар, мактаблар, барча ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотларда олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Тадбир шунчаки эмас, балки ул зотнинг асарлари мағзини чақиш, ўқиб-ўрганиш мақсадида ўтказилса, у бесамар кетмасди. Иккинчидан, ҳар йили вилоятда республика миқёсида Навоий ғазаллари билан айтиладиган мумтоз ашулаларнинг кўрик-танловини ўтказишни анъанага айлантириш керак. Мақом санъати деса, ёшларимизнинг энсаси қотади, биласиз. Бу ўша санъатнинг сеҳрию жозибасини тушунмасликдан, англамасликдан. Агар биз ёшларга Навоий ғазаллари шоир қалбидан қуюлиб чиқаётган бир маъво эканлигини англата олсак, улар мақомни чуқур тан олиб,хаёл оғушида тинглаган бўлардилар.

— Сиз ўзбек эстрадасининг асосчиларидан бири — Ботир Зокиров ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи "Юрак бўронлари" номли биографик асар яратгансиз. Ботир Зокиров — юксак ирода ва фидойиликнинг ёрқин тимсоли. Сизга бу асарни яратиш осон бўлмагандир?

— Машҳур ва афсонавий санъаткор Ботир Зокиров билан ҳаётлик вақтида бир марта учрашиб, суҳбатлашганман, холос. Суҳбатимизнинг бир қисми "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида босилган эди. Лекин у киши билан учрашиш бошқа насиб этмади. Суҳбатнинг иккинчи қисми Ботир аканинг вафотидан сўнг, туғилган кунида эълон қилинди. "Қўшиқларим, сиз учун, хижолатлик эмасман" деб номланган ушбу суҳбатни ўқиган Абдулла ака Орипов телефон қилиб, мени табриклади-лар. Сўнг "Агар жиддий шуғулланса-нгиз, Ботир Зокиров ҳаёти ва ижоди ҳақида яхши китоб ёзсангиз бўлади", деган таклифни айтдилар. Аста-секин Ботир Зокиров ҳақида у кишини билган, бирга ишлаган сафдошларидан, оила аъзоларидан хотираларини ёзиб олдим. Бу қизғин жараён икки йилча давом этди. Бу ишда менга, айниқса, Ботир аканинг укаси — таниқли актёр Жамшид Зокиров, у кишининг рафиқаси — таниқли актриса Гавҳар Зокирова яқиндан ёрдам беришди. Каттагина нусхада чоп этилган китоб Тошкент-да бир ҳафта ичида сотилиб кетди. Бу, мухлисларнинг Ботир Зокиров санъатига бўлган меҳр-муҳаббати ҳеч қачон сўнмаслигидан, аксинча борган сари аланга олишидан бир нишона эди...

Ботир Зокиров нафақат машҳур қўшиқчи, балки ажойиб рассом, ўзига хос ёзувчи ва таржимон эди. 49 йиллик умрининг ярмидан кўпини касалхоналарда ўтказиб, олти марта оғир операция бўлишига қарамай, миллий эстрада санъатини жаҳон саҳнасига олиб чиққан фидойи санъаткор Ботир Зокировнинг бетакрор санъати боқийлигича қолади. У ҳали кўплаб авлодларни ҳайратга солишига асло шубҳа йўқ. Миллий эстрада ривожи учун Ботир Зокиров мактабини ўрганиш ва ўқитиш жуда ҳам муҳим. Ҳозир эстрада хонандалари беҳисоб. Умуман, сиз қўшиғини эшитмаган бир хонанда телевизорда кўриниш беради. Балки қўшиқ айтувчиларнинг кўплиги яхшидир, лекин улар барибир сараланади. Ботир Зокиров қўшиқларини айнан унинг ўзидай қилиб ижро этаётган ёш хонанда Акмал Саидов ҳақидаги фикрим ижобий. "Араб тангоси" Акмал Саидов ижодида ўзига хос бурилиш ясади. Аммо мен истардимки, у ўзининг ҳам қўшиқларини яратса.

— Олимлар, ёзувчи-шоирлар умр бўйи китоб йиғади. Бу табиий ҳол, қолаверса, савоб иш. Шахсий кутубхонангиз борми? Агар бор бўлса, ундан кимлар фойдаланади? "Китоб ўғрисига айб йўқ" дейдилар. Китоб ўғирлатганмисиз ёки ўзингиз ҳам ўғирлаганмисиз?

— Китоб йиғишни мактабда ўқиб юрган кезларимда бошлаганман. Ўшанда китобларим бир чемодан эди. Ҳозир каттагина хонага ҳам сиғмайди. Китобни яхши кўришимни сўз билан таърифлолмайман. Назаримда, китоб ҳам одамга ўхшайди. Уни фақат ўқиб тушуниш мумкин. Китобни аёлни, фарзандни, ҳақиқий дўстни севгандек севиш ва ардоқлаш керак. Шунда у инсонларни яна ҳам маънавий юксакларга кўтаради. Кино, театр, телевидение ҳеч қачон китобнинг ўрнини босолмайди. Мен ёшларга, зиёлиларга қараб, бир лаҳза ҳам китоб ўқишдан тўхтаманг, деб ҳайқиргим келади. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳам имконингиз етгунча яхши китобларни харид қилсангиз, ҳеч нарса ютқазмайсиз. Сизни ёмонликлардан, жаҳолатдан, саводсизликдан фақат китоб асрайди. Қийинчиликлар ўтади, муаммолар ҳал бўлади, лекин олган китобингиз сизга бир умрлик ҳамроҳ бўлиб қолади.

Шахсий кутубхонамдан асосан фарзандларим фойдаланишади. Китоб ўғирлаш масаласига келсак, жон синглим, ҳар иккаласи ҳам бўлган. Начора?..

— Инсон бор экан, демак, ҳаёт, хотира ва бардавомлик бор. Умр ўтган сайин хотиралар ҳам ундан йироқлашаверади, аммо у "ўлмайди". Сиз тарбия топган оила, мактаб, зиёлилар аудиторияси... Менимча, улар бир-бирига узвий боғланиб кетган. Оилангиз, мактабингиз, устозларингиз ҳақидаги хотираларни тез-тез эслайсизми?

— Тарбия берган инсонларни ҳеч қачон унутиб бўлмайди. Токи ҳаёт экансиз, уларнинг сиймолари хотирангиздан асло ўчмайди. Оилада асосан бобом ва бийим(бувим)дан тарбия олганман. Ўн икки ёшимгача уларнинг қўлларида ўсганман. Ва бугун нимагаки эришган бўлсам, шубҳасиз, бобом ва бийим берган қуйма тарбиянинг маҳсули деб биламан.

Бобом уста Жўра араб тилини пухта биладиган, арабча матнни ўқиш жараёнида таржима қилиб кетадиган даражада билимдон киши эди. У киши саводли мулла бўлиш билан бирга, сартарошлик қиларди, тиш даволарди, деҳқончилик билан шуғулланарди. Каттагина боғлари ҳам бор эди. Қўлларидан китоб, тасбеҳ, кетмон тушмасди. Сўзларидан ҳикмат қуйилиб келарди. Бобомнинг юриш-туриши, яшаш тарзи — ҳамма-ҳаммаси тарбия мактаби эди. Учинчи синфда ўқиётганимда раҳматли бобом менга арабчани ўргата бошладилар. Бир куни дарс пайтида арабча қўлёзманинг бир парчаси "Ўқиш китоби" орасидан чиқиб қолди. Буни кўрган коммунист ўқитувчимизнинг тепа сочи тикка бўлди. У туман раҳбарларини оёққа турғазиб, бобом бечорани қаматиб юборишга сал қолган. Ҳайриятки, бобом ўша манбанинг мағзини чақиб берганидан сўнг, раҳбарлар ҳам ваҳима қилишга арзимайдиган гап экан-ку, дея қўл силташди.

Мактабда биринчи синфда ўқитган устозим Руқия Ҳайдарова, мактаб директоримиз Баҳром Мардонов, математика ўқитувчимиз Гулжаҳон Фаттоҳовадан юксак тарбиялари учун бир умр миннатдорман. Уларнинг ҳар биридан бетакрор сабоқлар олганман. Илоё, умрлари узоқ бўлсин.

Зиёлилар даврасида юриш каминанинг дунёқарашини кенгайтирди, ҳаётни ўргатди, қаламимни чархлади. Устозларим Неъмат Аминов, Иброҳим Ғафуровдан жуда бебаҳо тарбия воситаларини кўриб ўргандим. Улар олдида ҳамиша қарздорман. Вақти-соати келиб, менга тарбия берган барча устозларимнинг сабоқларини қоғозга тушириш ниятидаман. Ҳаётда менга ҳамиша яхши ва ҳалол инсонларни тарбиячи сифатида учраштирганн учун Оллоҳга иймон келтираман ва қайта-қайта шукроналар айтаман.

— Ашурали ака, Сиз санъат муаммолари, жумладан, бадиий фильмлар, сериаллар, танловлар ҳақида ҳам ташвишланиб ёзиб юрасиз. Сўнгги пайтларда телевидение орқали намойиш этилаётган сериалларнинг сони кўпайиб кетди. Лекин назаримда, уларнинг сифати ҳақида камроқ ўйлаяпмиз. Масалан, кўпгина сериаллар томошабинларга бекорчиликдан кўра яхшигина эрмак, лекин уларда тасвирланган воқеалар ўзбек томошабининг, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёсига қанчалик даражада таъсир қилар экан?

— Жуда ўринли савол. Баъзи енгил-елпи, саёз сериалларни телевидение қандай, қайси йўллар орқали бизга намойиш қилаётганидан бехабармиз. Бу кўпроқ кино таҳририяти ходимларининг танлаш, саралаш савиясига боғлиқ, деб ўйлайман. Агар фақат эфир соатини тўлдириш учун, тўғри келган сериални танлашаётган бўлса бу хато, бу фожеа. Масалан, "Ошин" телесериали яхши танланган. Ундаги воқеалар ўзбек аёллари ҳаётига ҳам ўхшаб кетади. Ошин образи дардлари, қувончлари ва изтироблари билан ўзбек томошабинига яқин. Лекин, афсуски, сериални унчалик кўп томошабин кўраётгани йўқ. Яқинда намойиши тугаган "Эсмеральда"ни эса 7 ёшдан 70 ёшгача киши кўрдиёв. Буни ҳам инкор этиб бўлмайди. Лекин ҳамма гап томошабиннинг диди, савияси ва дунёқараши билан баҳоланади. Менимча, айрим ёшлар билан бир қаторда уларнинг ота-оналарининг ҳам дидини тарбияласак, маънавиятини юксалтирсак, ўшанда кўп муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўларди. Энди томошабин кўрар экан, деб ҳамма нарсани телеэкранга олиб чиқаверсак, қандай оқибатлар келтириши кундек равшан. Ўртамиёна, саёз, енгил-елпи кўрсатув ва телесериаллар, аввало, ёшлар тарбиясига таъсир этишини унутмаслигимиз керак. Ота-оналар ҳам боласининг ёшига қараб, телеэкранга рўбарў қилса, яхшироқ бўларди. Ҳозир телевидение бизнинг маънавий ҳаётимизда жуда катта майдонни эгаллаб олди. Лекин, бу майдондан газета, китоб, журнал, театр, спорт каби соҳалар ҳам ўзига хос ўрин эгаллаши керак, деб ўйлайман.

— Хоҳ оилада, хоҳ мактабда бўлсин, ўғил ва қиз тарбияси бир-биридан фарқланади. Лекин бола тарбияси билан қиз ёки ўғиллигидан қатъи назар, оилада асосан она шуғулланади. Мактабда ҳам ҳозир кўпроқ аёллар. Бунинг таъсири ўлароқ, назаримда ўғил болаларда уларга хос хислатлар йўқолиб бораётгандек...

— Ушбу мавзу юзасидан матбуотда ҳам баҳс-мунозаралар бўлиб турибди. Лекин гап онада ёки аёл ўқитувчиларда эмас. Масалан, биз ўқиган даврда мактабимизда асосан эркак ўқитувчилар дарс беришарди. Лекин ўғил болалар орасида лапашанглар, жиззакилар, яхши ўқимайдиганлар, безорилар етарли эди. Менимча, бу муаммонинг илдизини ўзимиздан, атроф-муҳитдан, кундалик ҳаётдан, ташқи ва ички таъсирлардан қидириш керакка ўхшайди. Бир вақтлар "Қуш уясида кўрганини қилмаса, унда унинг қушлиги қаерда қолади?" деб ёзиб қўйган эканман. Ҳамма гап уяда. Шуни яхши билингки, бургутнинг уясидан бургут, чумчуқнинг уясидан чумчуқ чиқади. Ҳукуматимиз баркамол авлод тарбияси учун катта куч ва маблағ сарфлаяпти. Лекин, ислоҳотлар жараёни ҳамма мактабларда ҳам самарали кечаяпти, деб ўйламайман.

— Ашурали ака, Сиз бош муҳаррирлик қилаётган республикамизнинг ягона кулги ва ҳажв журнали "Муштум" ва унинг иловаси "Афанди" газетаси ўз зиммасидаги вазифаларни тўлақонли уддалай оляптими?

— "Муштум" келгуси йили 80 ёшга, "Афанди" 5 ёшга тўлади. Улар бозор иқтисоди шароитида бир-бирини етаклаб, бир-бирини тўлдириб, бир-бирига мададкор бўлиб чоп этиляпти. Лекин ҳар икки нашр ҳам зиммасидаги вазифаларни тўла-тўкис бажаряпти, десам муболаға бўлади. Ҳамиша ҳам ўқувчининг дилидаги гапларни топиб айтолганимиз йўқ. Имкониятимиз етгунича мавжуд иллатлар, камчиликлар, муаммолар илдизини очишга интиляпмиз. Журнал ва газета саҳифаларида босилаётган танқидий хатлар, мақолалар ва фельетонларга тегишли вазирликлар, ҳокимият ва идоралардан расмий жавоблар келяпти.

Танқид хўрозқанд эмас. Уни ҳаммаям хушлайвермайди. Лекин, холис танқид йўқ жойда кўлмакнинг пайдо бўлиши, табиий. Ҳалол танқид йўқ жойда тараққиётнинг мева бериши қийин. Чунки меъёрида бўлган танқид ҳар қандай жароҳатга мал-ҳамдир. Бу ҳақда Юртбошимизнинг ҳам мажлисларда, йиғилишларда жон куйдириб гапираётгани бежиз эмас.

Энг муҳими, матбуот жамиятда ўз ўрнини топишига, яъни тўртинчи ҳокимият сари дадил интилаяпти. Баъзи ўринларда янглишиш, адашиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Бу ўтиш даври учун табиий ҳол. Агар матбуот ҳақидаги қонунлар фаол ишласа, ҳаммаси ўз-ўзидан изга тушиб кетади.

— "Маърифат" — маърифатни тарғиб қилувчи газета. Ва у минглаб зиёлиларники. Муштарийларимизга қандай тилакларингиз бор?

— Мен, аввало, газета жамоасига сиҳат-саломатлик, ижодий куч-ғайрат, янги йилда янги омадлар ёр бўлишини тилайман. "Маърифат" кириб борган юраклардан фидойи маърифатпарварлар, жасоратли миллатпарварлар етишиб чиқсин. Мустақилликни мустаҳкамловчи илдизлардан бири ҳам аслида маърифатдир.

Суҳбатдош Ҳулкар ТЎЙМАНОВА

Яқинроқ бориб қарасам, бу оила чет эллик меҳмонлардан экан. Улар қизларининг қизиқишларини ҳурмат қилди ва улар хоҳлаб танлаб олган еттита қўғирчоқни сотиб олишди.

Sevimli o'yinchoqlar

ҚОРАҚОШ ҚЎҒИРЧОҚЛАР АМЕРИКАЛИК БОЛАЛАР ҚЎЛИДА

Яқинда пойтахтимиздаги муҳташам "Интерконтинентал" меҳмонхонасида уч кун мобайнида Республика ҳунармандлар уюшмаси томонидан VII-халқ амалий санъати фестивали ўтказилган эди. Мен ҳозир ушбу фестивалнинг мақсади, кўзлаган натижалари ҳақида гапирмоқчи эмасман. Балки, шу фестивалда иштирок этган юздан ортиқ ҳунармандлар, улар ясаган, тўқиган, тиккан мингдан ортиқ миллий буюмларни кўришга, томоша қилишга, сотиб олиш ёки бошқа ҳамкорликларни йўлга қўйиш учун келганларни кузата туриб пайдо бўлган мушоҳадаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Кўргазма залида турли тоифа кишилар: тадбиркорлар, иқтисодчилар, санъатшунослар, ўқитувчилар, талабалар, шунчаки вақт ўтказмоқчи бўлганлар, ҳатто, турли мактаб ёшидаги ўқувчилар, ота-оналарининг ортидан эргашиб келган болакайлар, қўйингки барча-барча ўзларини қизиқтирган буюмларини ҳавас билан ушлаб кўрар, сотиб олишарди. Шунда мен ҳам санъат асари даражасидаги ҳар бир анжомни синчковлик билан кўздан кечирар эканман, беихтиёр қўли гул ҳунармандларимиз ясаган миллий ўйинчоқларни излай бошладим. Ва ниҳоят, бир-биридан гўзал гиламлар, кўзни оладиган зардўзи кашталар, сопол буюмлар, Чуст пичоқларию китоб лавҳалари орасидан ранг-баранг қилиб ишланган саллали одам шаклидаги шахмат доналарини кўрдиму, шу ерда ўйинчоқлар ҳам бўлса керак деган хаёлга бордим. Тўғри ўйлаган эканман. Бироздан сўнг уларнинг яратувчиси билан гаплашмоқчи бўлган эдим, орқаларига сумка осиб олган тўрт нафар қизалоқлар қўғирчоқларни суқланиб ушлаб кўришди. Кейин биттаси ийманибгина нархини ҳам сўраб қўйди ва ўгирилганича, шу томонга қайта-қайта қараб, кўнгил узолмасдан бошқа амакининг кўзмунчоғу тиллақошларини кўра бошлади. Секин уларнинг кетидан бориб, ёшларини сўрадим. Олти ёшли 1-синф қизчалари эканлигини билганимдан сўнг, улардан сўрадим:

— Сизларнинг ҳам ана унга ўхшаган қўғирчоқларингиз борми?

Шунда ҳали қўғирчоқларнинг нархини сўрашга журъат қилган қизалоқ:

— Менинг 12 та қўғирчоғим бор. Лекин, биттасиям ўзбек эмас. Сочларини синглим кесиб, кички-и-ина қилиб ташлаган. Кейин, қошлариям қоп-қорамас, ўсма қўйилмаган. Ану-у-у чиройли қўғирчоқни олгим келди. Лекин, менинг пулим йўқ-да — дея менга ҳасрат қилди. Уларнинг беғубор чеҳраларига қараб, сизларга ҳам шундай қўғирчоқлар насиб қилсин, дея ич-ичимдан ният қилдим.

Шу пайт яна ўша қўғирчоқлар тахланган пештахта ёнида кичкина бир қизчанинг ўксиниб-ўксиниб ойисидан нималарнидир илтимос қилаётганлигига гувоҳ бўлдим ва бир чеккада уларни кузатдим. Беш ёшлар чамасидаги қизча битта зар кўйлакли, сочлари майда ўрилган қўғирчоқни ушлаб олганича, оберинг, оберинг, дея уни қўлидан қўйиб юбормасди. Онаси эса норози кайфиятда қизчасини "конфет обераман, шоколад обераман" деб алдашга уринарди. Қайсар қизча оёқ тираб олгач, ҳеч иложини қила олмадида, ҳунарманд опа билан қўғирчоқнинг баҳосини келишишга ўтди. Келишув "муваффақиятсиз" якунланди. Она қизчасининг кўзларидан дув-дув ёшини оқизганича, қўлидан маҳкам ушлаб, судраб кетди. Ўзим хоҳламаган ҳолда уларнинг ортидан эргашдим. Бир қарашда кибор кўринган бу опанинг биттагина қўғирчоқни ҳамёни кўтаролмаслигига ақлим бовар қилмасди. Айтганимча бўлиб чиқди. Иккинчи кўргазма залидаги Хива гиламларини синчиклаб қараган кузатувим остидаги опа бир гиламни савдолашмасдан ҳам сотиб олиб қўя қолди. Бу ҳолатдан қандай хулоса чиқаришга ҳам ҳайрон қолдим. Яна ким билади дейсиз, ҳамманинг шахсий эҳтиёжлари ўзига маълум. Лекин, шу нарсани биламанки, бола хоҳлаган ҳар бир нарса, орзу қилган ўйинчоқлари унинг эртанги интилишларига, қизиқишларига, бориб-бориб катта ҳаёт йўлига ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Буни тарихдаги мана бу далиллар билан исботлаб ўтмоқчиман. Ҳозирда оммавий ахборот воситалари ичида ўз ўрнига эга бўлган телевидениенинг кашфиётчиси Розин ақлини таниганиданоқ темир бўлакларини йиға бошлаган. Натижада буюк муҳандис бўлиб етишиб, бутун дунё тан олган ва кўплаб кучларни ўзига жалб қилган тармоққа асос солган. Бу фақатгина бир мисол. Шунингдек, буюк Ньютоннинг ҳам, машҳур сайёҳ Кустонинг ҳам ҳаёт йўлини бу борада мисол қилиб келтирса бўлади.

Менинг айтмоқчи бўлганим, ҳалигача кўз олдимдан кетмаётган ўша қизалоқларнинг ҳам миллий ўйинчоқлари бўлса, улардан ўрнак олиб улғайишармиди... Жонсиз, лекин, жозибадор, шунинг билан бирга кичкинтойларнинг энг яқин ўртоғи бўлган бундай қўғирчоқларга қараб миллатимизга ҳурмат, қадриятларимизга эътиқод руҳи болаликдан қалбларга мухрланармиди... Шундай мулоҳазаларимни билдираман дегунимча, яна таърифимиздаги қўғирчоқлар кўргазмаси ёнида ота-онаси билан биргаликда келган икки нафар қизчалар тўхташди. Яқинроқ бориб қарасам, бу оила чет элликлардан экан. Улар қизларининг қизиқишларини ҳурмат қилди ва улар хоҳлаб танлаб олган еттита қўғирчоқни сотиб олишди. Шунда мен ҳам қизалоқлар билан гаплашиш ниятида бу оила билан суҳбатга киришдим. Америкалик қизчалардан каттасининг исми Эльза ва кичигиники Луиза экан. Улар Барби қўғирчоқлари кўплигини, аммо ҳали бунақасини ҳеч қаерда кўришмаганлигини айтишди. Ўзини Жозеф Стефан деб таништирган оила бошлиғи эса:

— Қизларимдаги хоҳиш-истакни сўндиришга ҳаққим йўқ. Мана қаранг, опа-сингиллар ўз дидларидан келиб чиқиб қўғирчоқларни танлашди. Бири танлаганини иккинчисиям қизиқиб танлаб қўя қолмади. Демак, энди уларда танлаш имконияти пайтида мустақил фикр билдира олиш ва йўл танлай билиш малакалари шаклланаяпти. Агарда мен мана шу ривожланиш жараёнига тўғри баҳо бериб, ўз ҳиссамни ижобий қўшадиган бўлсам, вазифамни уддалаган бўламан, — дейди хотиржам тортганича.

Ушбу муносабатдан сўнг ўз қўғирчоқлари билан ҳамманинг ҳавасини келтираётган Андижон вилояти ҳунармандлар уюшмаси раиси Манзура Юсуповага юзланаман:

— Анчадан бери шу атрофда айланиб юрганлигингиздан, бирон-бир кузатувчи бўлсангиз керак, деб ўйлагандим. Ҳозир ўзингиз миллий ўйинчоқларга бўлган муносабатнинг бир кўринишига гувоҳ бўлиб турибсиз. Биласиз, қўл меҳнати қиммат. Шундай бўлишига қарамасдан, болалар ўйнайдиган овунчоқ деб уларни мукаммал тикиб, арзонроқ қилиб сотишга ҳаракат қиламиз.

— Сиздан болалар боғчалари ҳам ўйинчоқлар харид қилишадими? — деган саволимга Манзура опа:

— Ҳа, Андижондаги айрим боғча мудиралари буюртма беришади. Фақатгина, улар кўргазма учун қўйилади. Масалан, эртак қаҳрамонлари, байрамларда кийишга мўлжалланган ниқоблар, ҳар хил танловлар учун композициялар ясаб беришимизни илтимос қилишади. Лекин, болалар уларни қўлларига олиб ўйнашолмайди. Улар фақат кўргазмалар учунгина. Тўғри, бизда мана бундай ихчам, бола ҳар доим ўйнайдиган ўйинчоқлар ҳам бор. Лекин, уларни кўпинча чет элликлар ёки хорижга чиқмоқчи бўлганлар сотиб олишади..., — дея жавоб берди..

Анча давом этган суҳбатимиз асосида масаланинг ечими яна маҳаллий ўйинчоқлар ишлаб чиқаришнинг яхши йўлга қўйилмаганлигига бориб тақалаверди. Бу борадаги мулоҳазаларимизни эса газетамизнинг қатор сонларида эълон қилинган шу мавзудаги мақолаларда баён қилганмиз.

Айни дамда "Севимли ўйинчоқлар" республика кўрик-танловида миллий ўйинчоқлар йўналиши бўйича тақдирланган тарбиячиларнинг ишлари юзасидан ҳам муносабат билдириш жоиз. Ушбу кўрик-танловда Хатирчи туманидаги 4-МТМ тарбиячиси Насиба Ниёзова томонидан ясалган "Оила" композицияси, хазорасплик 5-МТМ ходимаси Илья Жуманазарованинг "Буюк ипак йўли" ўйинчоқлар композицияси ҳамда Қорақалпоғистоннинг Чимбой туманидан келган 4-МТМ вакиласи Тлеукан Мамбетмуратова яратган "Наврўз" композициялари энг яхши миллий ўйинчоқлар деб топилди. Бу ўйинчоқларда албатта, асл миллий анъаналаримиз тасвирланган ва улар болажонларнинг содда тушунчаларини шакллантиришда ўз ўрнига эга. Қисқача қилиб айтадиган бўлсак, миллий ўйинчоқларнинг танловларда, кўргазмаларда бўлса ҳам кўпайгани маъқул. Чунки, уларнинг нусхалари бўлса-да пайдо бўлиб, болажонлар қалбига ўрнашиб боради.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

КИТОБЛИКЛАРНИНГ "ҚУВОНЧ"И

Maktabgacha ta'lim muassasalarida

Китоб шаҳрининг кунчиқар томонида "Қувонч" номи билан аталувчи болалар боғчаси жойлашган.

Замон талабларига мос қурилган қўш қаватли бинода жойлашган ушбу болалар масканида 7 та гуруҳда 130 нафар кичкинтой илму одоб ўрганаяпти. "Қувонч" нафақат туманда, балки Қашқа воҳасида ўзига хос обрў-эътиборга эга боғчалардан бири.

"Қувонч"нинг серғайрат ва чаққон кичкинтойлари ҳар йили "Тасвирий фаолият - расм чизиш", "Соғломжон-полвонжон", "Севимли ўйинчоқлар" танловларида туману вилоятда фаол қатнашадилар.

Жамоада қатъий тартиб-интизом ўрнатилган. Шу боисдан бўлса керак, "Қувонч"да барча ишлар талаблар даражасида йўлга қўйилган.

"Қуёшча" номи билан аталувчи кичик гуруҳнинг машғулотлар хонасига кирдик. Гуруҳ тарбиячиси Гулферахон Сулаймонова "Қуёшча"нинг "Қувноқлар" деб номланувчи бадиий дастаси билан юртимиз мадҳиясини ижро этаётган эканлар. Тингладик. Шунчалар беғубор, шунчалар ширин оҳанг...

Мана, 10 йилдирки, "Қувонч"да кичкинтойлар сара ва сифатли кўкатлардан истеъмол қилишади. Чунки, боғчанинг иссиқхонасида ва ҳовли-боғда йил — 12 ой ямяшил кўкатлар етиштирилади. Иссиқхонада ўстирилаётган 45 туп лимоннинг ҳам олди ўтган йили ҳосилга кирди. Шу боис, икки йилдирки, кичкинтойлар лимонли чой ҳам ичишаяпти.

Иссиқхона ва ҳовли-боғда роппа-роса 1000 туп лимон, 500 туп ток, 600 туп атиргул ва яна қанчалаб ёнғоқ, олма кўчатлари парваришланаяпти.

— Булар "Қувонч"нинг даромадлар манбаси, — дейди боғча мудираси Ойнисо опа Раҳимова ҳазил-мутойиба билан. — Ҳар йили кўчат сотамиз. Топган пулларимизга хоналаримизни таъмирлаймиз, кам даромадли оилаларимизнинг ойлик бадалларига кўмаклашамиз, танловларда ғолиб бўлган кичкинтойларимизни рағбатлантирамиз...

Дарҳақиқат, "Қувонч"да кичкинтойларга қувонч улашадиган бир қатор шарт-шароитлар муҳайё. Мусиқа ва спорт ўйинлари зали, фитобар, мустақил ўйнаш ва нутқни ўстириш хоналари, ҳовлидаги "Эртаклар шаҳарчаси" — дам олиш боғи ана шулар жумласидан.

Абдували ОБИДДИН,
"Ma'rifat" мухбири

ТАРБИЯНИНГ РУҲИЙ ТАЪСИРИГА ЧИЗГИЛАР

10-мақола

Тарбия — бир кишининг иши эмас. Халқимиз "Бир болага етти маҳалла ота-она" деб бежиз айтмаган. Шу маънода руҳшунослик фанлари номзоди Маҳмуд Йўлдошевнинг ўн мақоладан иборат "Тарбиянинг руҳий таъсирига чизгилар"и Сиз азиз муштарийлар, мутахассисларни мунозарага чорлайди. Фарзанд ота-она умиди, келажак соҳиби экан, улар тарбияси ҳақидаги сўз Сизни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз. Фикр-мулоҳаза ва таклифларингизни кутиб қоламиз.

ТАРБИЯ ВА АНЪАНАЛАР

Тарбия— кимнингдир билган, бошқаларда уни кўрмоқчи бўлган урф-одат, ахлоқ ва маданий деб қабул қилинган норма белгиларини сингдириш. Айни шу жойда биз урф- одат , одоб ва ахлоқ нормаси деган тушунчадан четлаб ўтолмаслигимизни кўрамиз.

Ҳаёт доимо шиддатли ўзгариб боради. Доимийлик қобиғи ичига жойлашган ушбу ўзгарувчанлик бир томондан доимийликка, муқимликка, ўзгармасликка интилса, иккинчи томондан ўзгарувчанликка интилишдан тинмайди.

Маълумки , жамиятдаги урф-одат, ахлоқ ва бошқа шунга ўхшаш нормалар кўпинча ҳаёт тараққиёти, тажрибаси ортиши билан ўз ўрнида йўқолиб ва янгича тус олиб боради. Болалигимизда ота-онамиз нимани лозим топиб кийинтиришса, ўшани кийиб кетаверамиз. Аммо, кейинчалик ўзимизга "яхши кийим" тушунчасини қабул қиламиз. Шу жойнинг ўзида айтиш керакки, кўпчилигимиз "яхши кийим" тушунчасини қабул қиламизу яхши кийиниш тушунчасига етиб бормаймиз. Шунинг учун ҳам тўйга кийиб борадиган кийимнинг театрга кийиб борадиган либосдан фарқини билмаймиз.Тўйу азага бир хил кийимда кириб бораверамиз. Ахир бунинг ҳаммаси тарбия, тарбияли инсон тушунчаси билан бевосита боғлиқ эмасми? Шундай экан, тарбия тушунчаси биринчи ўринда тарбия объекти ва тарбия берувчи субъект билан чамбарчас боғланиб кетишини унутмаслигимиз лозим. Биз кимни тарбиялаб етиштирмоқчимизу ўзимиз киммиз?

Ҳозирги замон Шарқ урф-одатлари, ахлоқ ва одоб нормаларини тарбия нормалари сифатида қараганда кўпинча икки хил кайфият юзага келиши керак. Яъни, биринчиси бой мерос билан мағрурланиш бўлса, иккинчиси албатта эски урф-одатларнинг йўқолишига ачиниш, бироз хижолат, ҳеч бўлмаганда янгиликларга тезроқ интилиш руҳи бўлмоғи лозим. Нима, бизда эскирган урф-одат йўқми ёки уларни янги замон шароитига зўрма-зўраки тиқиштирмоқчи бўлаётганлар ҳаммаси ўзгариб қолдими? Албатта ундай эмас. Эски урф-одат, бугунга тўғри келмайдиган нормалар ботқоғида ётган кишилар қанчадан-қанча. Айниқса бу урф- одатлар, баъзи ахлоқ нормалари ислом ёки бошқа дин ақидалари билан қоришиб кетса борми, сизнинг ундай қил ёки бундай қилма дейишингиз шаккокликка йўйилади, ўзингиз ўрислашиб кетган ёки ота-боболаримизнинг қадриятларини менсимайдиган шахсга чиқариласиз.

Нитшенинг айтишича, ахлоқ-одоб, ҳар хил урф нормалари жуда кучли мамлакатда идрок, эркин фикрлаш қобилияти йўқолган бўлади. Ушбу кучли нормалар доирасида тарбияланган болада эркинлик, мустақиллик йўқолади. Яъни, бундай нормаларнинг ҳаммасини қабул қилиш ва қабул қилдириш шахсдаги "мен"ни сўндириб боради.

Тўғри, бола ушбу нормаларнинг кўпчилигини бошда қабул қилмасликка ҳаракат қилади. Кейинчалик қаттиқ тарбия таъсирида, атроф-муҳитнинг талаби доирасида кўнади. Бироз муддатдан кейин уларни ўзи қулай деб топиб ўзини овутади. Нари борса, ҳамма шундай яшаяпти-ку, менга нима, дейишга ўтади. Қарабсизки, охир-оқибат болада, шахсда юқорида Нитшенинг фикридагидек идрок, идора, янгиликка интилиш, мустақил фикрлаш ва мустақил қарорлар қабул қилишга шижоат етмайдиган бўлиб қолади.

Яъни, иродасизларда қолипдан чиқиш лозим бўлган пайтда ҳам чиқмаслик, "оқ қарга"га айланиб тўдани бошлаб кетишга зарурият туғилганда ҳам шижоат етишмайди.

Ушбу фикрларнинг ҳаммасини келтиришдан мақсад шуки, маълум маънода бугунги кун тарбия фалсафасига бир қадар танқидий кўз ташлаб кўриш керак.

Бизда катталарнинг айтгани айтган, дегани деган. Шарқда менталитетга сингиб кетган одатлардан бири болани гап қайтармасликка ўргатиш, ҳамма нарсага сабр қилишга одатлантириш. Ушбу ақидаларнинг тагида нима ётибди, десангиз кўпчилик тушунтириб беролмайди. Ҳа, энди, отабобомиз шундай деб бизни ўргатган, дейишдан нари ўтмайдилар.

Дарёда икки киши оқиб кетаяпти, бири деҳқон, бири олим, кимни қутқарасиз, деган саволга рационалист албатта олимни қутқаришини айтади. Советларнинг ёлғондака инсонпарварлик руҳида тарбияланган қаҳрамони "мен деҳқонни қутқараман" деб жар солади. Аммо ҳақиқий инсонпарвар ва ҳақиқий рационалист ўзини сувга отиб биринчи илинганини қутқаради. Биз ёшларни мана шу руҳда тарбиялашимиз лозим. Демак, ҳозирги замон тарбия фалсафамиз ўзимизнинг баъзи қотиб қолган ақидаю ақидапарастлигимиздан, кечанинг қолдиғи бўлмиш ёлғон инсонпарварликдан, ғарбнинг ашаддий рационализмидан холи бўлмоғи керак. Тарбия ва унинг асоси, олиб бориш усул ва услубларини жиддий қараб чиқиш, тарбия фалсафамизни таҳлил қилиш даври етиб келди.

Авваллари тарбиянинг таъсирчанлиги катталарнинг ёш авлодга ўз билим ва маҳоратларини қай даражада ўтказа олганлиги билан ўлчанган. Бу ҳол кўпинча замонлар ва дунё тараққиёти билан ҳам ҳисоблашмасдан олиб борилаверган. Аммо дунё тараққиётини, инобатга олмасдан яшаш мумкин эмас.

Шундай экан, биз бугунги кунда ёш авлодга тарбия борасида билим ва маҳоратимизни бериш билан кифояланиб қолмасдан уларни мустақил ҳаётга, мустақил ҳаракатга, ҳаётда учрамаган, ҳатто учраши яқин бир муддатда мумкин бўлмаган шароитга ҳам тайёрламоғимиз лозим. Чунки бугунги бўлаётган воқеа ва ҳодисаларнинг кўпчилиги ўтган аждодлар ҳаёт тажрибаларида бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Ушбу янги шароитда яшаш, келажак учун интилиш энди бир давлат, бир миллат ёки бир дин қобиғида қотиб қолишни бутунлай инкор қилади. Биз том маънода, барча миллатлар фарзандларига айланиб, заминнинг умумий фуқаролари бўлиб етишмоқдамиз. Бу эса ўз ўрнида тарбияда жуда кенг талабларни олга суради. Келгуси авлодда албатта мустақиллик ва ижтимоий адолат ҳисси устун турмоғи лозим. Бир пайтнинг ўзида ҳам мустақил бўлиш ва ижтимоий масъуллик ҳисси ўта мукаммал ҳисдир. Ёшларда ушбу туйғуларни шакллантириш йўлларини биламизми? Назарий жиҳатдан олганда, биламиз. Аммо, амалий йўл бизга ҳали номаълум.

Асрлар давомида ўқитиш, тарбиялаш асосан такрорлаш ва машқ, деб келинди.

Бугун-чи? Бугунги кундаги педагогика ва психология фанларининг ютуқлари ушбу қарашларни анчагина ўзгартириб юборди. Ҳозирги назариялар шахсдаги идрок, фикрлаш қобилият, қуввайи ҳофиза, интеллектни тараққий қилдириш билан боғлиқлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун кўпгина ҳолларда нимага ўқитиш ёки нимани ўргатишдан кўра қандай ўқитиш, қайси йўл билан ўргатиш жиддийроқ ўрин тутмоқда.

Айни шуларни инобатга олган ҳолда айтиш жоизки, бугунги анъанавий педагогика ўсиб келаётган авлоднинг эҳтиёж ва имкониятларини, ижтимоий талаб ва мақсадларни тўлиқ тасаввур қилиши ва бу ўринда социология, ижтимоий-психология ва бошқа фанлар ҳамда уларнинг амалий педагогика эҳтиёжларига қаратилган тадқиқотлари фаоллашмоғи лозим.

Одатда кўпгина ўсмир йигитлар муаммоси ҳақида ёзамиз. Аммо, ўсмир қизлар ҳақида ёзишда негадир "ибо"га борамиз. Ахир уларнинг иккаласининг ҳам муаммолари умумжамият муаммоси-ку. Ушбу жойда яна бир ўткир масала, биз нима учун ёшлар, ўсмирлар, умуман уларнинг муаммолари ҳақида кўплаб ёзамизу улар орасида сув ва ҳаводек зарур бўлган жинс, жинсий фарқ, жинслараро муомала маданияти ва бошқа шунга ўхшаш муаммоларни четлаб ўтамиз.

Ушбу жойда ачиниб айтиб ўтадиган алоҳида йўналиш, бу қизлар тарбияси. Ўғил болалар билан йигитлик, қаҳрамонлик ва бошқа хусусиятлар тўғрисида гаплашамиз ва уларни ушбу йўналишларда тарбиялаймиз ҳам дейлик. Аммо, қизлар тўғрисида гап кетар экан, назокат, латофат, малоҳат ва иффатга олиб бориб тақаймиз-да, уларга бошқа гап қолдирмаймиз. Аёллар ҳам жамиятнинг тенг аъзоси, уларнинг ҳар бири ўзича шахс эканлигини унутамиз.

Мана, оддий мисоллардан бири, яқиндагина Х.Дўстмуҳаммедовнинг "Қишлоқ ҳаёти" газетасида "Маҳзуна" асари эълон қилинди. Асарнинг адабий жиҳати тўғрисида гапирмоқчи эмасман. Маҳзуна образини психология фани нуқтаи назаридан таҳлил қилар эканмиз, у жуда таъсирчан чиққан, ишонарли. Аммо бу бир томондан. Иккинчи томондан олганда, Маҳзуна бир олимнинг хотини, аммо унинг шу пайтгача жамиятга аралашмагани, балким аралаштирилмагани ўқувчи юрагида ачиниш ўйғотмайдими. Наҳотки, олимнинг турмуш ўртоғи давра маданияти, суҳбат одоби, мулоқот нормаларидан хабардор эмас. Ахир бу жиддий олиб қаралганда, Маҳзунанинг айби, нуқсони, камчилиги эмас. Сиз ва бизнинг камчилигимиз, жамиятнинг камчилиги.

Бундай янгиликлар таклиф қилинганда тарбияда консерваторларимиз ота-боболаримиз тажрибаси ва улар қолдирган меросни рўкач қилишади. Шу ўринда айни ўша ота-боболаримиз айтиб кетган, гап келса отангни ҳам аяма, қабилида тарбияга тааллуқли ўта мўътабар тарихий меросимиз — "Алпомиш" достонидан бир мисол билан сўзими тугатмоқчиман.

Алпомиш Барчинойни Қалмоқдан олиб келганидан кейин, маълумки, Бойсари ўша жойларда қолиб кетади. Унинг аҳволи оғирлашганини эшитган Бойбўри ўғли Ҳакимбек қайнотасига ёрдам беришга бормоқчи бўлганида рухсат бермайди.

Тарбия таълимотига асосланиб қарайдиган бўлсак, отанинг сўзи ўқ. Яъни, Алпомиш Бойсарига ёрдамга бормаслиги керак. Аммо, юртимизнинг азиз қаҳрамони отасининг гапига кирмайди, қирқ йигитини ёнига олиб, Қалдирғочнинг куёви билан 42 йигит бўлиб, отасининг тарбия тамойилига зид равишда, бизнинг тил билан айтганда, "оқ қарга" бўлиб қайнотасига ёрдамга отланади.

Демак, тарбияда маданий меросимиздан ҳам оқилона фойдаланмоғимиз керак.

Юқорида айтилган фикрларимизни умумлаштириб хулоса қиладиган бўлсак, тарбия ўта мураккаб жараён. У асосан оилада кечади ва ҳозирги замонавий технология маҳсулотларига ўхшаш бир маротаба қўлланиладиган амал бўлса ҳам, инсон табиатида ўчмас из қолдириб кўп ҳолларда тарбия жараёнига ўрин қолдирмайди. Бу ҳолатда алмаштириб олишга шайланган биттадан олмаси бор икки кишига эмас, биттадан янги фикри бор икки кишига ўхшайди. Олмани алмаштирганларида биттадан олма қолаверади. Фикр алмаштирганларнинг ҳар қайсисида иккитадан фикр бўлади. Худди шундай, қайта тарбияланган шахсда икки тарбиянинг изи бўлиб, кўп ҳолларда биринчи, гўёки "ўзиники", яъни ўрганиб қолган ҳолат устун келаверади.

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ,
руҳшунослик фанлари номзоди

— Тармоқ ходимларига хавфсиз ва меъёрий шароитлар яратишни касаба уюшма қўмиталари меҳнат муҳофазаси мутахассислари назорат этмоқда.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ: ЙИЛГА БИР РАЗМ

Тарих саҳифаларига ўтиб кетаётган йил касаба ташкилотлари фаолиятида ҳам сермаҳсул йил сифатида қолади. Ушбу "Қарияларни қадрлаш йили"да Ўзбекистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси фаоллигида барча вилоят ва туманларда ибратли ишлар амалга оширилди. Жойларда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси аъзолари ва улар оила аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, маънавий қўллаб-қувватлашга ҳар йилгидан ҳам катта эътибор берилди. Ўтаётган йилни ҳар ким ва ҳар қайси ташкилот албатта сарҳисоб қилади, келгуси йил режаларини тузади. Биз Ўзбекистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Зоир Исанович Қодиров билан 2002 йилда бажарилган ишлар, келгуси йил вазифалари хусусида суҳбатлашдик.

— Зоир Исанович, ўтаётган йил, яъни "Қарияларни қадрлаш йили"да қўмита қандай ибратли юмушларни амалга оширди? Кўнгил тўлиб гапиришга арзигулик ишлардан қайси бирларини тилга олган бўлардингиз?

— Мен гапни узоқдан бошламоқчиман. Бундан ўн йил муқаддам қабул қилинган Конституциямизда халқимизнинг ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек орзу-ҳаваси ўзининг тўла ифодасини топган. Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида "... нодавлат ва ижтимоий ўзини ўзи бошқариш ташкилотларининг ва фуқаролик институтларининг роли, ўрни ва моҳиятини, уларнинг давлат корхоналари устидан назоратини кучайтириш зарур" деб таъкидладилар ва кириб келаётган 2003 йилни "Обод маҳалла йили" деб аташни таклиф қилдилар. Ушбу йилда республика миқёсида кўзланган эзгу, хайрли ишлар ҳақида ўйлаш биз, касаба уюшма ташкилотларига ҳам катта масъулият юклайди.

Биз ҳар бир ишимизни қонунлар асосида амалга оширамиз. "Таълим тўғрисида"ги қонунда касаба уюшмалари эътибор берадиган ғоят муҳим вазифалар кўрсатилган. Қонуннинг 21-моддаси "Таълим муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш" деб номланади. Унда ўқув муассасалари ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланиши, ҳақи тўланадиган йиллик узайтирилган таътиллар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилиши кўрсатилган. Шу билан бирга таълим муассасалари иш ҳақига мўлжалланган мавжуд маблағлар доирасида мустақил равишда ставкалар, мансаб окладларига табақалаштирилган устама белгилашга ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришнинг турли шаклларини қўллашга ҳақли эканлиги қайд этилган.

Жорий "Қарияларни қадрлаш йили"нинг ўн ойида нафақага чиққан ходимлар учун моддий ёрдам миқдори 21 млн.сўмга, байрам саналарида уларга сарфланган маблағ 52 млн. сўмга яқин бўлди. Шунингдек, ишлаётган пенсионерларга моддий ёрдам 129,5 млн. сўмни ташкил этди.

— Марказий қўмита жойлардаги ҳар бир ходимга яратиб берилган меҳнат шароитларини ҳам ўргандими?

— Тармоқ ходимларига хавфсиз ва меъёрий шароитлар яратишни касаба уюшма қўмиталари меҳнат муҳофазаси мутахассислари назорат этмоқда. Улар ҳисобот даврида 1530 та текширув ўтказиб, жойларда меҳнат ҳақидаги қонунлар, меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси қоида ва меъёрларининг 12380 марта бузилишини аниқлаган, текширув вақтида 173 та дастгоҳлар, устахоналар ва ишлаб чиқариш техника лари хавфсизлиги талабларига жавоб бермаганлиги учун вақтинча тўхтатиб қўйилган. Йигирма саккиз нафар мансабдор шахслар жавобгарликка тортилган, шулардан йигирма тўрт нафарига жарима солинган, ўн икки нафар айбдор шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ҳужжатлар юборишда қатнашганлар.

Марказий Қўмита таянч Касаба уюшма қўмиталарига ёрдам тариқасида Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар тўпламидан 300 дона, "Меҳнатни муҳофаза қилиш" деб номланган китобдан 80 дона, Меҳнат муҳофазаси бўйича иллюстрациялаштирилган китобдан 90 комплект тарқатди.

Вазирликлар билан ҳамкорликда "Умумий фанлар бўйича мактаб ўқувчиларининг олимпиадаси", "Йил мактаби", "Йил ўқитувчиси", "Йил тарбиячиси", "Ниҳол -2002" фестивали, "Ўзбекистон -Ватаним маним", қўшиқ байрами кўрик-танловлари, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада-2002" спорт мусобақалари каби республика миқёсидаги тадбирларни ўтказиш ва маблағ ажратишда Марказий қўмита ҳам катта ҳисса қўшди.

2000 йилда Сенегалнинг Дакар шаҳрида бўлиб ўтган форумда "Таълим барча учун: жамоа мажбуриятларининг бажарилиши" деб номланган фаолиятлар мажмуаси қабул қилинган эди.

"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси", "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция", "Таълим барча учун Халқаро декларацияси Концепцияси"га асосланиб, ҳар бир бола, ўсмир, айниқса қиз болалар, шунингдек, катта ёшдаги кишилар тўлақонли билим олишларига асосий эътиборни қаратиш, лозим бўлса бу муҳим масалани ҳар бир мамлакат ўз давлатида сиёсат даражасига кўтариш кераклиги уқтирилади.

Шу маънода биз ҳам ўз олдимизга кўпгина ишларни мақсад қилиб олганмиз.

— Келгуси йил режалари билан ўртоқлашсангиз.

— Сўнгги йилларда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг таълим ходимлари касаба уюшмаси Халқаро ташкилоти (Education International) билан ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бормоқда.

Мазкур ташкилот 1993 йилда ўқитувчилар мустақил Кенгашларининг Федерацияси ҳамда ўқитувчилар ташкилотлари умумжаҳон Конфедерациясининг таълим соҳасида янги халқаро ташкилот барпо этиш ҳақидаги қўшма Қарорига биноан ташкил топган.

Ҳозирги кунда Education International соҳа ходимларининг энг катта халқаро ташкилоти бўлиб, ўз таркибида 159 мамлакатдаги 25 миллиондан ортиқ ўқитувчилардан иборат 313 миллий ташкилотни бирлаштиради.

2002 йилда Алмати шаҳрида ўтказилган халқаро семинарда Education International таклифига биноан Марказий қўмита делегацияси ҳам иштирок этди. Анжуман кун тартибидан ташқари Education International раҳбарининг ўринбосари Эли Жоун ҳамда ушбу ташкилотнинг Осиё-Тинч океан ҳудуди бўйича бош мувофиқлаштирувчиси Элойшиус Мэтьюс билан бизнинг учрашувимиз бўлиб ўтди. Мулоқотда ушбу уюшма ҳақида маълумот берилди ва республикамиз таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасига ушбу нуфузли ташкилот аъзоси бўлиш тавсия этилди.

Биз келгуси йили мана шу ташкилотга аъзо бўлиб кирмоқчимиз.

"Обод маҳалла йили" учун мўлжалланган Давлат дастури асосида қўмита ҳам ўз режаларини ишлаб чиқади ва белгиланган ишларни бажаради. Бундан ташқари Самарқанд вилояти тармоқ қўмитаси билан ҳамкорликда "Ижтимоий шерикчилик — ютуқлар гарови" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказишни режалаштирганмиз. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда республика миқёсида, биринчи марта "Энг намунали талабалар уйи", шунингдек, туман, шаҳар, олий ўқув юртлари касаба уюшмалари раислари иштирокида "Балли, касабақўм", "Энг намунали таянч қўмитаси" каби кўрик-танловларни ўтказиш ҳақида ҳам режалар тузиб қўйдик.

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтаётган халқ таълими ходимларининг IV спартакиадасининг 2003 йилдаги мезбони Наманган шаҳри бўлади. Худди шундай спартакиадани ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ходимлари ўртасида ҳам ўтказишни мақсад қилиб олдик.

Ҳар йилгидек болаларни ёзги соғломлаштириш, уч босқичли спорт ўйинларига, республика миқёсидаги турли кўрик-танловларга ҳомийлик қилиш ҳам режамизда бор.

Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд вилоятлари, Тошкент шаҳри касаба уюшмаси қўмитаси фаолияти келгуси йилда ҳар томонлама пухта ўрганилади ҳамда раёсат йиғилишларига олиб чиқилади. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-маънавий, соғломлаштириш бўйича олиб борган ишлари таҳлил қилинади. Бундан ташқари барча тармоқ қўмиталарига амалий ёрдам кўрсатамиз.

Бизнинг асосий мақсадимиз таълим ва фан ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга керакли бўлган ёрдамни бериш. Ибратли ишларимиз 2003 йилда ҳам давом этади.

САРҲИСОБ

Ўзбекистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг V пленуми бўлиб ўтди.

Унда "Тармоқ касаба уюшмаси ташкилотларида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг III қурултойи ва Ўзбекистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси II қурултойи қарорларининг бажарилиши тўғрисида", "Марказий Қўмита Раёсатининг Марказий қўмитанинг IV ва V пленумлари оралиғидаги фаолияти", "Тармоқ касаба уюшма қўмиталари бюджетининг 2003 йил параметрлари", "Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг таълим ходимлари касаба уюшмаси халқаро ташкилоти — "Education International"га аъзо бўлиб кириши ҳақидаги маърузалар тингланди.

Сўзга чиққанлар ўтаётган 2002 йил тармоқ фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар йили бўлганлигини таъкидлашди. Қўмита ишини янада жонлантириш борасида амалий таклифлар билдиришди.

Пленумда тармоқ касаба уюшма қўмиталари бюджетининг 2003 йилга мўлжалланган даромад ва харажат қисмидан иборат сметаси тасдиқланди.

Шунингдек, "Education International"га аъзо бўлиб кириши ҳақида йиғилиш иштирокчиларининг розилиги олинди.

Пленумда Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлиддинов иштирок этди ҳамда нутқ сўзлади.

РЕСПУБЛИКАДА ОММАЛАШСА

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Косон туман қўмитасининг раиси Мурод Мўминовдан олиб борилаётган ишлар ҳақида сўраганимизда, у киши фахр билан тўлқинланиб гапирди:

— Туманимизда бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари 133 тадир. Уларга 4631 нафар педагог ходимлар бирлашган. 100 та бошланғич ташкилот ҳам фаолият юритмоқда. "Қарияларни қадрлаш йили"да биз ҳам қўлимиздан келганча узоқ йиллар таълим соҳасида меҳнат қилган қарияларнинг кўнглини кўтаришга, уларга моддий жиҳатдан ёрдам беришга ҳаракат қилдик. Кексалик гаштини сураётган отахон ва онахонларимиз учун санаторийларга йўлланмалар ажратдик. Педагог-ходимларни маънавий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида барча имкониятларимизни ишга солиб ҳаракат қиляпмиз. Ана шундай ишларимиздан бири сифатида 2003 йил учун "Маърифат" газетасига ҳар бир бошланғич ташкилот обуна бўлганлигини айтмоқчиман. Ҳозирча 100 дона обуна бўлдик. Йил охиригача бу рақамни яна ҳам кўпайтирмоқчимиз.

"МАЪРИФАТ"ГА 100 ТА ОБУНА

Вилоятимизда таълим ва фан ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида мақташга арзигулик юмушларни бажардик.

Вилоят қўмитаси ўтган йили касаба уюшмаси аъзоларининг ижтимоий аҳволини ўрганишни бошлаган эди. 2002 йил таҳлилидан шу нарса маълум бўлдики, экологик шароит ҳамда бошқа кўпгина сабаблар таъсирида соҳа ходимларининг оилаларида мингдан ортиқ ногирон болалар бор экан.

Ана шундай оилалар, уларнинг фарзандлари касаба уюшмаси томонидан ҳисобга олинди ва уларга ёрдам бериш бошланди. Ногирон болалар учун Шовот туманидаги "Шовот" санаторийсида спорт-соғломлаштириш қишки оромгоҳини ташкил этганимиз касаба уюшмаси томонидан ташланган биринчи қадам бўлди.

Бундай хайрли ишга маблағимиз етмаганлиги боис ҳомийлик ёрдами сўраб халқаро ташкилотларга мурожаат қилдик. Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган АҚШнинг "Тинчлик корпуси" ваколатхонаси биз билан ҳамкорлик ришталарини боғлади. Шундай қилиб оилада таълим олаётган 110 нафар бола оромгоҳга жалб этилди. Бир йилдан буён Ўзбекистонда иш олиб бораётган "Спешиал Олимпикс" қўмитаси ҳам болаларга ўқув қуроллари, спорт кийимлари, янги йил совғаларини тақдим этиб, жами 900 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

Оромгоҳда болалар спорт машғулотларида қатнашдилар, физиотерапевтик муолажалар билан даволандилар. Шу ернинг ўзида мини-футбол жамоаси тузилди. Ушбу жамоа ногирон болалар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида қатнашиб 1-ўринни эгаллади ва Қозоғистонда биринчи ёзги махсус олимпия ўйинларининг Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги мусобақаларида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиб, учинчи ўринни эгаллашди.

"Спешиал Олимпикс" қўмитаси билан ҳамкорликда ногирон болалар ўртасида "Ғалабага интилишнинг ўзи ғалаба" шиори остида вилоят миқёсидаги кичик олимпия ўйинларида эса 180 нафардан ортиқ болалар фаол иштирок этди.

Қўмитамиз ногирон болаларни спортга фаол жалб қилганлиги учун республикамиз вилоятлари ичида биринчилардан бўлиб, мазкур қўмита аъзолигига қабул қилинди.

Биз истардикки, ушбу ҳаракат барча вилоятларда ҳам бошланса, кўнгли кемтик, ўзларини ожиз ҳис этаётган болалар руҳини кўтарган, уларга мадад қўлини чўзган бўлардик. Шунингдек, Президентимиз томонидан "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармонини ҳаётга татбиқ қилишда ўз ҳиссамизни қўшган бўлардик.

Муяссар РАҲИМОВА
Хоразм вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси

Саҳифани Шарифа МАДРАҲИМОВА тайёрлади.

Қадрли таълим ва фан ходимлари, юртимизнинг барча зиёлилари!

Сизларни ва оила аъзоларингизни Янги — 2003 йил билан муборакбод этамиз.

“Обод маҳалла йили” деб номланган ушбу йилда юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги йўлида, таълим-тарбия соҳасида олиб бораётган эзгу ишларингиз яна ҳам ривож топсин. Ҳар биримизнинг оилангиз тинч, кўнглингиз хотиржам бўлсин.

Янги йил барча хонадонга қут-барака олиб келсин!

Ўзбекистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси

Эртанги кун ворислари — ёшларни ҳар томонлама етук ва маънавий баркамол инсон қилиб тарбиялаш масъулияти шуни тақозо этади.

БАРКАМОЛ ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан халқ таълимининг ислоҳ қилинишига катта эътибор қаратилди. Таълимни ривожлантирмай туриб, иқтисодий юксалишларга эришиш мумкин эмаслиги дунё тажрибасидан маълум. Бизда ҳам таълимни ҳар томонлама юксалиш босқичига олиб чиқадиган мукаммал ҳужжат, дастуриламал кераклигини ҳаёт тақозо этди.

"Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ана шундай муҳим ҳужжат бўлди. Бу ҳужжатларни тайёрлаш ва уни қабул қилишда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг кўрсатмалари, амалий маслаҳати ва ташкилотчилиги бениҳоя катта эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жиззах вилояти халқ таълими ходимлари ҳам юқоридаги муҳим ҳужжатларни ҳаётга жорий этиш йўлида бор куч ва имкониятларидан унумли фойдаланмоқдалар. Ҳозирги кунда вилоятимизда 537 та умумтаълим муассасаларида 267756 нафар ўқувчи билим олмоқда. Ёшларга замон талаби даражасида билим беришда 19165 нафар педагог ходим фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксариятини олий тоифали ва малакали мутахассислар ташкил этади. Вилоятимизда 212 та мактабгача таълим муассасалари, қисқа муддатли гуруҳлар, хонадон боғчалари, мактаб-боғча мажмуаси ҳамда якшанбалик гуруҳлари ёрдамида 30 минг нафардан кўпроқ ёшларга 1871 нафар тарбиячилар таълим-тарбия беришмоқда.

2002 йил давомида мавжуд мактабларнинг 59 таси тўлиқ, 478 таси жорий, мактабгача таълим муассасаларининг 2 тасида тўлиқ, ҳамда 36 та мактабдан ташқари муассасаларнинг барчасида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Таъмирлаш асосан ҳомий ва оталиқ ташкилотлари томонидан бажарилиб, уларга жами 358 млн. сўмдан кўпроқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Вилоятда 7 та авария ҳолатидаги мактаб мавжуд бўлиб, уларнинг қурилишини тезлаштириш мақсадида вилоят ҳокимлиги алоҳида қарор қабул қилди. Ана шу қарор асосида Жиззах туманидаги 47-мактаб янгидан қурилди, Бахмал туманидаги 18-, 31-мактабларда қурилиш ишлари давом этмоқда. Зомин туманидаги 7-, 42-мактаб, Фориш туманидаги 2-мактаб, Янгиобод туманидаги 11-мактабнинг қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Бундан ташқари, Дўстлик туманида 320 ўринли, Зарбдор туманида 320 ўринли, Ғаллаорол туманида 320 ўринли мактаб қайта таъмирланди.

Ҳомий ташкилот ва ота-оналар ёрдамида Бахмал туманида 11 та, Ғаллаорол туманида 38 та, Жиззах туманида 5 та, Дўстлик туманида 10 та, Зомин туманида 12 та, Пахтакор туманида 4 та, Фориш туманида 8 та синфхоналар қурилди.

Халқ таълими тизимидаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш ва мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга Жиззах вилоят ҳокимлиги катта эътибор бермоқда. "Жиззах вилояти таълим бошқарув органлари ҳамда маҳаллий давлат ва жамоат ташкилотларининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида 2002 йилда вилоятда таълим соҳасида ислоҳотларни амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича фаолиятни такомиллаштириш дастури" ана шундай ғамхўрликнинг бир ифодасидир. Ҳамкорлик дастури асосида 33 та мактаб, 5 та боғча тоза ичимлик суви билан, 26 та мактаб, 5 та боғча табиий газ билан, 51 та мактаб, 3 та боғча телефон алоқаси билан таъминланди.

Мана шундай ғамхўрлик ва эътибордан руҳланган халқ таълими ходимлари ўз фаолиятларида фахрланишга арзийдиган ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

"Конституция бахтимиз пойдевори" республика кўрик-танловида Жиззах шаҳридаги 22-гимназия 1-ўринни эгаллади. "Севимли ўйинчоқлар" республика кўрик-танловида Жиззах шаҳридаги "Ширин" болалар боғчаси тарбиячиси М.Эрматова, "Қушлар ва гуллар" байрамида Зафаробод тумани 1-ўринни қўлга киритди. "Сиз қонунни биласизми?" республика кўрик-танловида Ғаллаорол туманидаги 44-мактаб 2-ўринни олди. "Йил мактаби — 2002" кўрик-танловининг республика босқичида Жиззах шаҳридаги 10-мактаб 3-ўринни эгаллади. Вилоятимиздаги 4 та мактаб халқаро интернет алоқа тизимига уланган. Бундай ютуқлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Бугунги кунда ёшларнинг дунёқарашини шакллантириш ҳамда уларни ҳар томонлама билимли, етук инсонлар қилиб тарбиялаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўқувчи-ёшларнинг маънавий-маърифий, ҳуқуқий билимларини ошириб бориш ҳам давр талабидир. "Ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини ташкил қилиш борасида 2002—2005 йилларга мўлжалланган истиқбол дастури" ҳам айнан шу мақсадга йўналтирилган. Мазкур дастур барча мактабдан ташқари таълим муассасаларида ишлаб чиқилди. Ана шу асосида ўқувчи-ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларини ўрганишни янада яхши йўлга қўйишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда биз маданият ишлари бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жойлардаги бўлимлари билан ҳамкорликда "Президент асарлари билимдонлари" кўрик-танловини ўтказиб келаяпмиз. 2002 йилнинг 1-чорагидан бошлаб вилоят адлия, ички ишлар бошқармалари, прокуратура билан ҳамкорликда ўқувчи-ёшларга Конституция ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида тушунчалар бериш, улар ўртасида ўз ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва масъулиятлари тўғрисида тарғибот ишлари кенг кўламда олиб борилаяпти.



Халқ таълимини ривожлантириш соҳасидаги ижодий ютуқларимиз 2003 йилда ҳам изчил давом этади. Биз келгусида асосий диққат-эътиборни "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" 2-босқичини амалга оширишга қаратамиз. Барча таълим муассасалари фаолиятини тубдан ўзгартириш, моддий-техника таъминотини такомиллаштириш ва бойитиш, педагог ходимларнинг касб маҳоратларини ошириб бориш, замонавий бинолар, спорт иншоотлари барпо этиш бўйича ҳокимлик, ҳомий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, таълим муассасаларининг халқаро ахборот тармоғига уланиш жараёнини кенгайтириш шу кунинг долзарб вазифасидир. Биз барча куч ва имкониятимизни ана шу вазифани адо этишга сафарбар этамиз. Эртанги кун ворислари — ёшларни ҳар томонлама етук ва маънавий баркамол инсон қилиб тарбиялаш масъулияти шуни тақозо этади.

С.МИРЗАБЕКОВ,
Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз таълим тизими ходимларини ва барча юртдошларимизни Янги йил байрами билан самимий қутлайди.

КАБУТАР ҚАНОТИДА КЕЛГАН НОМАЛАР

Мактублар киши қалбининг кўзгуси дейдилар. Дарҳақиқат, инсон ўзининг дилида яширинган кечинмаларини, айтмоқчи бўлган фикрларини мактублар орқали бир-бирига етказадилар. Улуғ бобокалонларимиз Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур замонларида ҳам узоқ мамлакатларда сафарда юрган саркардаларга махсус вакил — элчи орқали мактуб жўнатилган. Ўша замонларда ёвуз ниятли кишилар элчиларга тажовуз қила бошлаганлар ва шу сабаб кейинчалик мактублар махсус ўргатилган кабутарлар ёрдамида эгаларига етказилган.

Замонлар ўтиши билан илм-фан юксалиб, ҳаётимизда турли янгиликлар, кашфиётлар содир бўлди. Илгари элчилар, кабутарлар орқали жўнатилган хат-хабарлар, эндиликда почта ёрдамида тез фурсат ичида дунёнинг истаган бурчагига жўнатилади.

"Маърифат" газетасига келаётган ана шундай хатлар оқимини кўриб, газетхонлар билан таҳририят ўртасидаги алоқа, ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган, дея айта оламиз. Таҳририятимизга келган ҳар бир мактуб эътиборсиз бир четда қолиб кетмайди, балки ўз навбати ва вақти-соатига қараб чоп этилаверади. Бугун ҳам асосий муштарийларимиз бўлган ўқитувчилар, тарбиячилар, бир сўз билан айтганда мухлисларимиздан келган хатлар юзасидан мулоҳаза юритмоқчимиз.

СОҒЛОМЛИК МЕЗОНИ

Бир мактубда баркамол авлод тарбияси хусусида сўз боради ва жумладан шундай дейилади:

—Ўзбекистонимизнинг миллион-миллион фарзандлари, дилбандлари бор. Улар Ватанимизнинг келажаги, умидли қўрғонлари, ишончидир. Айни кунда ана шу келажак авлодни комил инсон руҳида тарбиялаш мураккаб ва долзарб масаладир. Комил инсон — соғломлик мезони, унда лаёқат мужассам. Соғлом авлод тушунчаси психологик нуқтаи назардан ўзини тўла, мустаҳкам англаган, кишилар билан муомала-муносабатга кириша оладиган шахс бўлмоғи керак. Бундай шахсни тарбиялашни эса оиладан, боғчадан бошламоқ зарур. Бу борада ота-оналар, тарбиячилар, врач, педагог-психологлар болаларнинг оламни тўғри мушоҳада этадиган, кўриш, эшитиш, ҳид билиш органлари, ижодий хаёл қобилиятларини шакллантириб боришлари мақсадга мувофиқ. Боланинг соғлом тарбияланаётганлиги унинг нутқида ҳам намоён бўлади. Нутқ эса маълумотларни бошқа кишиларга етказиш учунгина эмас, балки бола қарашлари, эътиқоди, ҳаракатларига таъсир қилиш учун ҳам хизмат қилади. Киши жамиятда яшаб, бирон фаолият билан шуғулланар экан, ўзини шахс сифатида шаклланаётганлигини ҳис қилади ва атроф-муҳитга, одамларга, ўз ишига бўлган муносабатини ифодалайди. Кишининг тавсифи, бошқача айтганда характери тўғрисида фақат етакчи хусусиятларга қараб фикрлаш мумкинки, бу хусусиятлар шахснинг ким эканлигини белгилаб беради.

Ҳар бир бола бир олам. Биз ота-оналар, мураббийлар болани ҳар тарафлама руҳий англаб, унинг шахсини ҳурмат қилган ҳолда талабчанлик билан муомалага киришсак, баркамол авлодни шакллантиришдек эзгу мақсадимизга эришамиз.

Болтажон СОДИҚОВ,
Термиз Давлат Университети доценти,
Сурайё СОДИҚОВА,
Термиз педагогика коллежи ўқитувчиси

ЖОЗИБАСИНИ ЙЎҚОТМАЙЛИК

Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани Дилшода Мавлонова томонидан йўлланган иккинчи хатда тилимизнинг жозибаси, ундан фойдаланиш жараёнида дуч келинаётган муаммолар тўғрисида куюнчаклик билан фикр юритилади:

—ТИЛ бениҳоя муқаддас ва мўътабар неъмат. Бизнинг жонажон она тилимизнинг илдизи минг-минг йилларга бориб тақалади. Шундай бетакрор оҳангларга, сержилоликларга эга бўлган ўзбек тилимизда шоирлару ёзувчиларимиз ижод қилмоқдалар, мамлакатимиздаги



кўпсонли газета-журналлар, асарлар барча-барчаси ўзбек адабий тилида нашр қилинмоқда. Бу ҳол адабий тилнинг фақат ёзма шаклида ўз аксини топмоқда, лекин ҳаётий, оғзаки нутқда ҳали ҳамон шеваларда гаплашиш давом этмоқда. Ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигини яхши биламиз. Бу тилимизга бўлган ҳурмат, унинг келажаги учун қўйилган бир пойдевордир. Биз энди ўша пойдеворни кўтариб, баланд-баланд уйлар қурайлик. Уйнинг ғиштлари пишиқ, мустаҳкам бўлиши учун унга олдин ишлов бериш лозим. Шунда у мустаҳкам ва кўркам бўлади. Тилимизда ҳам сўзлардан тўғри, софлигича фойдалансак, у ўз таъсирчанлиги, жозибасини йўқотмайди.

ВАТАН ҲАҚИДА СЎЗ

Учинчи мактуб эгаси Бухоро вилояти, Қоракўл шаҳридаги 1-сонли иқтидорли болалар мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси Дилноза Бозорова йўллаган мактубида ўзининг Ватан ҳақидаги мулоҳазалари, унга берган таърифларини баён этган. Дилнозанинг хати якунида ёзган қуйидаги жумлалари ҳар бир инсонни жунбушга келтириши табиий.

— Ватан ва халқ эгизакдир. Бирини ҳис этиш учун иккинчисини билмоқ керак. Шунинг учун ҳам биз ёшлар Ватанимизни энг сўнгги нафасимизгача, бор кучимиз билан ҳимоя қилишимиз, унинг учун ҳар нарсага тайёр туришимиз керак.

МУҲИМ МАНБА

Навбатдаги мактубда болаларимиз тарбиясидаги муҳим жиҳатлар тилга олинади:

—Сир эмаски, ҳозирги шароитда барча ота-оналар ҳам болаларини боғчага беравермайди. Биз бу борада ҳам педагог, ҳам она сифатида ота-оналарга М. Расулова бошчилигида бир неча муаллифлар томонидан яратилган "Учинчи минг йилликнинг боласи" номли таянч дастури китоби билан танишиб чиқишни тавсия қилган бўлур эдик. Ҳозир маҳаллада фалончининг ўғли ўқишга кирибди, фалончи чет элда билимини ошириб қайтибди, деган хабар тарқалса, ким бундай ёшларга ҳавас қилмайди, дейсиз. Шу жиҳатдан мазкур қўлланма болаларни жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан ривожлантириш, ҳамда мактабга тайёрлаш борасида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Гулнора МАМАДАЛИЕВА,
Муҳайё ТЎЛАГАНОВА

УСТУВОР ВАЗИФА

Навбатдаги хатни республика ёшларининг "BIOEKOSAN" ўқув-услубий мажмуасидан Р.Султонов ва Д. Тешабоевлар йўллаганлар унда шундай дейилади:

—Маълумки, экологик таълим-тарбия ўқувчиларда атроф-муҳитга, олам ва одамга, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлишни шакллантиради. Ушбу таълим-тарбияга маънавий юксак муносабатни уйғотиш эса табиатшунослик ҳақида ҳамда маънавий, ахлоқий, эстетик, экологик билимларга эга бўлишни тақозо этади.

Бу борада бизнинг мажмуамизда ўқувчиларга экологик тарбия беришнинг инновацион технологияларидан фойдаланиш, экологияга оид илмий-оммабоп ўқув фильмларини кенг тарғиб қилиш, мультимедиа дастурларидан фойдаланиш, соҳага оид янги ахборотларни интернет ёрдамида тўғридан-тўғри олиш, оммавий ахборот воситалари ёрдамида экологик таълим-тарбияни кенг тарғиб қилиш бўйича кўпгина ишлар олиб борилмоқда. Экологик таълим-тарбия беришнинг янада янги усулларини излаш ва уларни татбиқ қилиш, ушбу соҳада бошқа мамлакатларнинг эришаётган ютуқларидан хабардор бўлиб бориш, мажмуа ходимларининг устувор вазифаларидан биридир.

ҲАР БИР ДАРСДА ЎРГАНИШ ЗАРУР

Хатлар орасида Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги 64-мактаб ўқитувчиси Нигора Бобоева томонидан йўлланган номада Конституциямизни дарс жараёнида ўргатиш масалалари бўйича фикр юритилади:

— Қомусимизни болалар боғчасидан бошлаб ўргатиш, мактабларда дарслик тариқасида ўқитиш борасида амалий ишлар қилинмоқда. Унинг маъно-мазмунини ўқувчилар онгига сингдириш нафақат тарих ва ҳуқуқшунослик фанлари ўқитувчиларининг, балки барча муаллимларнинг вазифаси ҳамдир. Она тили фани ўқитувчиси дарсни ўқитиш жараёнида ўзбек тилининг давлат тили эканлиги, кимё, биология, география фанларида эса бош Қомусимизнинг 54-моддасидан фойдаланган ҳолда маълум тушунчаларни бериб борсалар, нур устига нур бўлар эди. Чунки, Ўзбекистон усти жаннат, ости хазина бир ўлкаки, унинг бойликларидан аямасдан фойдаланаверсак, қачондир тугаши ва натижада келажак авлодлар олдида қарздор бўлиб қолишимиз мумкинлигини ўқувчилар онгига сингдиришимиз зарур. Шундагина ёшларимиз табиатга, атроф-муҳитга меҳр-муҳаббатли, ватанпарварлик руҳида камолга етадилар.

Саҳифани Назокат ХОЛМЕТОВА тайёрлади.

Бу жараён малака ошириш муддатлари, унинг табиати ҳақида қайта-қайта ўйлаб кўришга мажбур қилади ва малака оширишнинг моҳияти, мунтазамлиги педагог кадрларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда ўз маълумотини оширишга асосланган бўлиши керак, деган хулосалар чиқаришга ҳам имкон беради.

Malaka oshirish

ТАЖРИБА МАЪҚУЛЛАНМОҚДА

Айни кунда мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишнинг иккинчи — сифат босқичи вазифаларини бажариш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги таълим-тарбия жараёни миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг муҳим омилига айланиб, бу ерда умуминсоний ва миллий маданиятга эга бўлган ватанпарвар, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук шахслар шакллантирилмоқдаки, бу борада уларга она-Ватан, муқаддас юртга муҳаббат ҳиссини самарали сингдиришга ҳаракат қилинмоқда.

Бугун мамлакатимиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун масъулиятли давр. Бу эса мазкур бўғинда фаолият кўрсатаётган ҳар бир раҳбар, педагог ва муҳандис-педагогдан ўз вазифаларига давр талаблари нуқтаи назаридан ёндашишларини тақозо этмоқда. Ҳозирги пайтда таълим-тарбия қонуниятлари, шахснинг шаклланиши ҳақидаги назарияларни пухта эгалламай туриб, амалий педагогик фаолият билан шуғулланаётган муаллимлар ҳам йўқ эмас.

Маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мамлакатимиз таълим тизимидаги камчилик ва муаммолар жиддий таҳлил қилиниб, *"ўқитувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг аксарияти яхши тайёргарлик кўрмаганлиги, уларнинг билим ва касб савияси пастлиги муаммо бўлиб қолмоқда, малакали педагог кадрлар етишмаслиги сезилмоқда"* дея хулоса чиқарилган эди. Шу боис, Миллий дастурни рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш, узлуксиз таълим тизимининг янги тури ҳисобланган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳаси учун олий таълим муассасалари, ишлаб чиқариш, фан ва маданият соҳаси мутахассисларини жалб этган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш вазифаси қўйилган эди.

Ҳақиқатан ҳам академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитувчиларнинг маърифий-педагогик билимлари ва малакаларини чуқурлаштирмасдан, педагогларнинг ўз назарий ва амалий билимларини узлуксиз янгилаб боришини таъминламасдан туриб, билимли, тафаккури бой ва маданиятли муаллимлар жамоасини вужудга келтириш мумкин эмас. Шу сабабли республикамизда ЎМКҲТ тизими учун ўқитувчилар ва мутахассис-кадрлар малакасини ошириш муассасалари ташкил этилиб, педагог ва муҳандис-педагог кадрларнинг малакасини ошириш, уларнинг касбий-педагогик тайёргарлик даражасини рақобатбардошлик тамойили асосида қўллаб-қувватлашга киришилди. Бу эса, ўз навбатида ижобий натижаларни бермоқда. Бироқ, таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, баъзи касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатаётган айрим умумкасбий ва махсус фанлар ўқитувчиларининг билим ва касбий маҳорат савияси ҳамон пастлигича қолмоқда. Бу ҳол замонавий жиҳозланган касб-ҳунар коллежларида таълим мазмуни ва сифатини янада кўтаришга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шу жиҳатдан Вазирлар Маҳкамасининг "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 400-сон қарорига асосан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг барқарор ривожланишини таъминловчи педагог ва муҳандис-педагог кадрларни тайёрлаш биринчи даражали вазифа сифатида белгиланди.

Республикамиз иқтисодиёти ва касбий фаолият соҳаларида технологик жараёнларнинг ўзгариши қисқа муддатларда рўй бермоқда. Натижада педагоглар касбий таълим мазмунига мос равишда ўқитиш технологиялари ва методикаларини янгилаб, ўзгараётган муҳитга мослашиб боришга мажбур бўлмоқдалар. Бу жараён малака ошириш муддатлари, унинг табиати ҳақида қайта-қайта ўйлаб кўришга мажбур қилади ва малака оширишнинг моҳияти, мунтазамлиги педагог кадрларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда ўз маълумотини оширишга асосланган бўлиши керак, деган хулосалар чиқаришга ҳам имкон беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ таълимнинг алоҳида тури сифатида белгиланган малака ошириш тизими педагог кадрларга замонавий билим бериш ҳамда улар маълумотини оширишни таъминлайди. Шу боис, билимли, маданиятли муаллимдан етук, ҳунарли шахс тарбияланади ёки аксинча, деган фикрлар туғилади. Эски тузумнинг педагогик таълим соҳасидаги асоратларини (манқуртчилик) таг-томири билан йўқотиш, шафқатсизлик ва ёвузликнинг тарбия тизимига бош суқа олмаслигини таъминлаш, тарбияни меҳрибонлик асосида ташкил қилиш, бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош ва етук кадрни шакллантириш каби ўз ечимини кутаётган долзарб масалалар педагогларнинг ўз билимларини мустақил ошириш, ўз-ўзини тарбиялаш ва малакасини ошириш жараёнларида бирмунча тўла ҳал қилиниши мумкин.

Педагогларнинг ўз савиясини оширишга бўлган индивидуал эҳтиёжини қондириш мақсадида малака ошириш ҳам турли шаклларда амалга оширилади. Жумладан, малака ошириш тизими амалиётида дастурли (малака ошириш муассасаларида малака ошириш, ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий тадқиқот институтларида, чет элда тажриба орттириш, қайта тайёрлаш, сиртқи малака ошириш) ва дастурсиз (монография, дарслик ёки ўқув қўлланма яратиш, диссертация ёзиш ва уни ҳимоя қилиш) малака ошириш бўлиб фарқланади. Айни пайтда ривожланган хорижий мамлакатлар илғор тажрибалари эътиборга олиниб, малака оширишга бўлган янгича қарашлар ҳам вужудга келмоқда.

ЎМКҲТ Маркази раҳбариятининг ташаббуси билан академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари педагог ва муҳандис-педагог кадрлари малакасини оширишга янгича ёндашилиб, илк амалий қадамлар ташланди. Жумладан, бу тизимда фаолият кўрсатаётган педагоглар, биринчи навбатда, таянч педагогик маълумотга эга бўлмаган умумкасбий ва махсус фанлар ўқитувчиларининг (муҳандис-педагог, агроном-педагог, юрист-педагог, иқтисодчи-педагог ва ҳ.к.) касбий-педагогик тайёргарлик даражасини жойларда, ишдан ажралмаган ҳолда доимий ҳаракатдаги ўқув шаклида амалга оширилиши ҳам ўз самарасини беради, деган хулосага келинди. Ўқитувчиларнинг бўш вақтларидан уларнинг малакасини оширишда унумли фойдаланиш бу хулосанинг бош мақсадига айланди.

Шундай қилиб, 2001 йил октябрь ойидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ЎМКҲТ ҳудудий бошқармалари тасарруфидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатаётган умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанлар ўқитувчиларининг касбий-педагогик тайёргарлик даражасини тажриба тариқасида жойларда, ишдан ажралмаган ҳолда доимий ҳаракатдаги малака ошириш (ДҲМО) курслари шаклида ташкил қилишга киришилди. Тажриба тариқасида жойларда ташкил қилинган доимий ҳаракатдаги ўқув курслари ЎМКҲТ Ривожлантириш институти томонидан ишлаб чиқилган ва тавсия этилган 120 соат ҳажмидаги намунавий ўқув режалари ва методик тавсиялар тўплами асосида амалга оширилди. У мазмунан 4 бўлимдан иборат бўлди. Биринчи бўлимда ўқитувчиларнинг маънавий-маърифий тайёргарлик даражасини (20 соат), иккинчи бўлимда компьютер тайёргарлиги даражасини (24 соат), учинчи бўлимда методик (технологик) тайёргарлик даражасини (16 соат) ва ниҳоят, тўртинчи бўлимда мутахассислик фанлари бўйича илмий тайёргарлик даражасини (60 соат) ошириш назарда тутилди.

Намунавий ўқув режалари ва методик тавсиялар тўпламининг тузилиши ва унинг мазмуни ўқитувчиларнинг касбий-педагогик тайёргарлик даражасини оширишга қаратилган мавзулар, услублар, анкета сўровлари ҳамда иш шаклларини эркин танлаш имкониятлари мужассамлиги билан характерланди. Бундай ДҲМО курслари ўқитувчиларнинг ижодий куч-қувватини ривожлантириш, илмий-назарий ва методик (технологик) тайёргарлик жиҳатларининг уйғунлигини таъминлаш имконини берди. Шунингдек, бундай курсларга ишлаб чиқариш корхоналаридан юқори малакали мутахассисларнинг касб-ҳунар коллежларида ўриндош сифатида махсус фанлардан дарс беришга ва амалий машғулотлар ўтказиш жараёнига жалб қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги айни пайтда педагог ва муҳандис-педагог кадрларнинг ҳам замонавий техника, технологиялар билан ишлаш малакаларини бевосита ишлаб чиқариш корхоналарида мунтазам равишда ошириб боришига шароитлар яратмоқда.

Малака ошириш жараёнида илғор педагогик технологиялар, аудио-видео, компьютер, мультимедиа каби таълимнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда дарс ўтиш тажрибаси кенг жорий қилинди. Шу мақсадда малака ошириш жараёни энг яхши жиҳозланган таълим муассасаларида ташкил қилинди ва унга олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, ишлаб чиқариш соҳаларининг тажрибали мутахассислари ҳам жалб қилинди. Машғулотлар турли шаклларда: маъруза, семинар, давра суҳбатлари, қизиқарли учрашувлар, баҳс-мунозаралар, экскурсиялар, маслаҳатлар, танловлар, очиқ дарслар, ҳимоялар, амалий ва мустақил ишлар, кўчма машғулотлар каби турли шаклларда, маҳаллий материаллардан кенг фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

Жойларда ташкил қилинган ДҲМО курсларининг ўзига хос томони шунда бўлдики, тингловчи-ўқитувчилар бу жараёнда ўз мутахассисликлари, яъни дарс бераётган фани бўйича ўқув матнлари (маъруза ва амалий-лаборатория)ни тайёрладилар. Қатор очиқ дарслар ташкил қилдилар. Шу асосда "Энг яхши ўқув матни", "Энг яхши очиқ дарс" каби танловлар ўтказилди. Кўчма машғулотлар шароитга мувофиқ шартномавий келишувлар асосида қўшма корхоналар ва институтлар лабораторияларида ўтказилди. Булар ўқитувчиларнинг касбий-педагогик тайёргарлик даражасини уларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда оширишга имкон берди. Аксарият ҳолларда тингловчиларнинг эҳтиёжлари асосида ўқув режалари мазмунига қисман ўзгартиришлар киритилди.

Доимий ҳаракатдаги малака ошириш курсларини белгиланган муддатларда самарали ташкил қилиш бўйича жавобгарлик ЎМКҲТ ҳудудий бошқарма раҳбарлари зиммасига юклатилди. Хусусан, ДҲМО жараёнини ишдан ажралмаган ҳолда тўғри ташкил этиш, унга соҳанинг тажрибали мутахассислари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда қўшма корхоналарнинг мутасадди ходимларини жалб этиш, ўқув фанлари, тегишли соҳалар бўйича тўлиқ жиҳозланган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўтказиш каби ташкилий масалалар улар томонидан ҳал қилинди. Айни пайтда академик лицей ва касб-ҳунар коллежи директорларига ДҲМО жараёнига барча умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанлар ўқитувчиларини ўз вақтида тўлиқ жалб қилиш, ўқитувчиларнинг бундай ўқув курсларида доимий иштирокини таъминлаш каби масалалар юклатилди. Шунингдек, уни назорат қилиш ҳамда уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида ЎМКҲТ Марказидан масъул ходимлар белгиланди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, тажриба тариқасида бошланган бу тадбир академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари, ўқитувчилари томонидан маъқулланмоқда. Буни улар томонидан билдирилган ижобий фикрлар ҳам исботлайди. Бироқ, малака оширишнинг бу шакли тажрибавий эканлигини унутмаслигимиз, агар унинг фойдали томонлари кўп бўлса ва бу жойлардаги ўқитувчилар учун манзур бўлса, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, бундай ДҲМО курсларининг мазмуни, ташкилий-молиявий жиҳатларини такомиллаштиришимиз лозим.

Шериммат АВАЗОВ,
ЎМКҲТ Ривожлантириш институтининг илмий ишлар бўйича биринчи проректори

Маълум касбга йўналтирилган ва чуқурлаштирилган дастур асосида иш юритадиган лицей, коллежлар Тошкент шаҳрининг ўзида ҳам анчагина. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи Республика лицейи худди шундай билим масканларидан бири. Бу ерда уларни ҳарбий ҳаётга кўникма ҳосил қилдириш учун нимаики лозим бўлса, барчаси муҳайё. Ўқувчилар учун ётоқхона, ошхона, кутубхона, спорт зали ва майдончалари, дам олиш хоналари... Улар ўз-ўзига хизмат қилишади, чиниқиш ва тобланишнинг турли шаклларидан фойдаланишади.

Яхшиси саҳифамизни ўқиб чиқинг, озгина бўлсада, ушбу лицей ҳаёти билан танишасиз.

ҲАРБИЙЧА ҲАЁТГА ҲОЗИРЛАНИНГ!

Vatan qalqonlari

Ҳарбийликка фарзандларимизнинг қизиқишлари ва мойилликлари кучли эканликлари ҳали мактабга бормаган кездаёқ кўзга ташланишига кўп бора гувоҳ бўламиз. Айниқса, ўғил болаларнинг "уруш-уруш" ўйнаб, "душман" томонни таслим қилиши, аскар қиёфасига кириб, "честь" бериши уларнинг ҳарбий соҳага рағбати уйғонаётганидан далолат беради.

Пойтахтимиздаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейи худди шундай қизиқишдаги ёшларни мустақил ҳаётга тайёрловчи даргоҳдир. Лицей мустаҳкам ўқув-моддий базага эга.

моддий-техник базаси қандай? Бу — лицей педагогик жамоасини ҳамиша ўйлантирадиган, ташвишлантирадиган савол. Чунки ютуқ, муваффақиятлар ўзимизники, уларни кўпайтиришимиз керак.

Гап, аввало таълим мазмунини бойитиш ва янгилашга бориб тақалади. 42 нафар педагог, мураббий меҳнат қилаётган бу масканда умумкасбий фанлар билан бир қаторда умумтаълим мактаблари дастуридаги фанлар ҳам ўқитилади. Албатта, ҳар бир педагог-ўқитувчининг ўқувчилар билан ишлашда ўзига хос тажрибаси, маҳорати шаклланган. Педагоглар иш фаолиятини бирига боғлаб дифференциал дарс ўтган Ш.Жумашова, Ю.Гапоненко, қизиқарли математика дарсларини олиб борган Ҳ.Аъзамова, Д.Одилбекова, дарсларни саёҳат усулида ташкил этган Б.Мирзаев, Ф. Асрақулова, Ў.Тожибоев, И.Аболяровлар тажрибаси нафақат услубий бирлашмалар, балки ўқувчилар томонидан ҳам эътироф этиладики, биз улар сафи кенгайишини истаб қолардик.

Янги ахборот технологияларини таълим соҳасига жорий қилмай туриб, унинг замонавий қирраларини ривожлантириш ҳақида фикр юритиш амри-маҳол. Лицейда "Электрон ҳисоблаш техникаси" хонаси мавжуд бўлиб, эски русумдаги технологиялардан фойдаланиларди. Халқ таълими вазирлигининг бевосита кўмаги билан янги турдаги технологияларни келтиришга муваффақ бўлдик. Ўқувчилар бу компьютер синфларига кириб, унда ишлашни ўрганишмоқда.

IX-синф маълумоти ҳақидаги ҳужжатни топширгач, бўлғуси курсантларнинг аввало жисмоний ва ҳарбий тайёргарликлари махсус синовлар орқали текширилади. Шундан сўнгтина унга физика, математика она тили ва адабиётидан тест синовларидан ўтишга рухсат берилади.

Ҳозирги вақтга қадар лицейимизни 1500 нафар ёшлар битирган бўлиб, улар турли олий ҳарбий ўқув юртларида таҳсил олишган. Айни пайтда собиқ битирувчилар Ўзбекистон Қуролли Кучлари ихтиёридаги турли ҳарбий қисм ва бўлинмаларда чегара қўшинлари сафида хизмат қилишмоқда.

Ҳарбий лицейимизнинг бугунги пайтдаги таълим мазмуни, ҳар томонлама чуқур, илмий асосланган ҳолда баҳолаш ҳамда уларга кўрсатмалар бериб бориш мақсадида ташкил қилинган "Мониторинг маркази" турли тажрибалар, услублар ойнаси ҳисобланади. Марказ ҳар бир мураббийнинг иш тажрибаси ҳақидаги ахборотни беради.

"Мониторинг маркази"да услубий бирлашмаларнинг хулосалари жамланади. Бунга мувофиқ, ўқувчилар билан дарс ўтишда ноанъанавий усулларни қўллаётган ўқувчиларнинг ишлари бир сидра таҳлил қилинади. Ўтган 2001-2002 ўқув йилида бир неча ўқитувчиларнинг ўзига хос тажрибалари тан олинди. Физика ва биология фанларини бирлаштирилмоқда. Ҳар бир ўқув фанидан ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган минимал талаблар ишлаб чиқилган.

Маълумки, ўтган йили республика ўқитувчиларининг биринчи анжумани ўтказилган ва унда таълим муассасалари олдига муҳим вазифалар кўндаланг қўйилган эди. 2001-2005 йиллар учун мўлжалланган истиқболли дастурни ишлаб чиқишда энг муҳим ишлар белгиланди. Шунга мувофиқ, давлат таълим стандартлари ижросининг мониторинг тизими мақсадга йўналтирилган ҳолда ривожлантирилди. Ўқувчилар таълим-тарбиясини акс эттирувчи "Рейтинг ойнаси" ишга туширилди. Ўқувчи ва ўқитувчиларга психологик хизмат кўрсатиш янада такомиллаштирилмоқда. Ҳар бир ўқув фанидан ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган минимал талаблар ишлаб чиқилган.

"Ҳарбийча интизом, ҳарбийча ҳаёт! Бунга ҳар лаҳзада тайёр туринг! Сафланинг!" Лицей ўқувчилари худди шундай ҳаёт тарзига кўникиб боришлари керак. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги лицей ўқувчиларини келгусида худди шундай ҳаёт кутади. Биз уларни ҳарбийча ҳаётга тайёрлаб боришимиз керак.

Собир АҲРОРОВ,
Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейи директори,
II-даражали "Соғлом авлод учун" ордени нишондори,
"Ўзбекистон халқ таълими аълочиси"



Тренажёр залига кирмайдиган лицей ўқувчиси йўқ. Бунга уларнинг ички хоҳиш-иродаси ҳам ундайди. Кимда-ким спорт билан чин юракдан ва ихлос-ла шуғулланса, унинг келажагига умид боғлаш мумкин. Марҳамат, тош кўтарсин, штангани қўлига олсин, оёқ ва қўлларининг чигилини махсус мосламада ёзсин, бу ихтиёрий. Тренажёр зали ҳамиша очиқ ва ўз эгаларига мунтазир.

Ҳарбий қисм ва бўлинмаларга борган, у ердаги муҳит билан танишган лицей ўқувчиларининг ҳаётий кўникмалари, билим ва малакалари тағин ҳам ошади. Улар бундай кезда ўз ўқув кийимларини фақат байрам ва тадбирларда кийиладиган формаларга алмаштиришади.

Ҳа, икки йил мобайнидаги ҳар бир кун тарих. Келгусида бу йигитлар улғайиб, халқ ва Ватан хизматига шай туришади. Шунда улар бу кунларни ширин бир хотира сифатида эслашади...

ЖАНГОВАРЛИК, ҲУШЁРЛИК, ОГОҲЛИК!

Jarayon

Ҳарбийларнинг ўзга касб эгаларидан фарқ қилувчи жиҳатлари бор. Бу аниқлик, жанговарлик, ҳушёрлик, огоҳлик ва ҳар бир лаҳза билан ҳисоблашиш. Бинобарин, бундай ўзига хос тартиб лицейимиз ҳаётининг бутун мазмунини қамраб олган.

Мунтазам равишда ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлардан ташқари оммавий ва сиёсий характердаги ойликларнинг ўтказилиши, шубҳасиз, ўз самарасини бераётир. Республика ҳарбий ва ҳуқуқий лицейлари ўртасида ўтказилган анъанавий "Амир Темур авлодлари" ҳарбий-спорт мусобақаларида бу йил ҳам ўқувчиларимиз муваффақиятли қатнашишди.

300 нафар ўқувчи ўқиётган лицейда, юқорида таъкидлаганимдек, уларни ҳар жиҳатдан соғлом, бақувват, эпчил ва чаққон, қисқаси, ҳарбийча интизомга шай қилиб тарбиялашга биринчи даражали вазифа деб қаралади. Шу ўринда "14 январь — Ватан ҳимоячилари куни" олдидан оммавий ватанпарварлик ойлигининг ҳар йили ўтказилиши алоҳида таъкидлаб ўтишга арзийдиган иш.

Бундай ойлик бошқа таълим муассасаларида қандай ўтишини билмадиму, лицейимизда у ўзига хос синовга айланади. Декабрь ойининг бошидаёқ ойлик режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлатиб олганимиздан сўнг, бу ҳақда рота ва взвод командирлари, синф раҳбарларига маълум қилинди.

Оммавий ватанпарварлик ойлигидан мунтазам равишда ўтказиладиган тадбирлар билан биргаликда маълум кунларга мўлжалланган тадбирлар ҳам жой олган. Хусусан, ўқувчиларнинг харбий қисмларга, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича мусобақалари ўтказиладиган жойларга ташрифини уюштиришимиз керак. Шунингдек, мустақил дарс тайёрлаш хоналарида юртимиз тарихи ва Қуролли Кучларининг ҳаётини акс эттирувчи кўргазмали бурчаклар ҳам ташкил қилинди.

21 декабрь куни Президент И.Каримовнинг "Ҳушёрликка даъват", "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир" асарлари, иккинчи чақириқ Олий Мажлис IX сессияси материаллари ҳар бир синф ўқувчиси қалби ва шуурига етказилди. Бу ишга синф раҳбарлари, взвод командирлари масъул этиб тайинланган эди.

14 январь — "Ватан ҳимоячилари куни" арафасида юртимиз сарҳадларини террорчи тўдалардан ҳимоя қилишда иштирок этган аскар-зобитлар иштирокида "Жасорат дарслари"ни уюштириш мўлжалланмоқда. Бу жонли дарсдир. Демак, жонли машғулотнинг таъсир доираси, келтирадиган самараси ҳам бошқача бўлади.

Бир ой давомида қандайки тадбирни қачон ўтказмайлик, олдимизда ягона мақсад туради. У ҳам бўлса, Ватан ҳимоясига "лаббай" деб жавоб берувчи, керак бўлса, жонини берувчи ўғлонларнинг тарбияланишига диққат-эътибор қаратиш. Зеро, лицей ўқувчиларини ҳам, педагог-мураббийларини ҳам ана шу ягона муддао бирлаштириб туради.

Иристой ЭРГАШЕВ,
маънавий-маърифий ишлар бўйича лицей директори ўринбосари, "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси".



Лицей шифокори Марина Владимировна Отич ўқувчилар соғлигини назорат қилиб борар экан, ҳамиша кўнглидан шу фикрни ўтказиб туради: "Соғлик — энг аъло бойлик. Айниқса, бўлғуси ҳарбийнинг соғлиги ҳаммамиз учун муҳим. Чунки улар ватан мудофаа қудратининг таянчларидир".

Тўра ЖАББОРОВ суратлари

Улар ижросидаги кучли драматик талқин гўёки саҳнада эмас, балки шундоққина кўз ўнгимизда рўй бергандек таассурот қолдиради.

E'tirof

ДАВР БИЛАН ҲАМҚАДАМ

Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти республикамизнинг шу йўналишдаги энг кекса олий ўқув юртларидан биридир. У 1945 йилда Ўзбекистон ва қўшни қардош республикалар театрларини юқори малакали актёр, режиссёр ва театршунос кадрлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида очилган бўлиб, дастлаб театр санъати институти номи билан юритилган. Кейинчалик унинг таркибида рассомлик бўлими ҳам очилгач, уни Тошкент Давлат театр ва рассомлик санъати институти деб аташ мақсадга мувофиқ топилган. 1990 йилдан бери улуғ ўзбек актёри, режиссёри ва театр арбоби Маннон Уйғур номи билан юритилаётган бу даргоҳда бугунги кунда кино, телевидение, радио тармоқлари учун кадрлар тайёрланмоқда.

Санъат педагогикасининг пойдеворини яратишга маълум даражада эришган институтимиз ҳозирги даврда барча таълим муассасалари қатори "Таълим тўғрисида"ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни изчиллик билан амалга оширишга киришган. Эл назарига тушган санъаткорлар таъбири билан айтганда, бу даргоҳ "альма-матор" яъни "Она даргоҳ" деб ҳисобланади. Марҳум санъаткорлар – Наби Раҳимов, Раззоқ Ҳамроев, Ҳамза Умаров ва айни дамда ўз ижодий фаолиятларини давом эттираётган Зикир Муҳаммаджонов, Ёқуб Аҳмедов, Шуҳрат Аббосов, Турғун Азизов, Яйра Абдуллаева, Теша Мўминов, Гулчеҳра Жамилова, Эркин Комилов сингари актёр ва режиссёрлар билан институт педагогик жамоаси ҳақли равишда фахрланади.

Ўқув ишларининг сифатини яхшиламай туриб, таълим мазмуни ҳақида башорат қилолмаймиз. Аввало етук санъатшунос кадрларнинг юзага келиши ўқув адабиётларининг мукаммал бўлишини тақозо этади. Мамлакатимизда олий таълимни ташкил этиш тўғрисида қабул қилинган фармонлар, қарорлар ҳамда кўплаб меъёрий ҳужжатларга асосан, институтимизда кўп йилга мўлжалланган ишлар дастури мавжуд. Ана шу дастурга кўра, 2000-2005 йиллар давомида бакалавриат ва магистратура учун кўплаб дарслик ва қўлланмаларни ҳам тайёрлаш лозим. Ҳозирга қадар театр, кино санъатининг барча мураккабликларини изчиллик билан очиб берган йигирмага яқин дарслик дунёга келди. "Ҳужжатли кино санъати асослари", "Мусиқали театр актёрлигида нутқ маҳорати", "Кино санъати асослари", "Ўзбек анъанавий театри тарихи", "Қўғирчоқ театри актёрлиги маҳорати" сингари дарсликлар нашр этилди.

Миллий истиқлол ғоясини талаба-ёшлар онгига сингдириш кундан-кунга долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Ўтган 2001-2002 ўқув йилининг иккинчи семестридан бошлаб "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бакалавриат босқичининг битирувчи курсларида 52 соат, магистратура босқичининг иккинчи курсларида 64 соатдан ўқитиляпти. Бакалавр босқичининг қуйи курсларида ушбу фан мазмуни ижтимоий фанлар кафедраси орқали барча гуруҳларда ўқитиладиган "Ўзбекистон тарихи", "Ҳуқуқшунослик", "Диншунослик", "Фалсафа", "Маънавият асослари", "Сиёсатшунослик" фанларининг таркибига сингдирилмоқда. Машғулотларни олиб боришда бешта компакт дискдан фойдаланмоқдамиз. Унда "Ўзбекистон – 2000", "Амир Темур", "Ал Фарғоний", "Ал Бухорий", "Ибн Сино", "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" номли мультимедиалардан фойдаланиш жуда қўл келмоқда. Шу ўринда "Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда санъатнинг ўрни" мавзуидаги илмий-назарий анжуманнинг ўтказилгани ва унда худди шу мавзуга доир 100 дан ортиқ маърузаларнинг жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Ҳар бир ижтимоий фан вазирлик томонидан ишлаб чиқилган намунавий дастурлар, дарслик, қўлланмалар асосида ўқитиляпти. Дастурларга институтдаги таълим йўналишлари хусусиятидан келиб чиққан ҳолда қўшимчалар киритилди.

Институтимизда магистратура таълимини такомиллаштиришга, илк тажрибалар ҳақида хулосалар чиқаришга ҳаракат қилинмоқда. Магистрантларга мавзуларни ҳавола этишда санъатшунослик илмий тадқиқот институти бевосита ва доимий равишда ёрдам кўрсатмоқда.

Мамлакатимиздаги мавжуд олий таълим муассасалари ўртасида институтимиз маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш бўйича учинчи ўринни эгаллади. Бундан қувониш асосида бу билан кифояланиш керак эмас. Ҳаракат қилинса бундан олдинги ўринлар ҳам ишғол этилади.

Ҳамидулла ИКРОМОВ,
Тошкент Давлат Санъат институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори

КАМТАРОНА МЕҲНАТГА ЮКСАК УНВОН

Faxr

Саҳна ҳаракати ва актёрлик маҳорати институтимиздаги энг муҳим касбий фан ҳисобланади. Мен талабаларга ана шу йўналишда сабоқ бераман. Ҳозирга қадар курс бадиий раҳбарлари билан ҳамкорликда 20 га яқин диплом спектакларини яратишда иштирок этдим. Саккизта актёрлик курсини ўқитиб, уларга сабоқ бериш жараёнида тажрибам йил сайин оша борди.

Институтимиз талабалари томонидан яратилган "Хазон бўлган умр" спектакли режиссураси устида ишлаш менга топширилган эди. Аммо уни саҳнага олиб чиқиб, томошабинга манзур қилиш осонгина ҳал бўлгани йўқ. Айниқса, ҳали актёрлик маҳоратини тўлиқ эгаллай олмаган талабалар билан ишлашнинг ўзига хос машаққатларига дуч келдим.

Шуни мамнуният билан қайд қилишим керак: "Хазон бўлган умр" спектаклидаги режиссёрлик маҳоратим инобатга олиниб, менга ҳукумат даражасидаги "Шуҳрат" медали берилди. Юксак унвоннинг эса янгича масъулиятлари бошланди.

Маҳмуд РАШИДОВ,
институт доценти,
"Шуҳрат" медали соҳиби

ЭНГ ЯХШИ СПЕКТАКЛ

Ёшлар – жамиятдаги энг катта оқим. Уларга хоҳ ижобий, хоҳ салбий таъсир кўрсатиш унчалик кўп вақт талаб қилмаслиги мумкин. Уларнинг кўнгилга ўтиришмайдиган ножоиз йўллардан ўзини тортиши ва жамиятдан ўрнини топиб олишига республикамизда катта аҳамият берилмоқда.

Институтимиз талабалари томонидан ишланган "Хазон бўлган умр" спектакли бош қаҳрамони Назиржон исмли оддий қишлоқ йигитидир. У яхши ниятларни дилига тугиб, ота-онаси билан илиқ хайрлашиб, пойтахтга йўл олади. Назиржон ўз маъшуқаси – Камола билан ҳам вақтинча хайрлашади. Спектаклда Назиржон ва Камола образларини ижро этган талабалар – Фарҳод Болтаев ҳамда Меҳрибон Имомбердиевалар томошабинни ўзига тез-да ром этиб олади. Улар ижросидаги кучли драматик талқин гўёки саҳнада эмас, балки шундоққина кўз ўнгимизда рўй бергандек таассурот қолдиради. Спектаклдаги воқеалар тадрижий характерга эга. Назиржон Тошкентга келиб, бутунлай бошқа муҳитга тушиб қолади. Содда, очиққўнгил, эгилувчан бу йигит ўзи билиб-билмаган ҳолатда террорчилик ҳаракатига қўшилиб қолади. Қора ниятли кучлар унинг виждонини пул билан қайириб олишга муваффақ бўлишадики, энди Назиржон учун ортга йўл йўқ. Олдинда эса охири фожеа билан тугайдиган йўл.

Спектакл якунида Назиржоннинг тамоман ўзгарган қиёфасига дуч келасиз. У ўз онасини ҳам ҳақоратлайди: "Оналик фарзинг бўлгандан сўнг туғасан-да". Бу онаизор учун чексиз бир мусибат, ғам-алам эди. Саҳна асарининг хотима қисмидаги Назиржоннинг фожеали қисмати ҳар қандай томошабиннинг дилини вайрон этиб, кўзларида халқа-халқа ёш пайдо қилади.

"Хазон бўлган умр"ни пойтахтимиздаги олий таълим муассасаларида ёшлар ташналик билан томоша қилишди. Томошабинлар сони расман 8000 киши эканлиги қайд қилинди. Ўзбекистон телевидениеси орқали бу спектаклни томоша қилган мухлислар сони яна ҳам кўпроқ. Бизнингча, бундай спектаклларни саҳнага олиб чиқиш, томошабин ҳукмига ҳавола этишдан қочмаслик, эринмаслик керак. Чунки бу хил асардаги ғоялар ёшлар дунёқарашининг кенгайишига кўмаклашади.

Фазилат МАЪМУРОВА,
институт санъатшунослик журналистикаси бўлими II курс талабаси

Akademik litseylar hayotidan



МАҚСАДИМИЗ — БАРКАМОЛ АВЛОД КАМОЛОТИ

Маълумки, бугунги кунда таълим соҳасида кечаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларини ўзида акс эттирган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ўзининг янги сифат босқичига қадам қўйди. Албатта, мазкур босқичга ўтишнинг ўзи ҳам осон кечгани йўқ. Ўтган йиллар давомида кўзланган вазифаларнинг сифатини, яъни натижасини таъминлашга хизмат қилувчи замин, шароит ҳозирланди. Зеро, қадалган уруғнинг эртага ҳосилга киришида унинг униб-ўсиши учун тайёрланган муҳит, яъни юмшоқ ва сувли ер, қуёш ҳарорати муҳим ўрин тутганидек, келажакка интилган ўқувчи ўғил-қизнинг замон талаблари даражасида билим сирларини эгаллашлари учун илм масканларида зарур моддий- техника базаси яратиб бўлинди. Бу борада Наманган давлат университети қошидаги академик лицейда амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар ҳам эътиборга лойиқ.

Академик лицей 1998 йил 2 ок-тябрда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 16 июлдаги 192-сонли буйруғи билан ташкил этилган. Бугунги кунда илм ўчоғида 600 нафар ўқувчи таҳсил олаётган бўлиб, уларга ўз фанининг етук мутахассислари бўлган тажрибали ўқитувчилар томонидан фан сирлари чуқур ўргатилиб келинмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу академик лицейда илмга ташна ёшлар ўз қизиқишларига ва қобилиятларига қараб 4 йўналишда, яъни аниқ фанлар, ижтимоий фанлар, хорижий филология ҳамда табиий фанлар йўналиши бўйича мукаммал билим эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Дарвоқе, ҳар бир бола ўзига хос истеъдод эгаси. Ундаги ана шу яширин иқтидор эрта аниқланиб, қачонки, такомиллашишига, ривожланишига имконият яратилса, унинг самараси юксак бўлиши, шубҳасиз. Шу боис таълим даргоҳида ўқиш истагида бўлган ҳар бир ўқувчи ташхис маркази томонидан боланинг қизиқиши ва иқтидорига қараб берилган хулосалар орқали юқорида келтирилган тўрт йўналишдан бирида ўқишни давом эттиради. Агар таҳлил қиладиган бўлсак, ҳозирги кунда лицейимизда 120 нафар талабалар аниқ фанлар йўналишида физика ва математика фанлари бўйича чуқур билим олаётирлар. Эътиборлиси, иқтисод соҳаси бўйича таҳсил олаётган талабалар ушбу даргоҳнинг дипломига эга бўлишдан ташқари компьютер оператори сертификатига ҳам эга бўладилар. Ижтимоий фанлар йўналишида ҳам ўқувчиларга барча умумтаълим фанларидан ташқари алоҳида тарих ва инглиз тили фанлари чуқур ўргатилиб, ушбу йўналишда 200 нафар талаба таҳсил олаётган бўлса, жаҳон тилларини ўрганишга иштиёқи баланд бўлган ўқувчилар лицейда она тили ва адабиёт фанларидан ташқари кўпгина Европа ва Осиё халқлари тилларини ҳам теран ўрганишаётир. Уларга мазкур фаннинг янада қизиқарли бўлишида эса олий тоифали ўқитувчи Мунаввархон Қаюмова бошчилик қилаётган 20 нафар тажрибали мутахассислар олиб бораётган изланишлар таҳсинга лойиқ. Эътиборлиси, мазкур услубиёт бирлашмаси аъзоси фидойи ўқитувчи Маъсудахон Жамолова ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда амалга ошираётган ибратли ишлари учун ҳукуматимизнинг юксак мукофоти — "Шуҳрат" медали билан тақдирланган.

Бундан ташқари, табиий фанлар йўналишида ҳам 15 нафар маҳоратли педогогларимиз фаолият юритаётган бўлиб, бугунги кунда ушбу йўналишда таҳсил олиб чиққан ёшлар тиббиёт олий ўқув юртлари ҳамда университетларнинг кимё ва биология факультетларида сабоқ олмоқдалар.

Албатта, ўқувчининг теран билим эгаллашида ўқитувчининг маҳоратидан ташқари, унга яратилган муҳит ҳам асосий восита ҳисобланади. Шу жиҳатни ҳам эътиборга олган ҳолда академик лицейда замонавий типдаги ўқув хоналари, барча қулайликларга эга лабораториялар, компьютер ва лингафон хонаси, тантаналар зали, ўн мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган кутубхона, маънавият хонаси, спорт зал ва майдони, 160 ўринли ошхона ҳамда 280 ўринли узоқ туманлардан қатновчи ўқувчи ўғил-қизлар учун мўлжалланган ётоқхона, тиббий хизмат кўрсатиш бўлимлари мавжуд.

Барча фан кабинетлари замонавий ўқув жиҳозлари ва технологиялар билан жиҳозланган бўлиб, улар ўқувчиларнинг дарсларни янада пухта ўзлаштиришларига хизмат қилмоқда. Айниқса, информатика ва ҳисоблаш техника асослари фани ўтиладиган хоналар сўнгги русумдаги замонавий PENTIUM II ва PENTIUM III компьютер техникалари билан таъминланган. Лицейимизда фаолият кўрсатаётган IREX — интернет хонасида эса ўқувчиларимиз нафақат республикада, балки халқаро майдонда юз бераётган турли ахборот ва янгиликлар билан ҳам яқиндан танишиш имкониятига эга. Алоҳида эътироф этиш лозимки, лицейимизга Жанубий Корея Республикасидан олинган имтиёзли давлат кредити асосида келтирилган ўқув лаборатория жиҳозлари ва лингафон кабинети ўқувчиларга ўтилаётган табиий ва чет тиллари фанларининг ҳам жонли ҳамда қизиқарли бўлишига туртки бўлаётир, десак муболаға бўлмайди. Асосийси, ушбу замонавий ўқитиш воситалари орқали ўтиладиган дарслар Корея Республикасида ўз билим ва тажрибаларини ошириб қайтган ўқитувчиларимиз томонидан олиб борилиши йўлга қўйилган.

Давлатимиз томонидан ёшлар таълим-тарбиясига қаратилаётган бундай эътибор боис, Наманган Давлат университети қошидаги академик лицей талабалари нафақат вилоят, балки республика ва халқаро конференциялар ҳамда фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб, бир неча бора ғолиблик шоҳсупасига кўтарилдилар. Мисол учун, шу йили республикамиз жамоаси таркибида Сингапурда ўтказилган Осиё конференциясида физика фани бўйича иштирок этган лицейимизнинг 3-босқич, аниқ фанлар гуруҳи талабалари Муҳаммад Жамиев ҳамда Муҳиддин Саидалиевлар ўзларининг физика фани бўйича эгаллаган чуқур билимларини халқаро майдонларда ҳам синовдан ўтказдилар.

Бундан ташқари, 2002 йилда ўтказилган умумтаълим фан олимпиадаларида ҳуқуқ фани бўйича билимлар баҳсига кирган Бобур Долимов республикада биринчи ўринни, физика фани бўйича эса Муҳаммад Жамиев 3-ўринни эгаллаб, ҳар иккиси ҳам республикамизнинг истаган олий ўқув юртларига имтиёзли кириш имкониятини қўлга киритдилар. Таъкидлаш лозимки, академик лицей ўқитувчилари мана шундай юрт эртасининг пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи баркамол ёшларни тарбиялаётганлигидан фахрланади.

Бугунги кунда ҳам мазкур таълим даргоҳи ўқитувчи-мураббийлари ўғил-қизларимизнинг комил инсон бўлиб бояга етишлари йўлида тинимсиз изланишдалар. Бу борада, айниқса, академик лицейимизнинг фидойи ўқитувчилари томонидан ўқувчию ўқитувчиларни ўқув адабиётлари билан таъминлаш мақсадида янги ўқув қўлланмалари яратиш ва нашр этишда ҳам ижобий натижаларга эришмоқдалар. Мисол тариқасида лицей ўқитувчиси, доцент З.Содиқовнинг ушбу турдаги ўқув даргоҳлари ҳамда касб-ҳунар коллежлари талабалари учун яратилган "Олмон тили грамматикаси" ўқув қўлланмаси Тошкентдаги "Шарқ" матбаа нашриётида кўп минг нусхада чоп этилиб, республикамизнинг барча вилоятларига тарқатилди. Шунингдек, Ш.Жўрабоева, Д.Турдалиевлар томонидан академик лицей ўқувчилари учун ёзилган "Учебник русского языка" китоби ҳам мутахассислар томонидан юқори баҳоланиб, чоп этилган. Ҳозирда эса физика-математика фанлари номзоди, доцент У.Бобохўжаевнинг физика фанидан "Халқаро олимпиада масалалари" ўқув қўлланмаси нашрга тайёрланмоқда.

Маълумки, ўқувчиларнинг билим олишга бўлган интилишларини оширишда китобнинг ўрни алоҳида. Шу боис, бугунги кунда таълим даргоҳи раҳбарияти томонидан ўқувчиларнинг теран билим эгаллашларини таъминлаш мақсадида айни омилга муҳим эътибор қаратилиб, кутубхоналар фаолияти ва ундаги китоб заҳирасини бойитишга ҳаракат қилинмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг диққатга молик томони шундаки, уни бойитишда ҳомийлик кўмагига таянилмоқда. Айни дамда кутубхонада 10 мингдан ортиқ адабиётлар тўплами бўлиб, унинг кўпайишида физика-математика фанлари номзоди Б.Саматов томонидан 7 минг фоизга эга бўлган уй кутубхонасининг лицей ўқувчиларига тақдим этилиши қувонарли ҳол. Бундан ташқари, республикамизда фаолият кўрсатаётган АҚШнинг таълим ва тил ўргатиш кенгаши АКСЕЛС ташкилоти томонидан 2 минг АҚШ доллори қийматидаги "Жаҳон энциклопедияси" ва бошқа ўқув адабиётлари беғараз ёрдам сифатида тақдим этилди. Ушбу адабиётлар ўқувчилар билимини ошираётган бўлса, замонавий методларда тайёрланган ўқув кассеталари ёрдамида лингафон кабинетида ўтиладиган инглиз тили дарслари янада қизиқарли бўлмоқда.

Албатта, таълим сифатини оширишда билим даргоҳида ўрнатилган ушбу замонавий ўқув жиҳозларининг аҳамияти катта. Бироқ, мазкур техникалардан ўқитувчи ўз дарсларида фойдалана олмаса, улар оддий жиҳоз бўлиб қолаверади. Айни шу сабаб боис академик лицей педагог ходимларининг билим ва малакаларини оширишга ҳам етакчи урғу берилган. Ҳозирда ўқитувчиларимиз нафақат юртимиздаги ПХҚТМОИларда, балки хорижий мамлакатларда ҳам ўз билим ва кўникмаларини ошириб келмоқдалар. Жумладан, лицейимизнинг информатика фани ўқитувчиси М.Солиев, биология фани ўқитувчиси Н.Сотиволдиев ҳамда инглиз тили ўқитувчиси А.Нормирзаевлар Жанубий Корея республикасининг Сеул шаҳридаги ўқув юртларида ўз малакаларини ошириб қайтган бўлсалар, яна бир неча ўқитувчиларимиз АҚШ давлат грантларини қўлга киритиб, Калифорния университети ҳамда Чико шаҳридаги ўрта махсус ўқув юртларида тажриба алмашиб қайтишди. Ўйлайманки, фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук шахс бўлиб камолга етишида академик лицейимизнинг аҳил жамоаси олиб бораётган бу каби эзгу ишлар ривож топаверади.

Зоҳид СОДИҚОВ,
НамДУ қошидаги академик лицей директори, филология фанлари номзоди, доцент

Китобхонамиз иш режаси китобхон ўқитувчиларга хизмат кўрсатиш, оммавий тадбирлар, китоб фондини комплектлаш, маълумотнома-библиографик ва ахборот ишлари, ота-оналар билан ҳамкорлик, ташкилий ишлар каби саккиз қисмга бўлинган ва шу асосда фаолият юритади.

Ma'rifat

Китобхонаҳилар эса ёш китобхонларни экспонатларга эътибор бериб ёндашишга, уларга тақризлар ёзишга ўргатишлари даркор.

KESPUBLIKA ILMIY PEDAGOGIKA KUTUBXONASI

ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланган расмли китоб кўргазмаси режаси

Халқимиз истиқлолни осонлик билан қўлга киритгани йўқ. Чунки мустақилликка эришиш учун кўплаб атоқли олим ва ёзувчиларимизнинг, миллатимиз фахри бўлган алп ўғлонларимизнинг муқаддас қони тўкилган, уларнинг неча асрлик машаққатли курашлари эвазига қўлга киритилган неъматидир. Биз ҳар доим ҳуррият фидойиларининг хизматларини хотирлашимиз ва эъзозлашимиз лозимлигини ўз инсоний бурчимиз деб билмоғимиз лозим. Шу билан бир қаторда, айнан шу истиқлол шарофати ила ўз тилимиз, маънавиятимиз, мафкурамиз, урф-одатларимиз қайта бўй кўрсатганлиги, атоқли шоир ва ёзувчиларимизнинг номи тикланганлигининг гувоҳимиз.

Ёшларимизни сиёсий ҳушёрлик руҳида тарбиялаш, Ватани ўз онасидек муқаддас деб билиш, киндик қони тўкилган юрти равнақи йўлида жонини ҳам фидо қилиб бўлса-да, Ватани ҳимоя қилиш, мустақил мамлакат фуқароси бўлганлигидан фахрланиш руҳида тарбиялаш алоҳида ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этмоқда.

Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканлигини ҳамиша ёдда тутишимиз лозим.

Шу муносабат билан Республика педагогика илмий кутубхонаси илмий-библиография бўлими, Истиқлолимизнинг 12 йиллиги муносабати билан қуйидаги "Ўзбекистон — Ватаним маним" мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллигига аталган расмли китоб кўргазмаси режасини тавсия этади. Режамиз тўрт рукндан иборат:

1. Тарихни билиш — ўзликни англаш.
2. Ўзбекистон — мустақил диёр.
3. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат.
4. Иллюстрациялар.

Ҳар бир рукнга керакли цитата, адабиётлар ҳамда газета ва журнал мақолаларидан намуналар берилган. Ушбу кўргазма режасидан мактаб кутубхоначилари, тарбиячилар, педагог ва мутахассислар, ўқувчилар ва кенг китобхонлар ўз фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН — КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

Вақт пиллапояси чексиздир, бир-бирининг ўрнини эгаллаб борадиган авлодлар зинадан-зинагагина кўтариладилар холос. Жамланган тажрибани ҳар бир авлод ўзидан кейин келаётган, ўзидан кейин уни тараққий эттирадиган ва бойитадиган навбатдаги авлодга етказиб беради.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

АДАБИЁТЛАР:

Каримов И.А. Адолатли жамият сари, — Т.: "Ўзбекистон", 1998. -160 б

Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: "Ўзбекистон", 1998. -686 б.

Каримов И.А. "Камолот" ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин.-Т.: "Ўзбекистон", 2001. -48 б.

Каримов И.А. Ватан озодлиги олий саодат. -Т.: "Ўзбекистон", 1999. -61 б.

Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.: "Ўзбекистон" 1994. -299 б.

Каримов И.А. Темур ҳақида сўз. -Т.: "Ўзбекистон" 1996. 62 б.

Жўраев Р. Халқаро ҳамкорлик таълим учун ҳам фойдалидир //Маърифат. 2002.-28 сентябрь.

Матқурбонов Қ. XXI аср мактаблари кашф қилинди: Кўрик-танловлар якунидан / / Маърифат. -1999.-25 декабрь.

Маҳмудов Н. Компьютерни билмаган педагог йўқ; Хорижда таълим //Маърифат. - 2002. 13 июль

Муҳаммадиев Н. Дунёга очилган йўллар: Биз ва жаҳон: Ўзбекистон XXI асрда / /Халқ сўзи. 1999. 28 май.

Орипов А. XXI аср — Ўзбекистон асри бўлгай: Озодлик байрами арафасидаги ўйлар //Халқ сўзи. 2001. -25 август.

Рахматова Н. Компьютер уммонининг ғаввослари: XXI аср баркамол авлод асри //Халқ сўзи. 2001 .-20 июнь.

Сиддиқов О. Келажакка ташриф: Йил мактаби - 2002 //Маърифат 2002. -11 сентябрь.

Сифатли билим илғор технология билан: Йил мактаби —2002 //Маърифат. - 2002. -2 февраль.

Усмонов Н. Катта мақсад сари: Миллий дастур — амалда: Гулистондаги академик лицей фаолияти // Маърифат. -2000. 11 январь.

Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: "Ўзбекистон", 2000. - 352 б.

ТАРИХНИ БИЛИШ – ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билн қуроллантиришимиз зарур.

И.КАРИМОВ

АДАБИЁТЛАР

Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. — Т. "Ўзбекистон", 1996.-350 б.

Каримов И.А. Тарихимиз ҳам, келажагимиз ҳам муштарак: Ўзбекистонда Қозоғистон кунларининг очилишига бағишланган тантанали йиғилишда сўзланган нутқ. 1994 йил 5 май, -Т."Ўзбекистон", 1994. -36 б.

Каримов И.А. Ўзбекистон халқи ўз йўлидан қайтмайди,-Т."Ўзбекистон", 1996.-38 б.

Абдуллаев О. Туркистоннинг ўтган кунлари. -Т.:"Ўзбекистон", 2001.-96 б.

Азизов Н. Файзулла Хўжаев ва давлат мустақиллиги ("Гулистон") 1996.6-сон. 18-19-б.

Алимова Д.А., Голованов А.А. Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ окибатлари: (1917-1990 йиллар) -Т. "Ўзбекистон", 2000. -90 б.

Аминов Б., Расулов Т. Ватан юрақдаги жавоҳир. -Т."Ўзбекистон", 2001. -232 б.

Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. -Т.: "Ўзбекистон", 1994.- 432 б.

Зиёев Ҳ. Тарих ўтмиш ва келажак кўзгуси: Тарихнинг долзарб масалалари. -Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2000.-288 б.

Маманазарова Р., Ботиров Т. Таълимда Беҳбудий ғояларининг тутган ўрни //Маърифат. -2002.-24 август.

Набиев А. Мустақиллик учун кураш ёхуд парчаланган Туркистон тарихи. — Т.:"Ёзувчи", 1998. -96 б.

Набираев Ҳ. Миллий қадриятлар, аждодлар мероси ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутмоғи лозим //Халқ сўзи. — 1997.-22 январь.

Туленова Г. Ўзбек халқи маънавияти тарих кўзгусида: Тарихда ўзбек халқининг маърифат, маданият ва маънавияти ҳақида //Халқ таълими.— 2000. 5-сон. 4-8-б.

Шодиева З. Миллий қадриятлар ва машҳур тарихий шахслар ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш воситаси //Халқ таълими. 2001.-1-сон 46-50-б.

Ҳомидий Ҳ. Қадим аньаналарнинг бир давоми: "Авесто" ҳақида //Соғлом авлод учун.- 2002. -5-сон. 31-33-б.

ЎЗБЕКИСТОН — МУСТАҚИЛ ДИЁР

МУСТАҚИЛЛИК МАСЪУЛИЯТИ

АДАБИЁТЛАР

Каримов И.А. Халқимизнинг йўли — мустақиллик, озодлик ва туб ислоҳотлар йўлидир. -Т.: "Ўзбекистон" , 1996. -62 б.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. —Т.:"Ўзбекистон", 1999. -48 б.

Каримов И.А. Орқага қайтиш йўқ: Ўзбекистоннинг йўли битта — мустақилликни мустаҳкамлаб олға бориш. —Т.:"Ўзбекистон", 1993. 36 б.

Абдулазиз А. Қалбимизда ватан туйғуси: мустақилликнинг 10 йиллигига //Ўзбекистон овози. 2001. -28 июнь.

Болиев А. Мустақиллик ва миллий манфаатлар: Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда: Сиёсий шарх //Ўзбекистон овози. 1999. 27 май.

Воҳидов Э. Қийин ва шукухли қисмат: Ўзбекнинг яқин тарихи, мустақиллик ҳақида // Халқ сўзи. -2001.-5 июль.

Воҳидова М. Истиқлол ва муаллим масъулияти //Маърифат. -2001.-16 май.

Туркистон — умумий уйимиз. -Т.:"Ўзбекистон", 1995.-46 б.

Ҳожибоев А. Тафаккур мустақиллиги ва мустақиллик тафаккури //Қонун ҳимоясида-1999. 8-сон. 10-15-б.

Шарофиддинов О. Сардафтар саҳифалари: Мустақиллигимизни қадрлайлик мавзусида. -Т.: "Ёзувчи, 1999.-202 б.

ТАЪЛИМ — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Воҳидова М. Мен сени кутлайман, эй азиз Ватан!: ёхуд ўрта умумтаълим мактабларида мустақиллик дарси қандай ўтилади?

//Маърифат. -2001. -11 август.

Истиқлолим истиқболим. — Т.:Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.-80 б.

Ғуломов С. ва бошқ. Асрга тенг йиллар: Мустақиллик дарслари //Маърифат. 2001.- 11 август.

ЁШ АВЛОДНИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ

Комилов Н. Мустақиллик мафкураси: А.Иброҳимов, Х.Султонов ва Н. Жўраевлар қаламига мансуб "Ватан туйғуси" китоби ҳақида //Халқ сўзи. -1997.-27 февраль.

Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарлари асосида. -Т.: Шарқ, 2001.160 б.

Мустақиллик — бу ҳуқуқ / Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи А.Саидов, -Т.: "Ўзбекистон", 1997.-224 б.

Назаров Й., Рўзиназаров Ш. Мустақиллик ҳуқуқ демакдир: Ҳуқуқий ислоҳот тажрибаси: амалиёт, муаммо ва ечимлар. -Т.: "Ўзбекистон", 1998.-64 б.

Саидов Акмал. Мустақиллик қомуси: Умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни ҳақида. -Т.: "Ўзбекистон", 1993. 30 б.

Сафарова М. Орзу -интилишларимиз кўзгуси: Миллий ғоя, мустақиллик мафкураси //Халқ сўзи. 1999.-15 июль.

Туленова Г. Ёшларни мафкуравий тажовузлардан ҳимоя қилиш йўллари //Халқ таълими. -2001. 2-сон. 4-8-б.

Халилова Ш. "Келажак тонги"нинг келажаги: Ёш авлодга миллий истиқлол мафкурасини сингдириш ҳақида //Бошланғич таълим 2000. 5-сон. 4-5-б.

ИЛЛЮСТРАЦИЯЛАР:

Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида, -Т.: "Ўзбекистон", 1998.- 480 б. (расмли)

Аёлга эҳтиром: Тўплам. //Таҳрир ҳайъати Р.Шоғуломов, М.М.Дўст, Х.Султонов ва бошқ. -Т.: "Ўзбекистон", 1999. -320 б. (расмли)

O'zbekiston - jonajon diyor. -Т.: Ёзувчи, 2001. 63 б.

Ўзбекистон болалари санъати - 2000. - Т.: "Ўқитувчи", 1999. 63 б.

Альбом-каталог

Тузувчи М. ГАПАРОВА

КИТОБЛАРНИНГ ИЛЛЮСТРАТИВ КЎРГАЗМАЛАРИ

(услубий-библиографик тавсиялар)

Мактаб кутубхонасининг оммалашган иш шакллари орасида китоб-иллюстратив кўргазмалар ҳам ажралиб туради. Ушбу услубий-библиограф тавсиялар ёрдамида тўлақонли китоб-иллюстратив кўргазмаларни ташкил этиш жараёнларига, уларнинг турларига доир тажрибалар билан ўртоқлашиш мақсад қилиб қўйилди.

Аудио ва видео қурилмалар болаларга манзур бўлаётган ҳозирги шароитда уларда китобга бўлган қизиқишни тарбиялашни қандай амалга ошириш мумкин?

Ёш китобхонлар китобга ўз қалбларини очишлари учун иштиёқ, чидам, қизиқувчанлик билан уларда борлиқни идрок этишга бўлган интилишни туғдириш лозим бўлади. Кутубхоначилар ва китобхонлар ўртасида ишонч ришталари боғлансагина кутилган натижага эришилади. Миллий дастур — амалда: Гулистондаги академик лицей фаолияти // Маърифат. -2000. 11 январь.

Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: "Ўзбекистон", 2000. - 352 б.

Мактаб кутубхонасининг оммалашган иш шакллари орасида китоб-иллюстратив кўргазмалар ҳам ажралиб туради. Ушбу услубий-библиограф тавсиялар ёрдамида тўлақонли китоб-иллюстратив кўргазмаларни ташкил этиш жараёнларига, уларнинг турларига доир тажрибалар билан ўртоқлашиш мақсад қилиб қўйилди.

Аудио ва видео қурилмалар болаларга манзур бўлаётган ҳозирги шароитда уларда китобга бўлган қизиқишни тарбиялашни қандай амалга ошириш мумкин?

Ёш китобхонлар китобга ўз қалбларини очишлари учун иштиёқ, чидам, қизиқувчанлик билан уларда борлиқни идрок этишга бўлган интилишни туғдириш лозим бўлади. Кутубхоначилар ва китобхонлар ўртасида ишонч ришталари боғлансагина кутилган натижага эришилади. Миллий дастур — амалда: Гулистондаги академик лицей фаолияти // Маърифат. -2000. 11 январь.

Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: "Ўзбекистон", 2000. - 352 б.

Чунончи, мулоқот кўргазмасини ташкил этиш олдинга қўйилган мақсаддан бошланади. Исталган барча кўргазмалар учун хос бўлгани каби энг яхши адабиётларни танлаш муҳимдир. Мулоқот кўргазмаси адабиётларни янада чуқурроқ идрок этишга хизмат қилмоғи даркор. Кўргазманинг барча компонентлари, яъни номланиши, нашрлар доираси, китобхонга мурожаати; ижодий топшириқлар, танловлар, викториналар, кроссвордлар, китобхонлар тақризлари учун ажратилган жойлар ана шу мақсадга қаратилган бўлиши керак.

Китобхонлар билан мулоқотни кўргазма ташкилотчиси бўлган кутубхоначи олиб боради. Бунга ўқувчиларни тайёрлаш учун қуйидаги фаолият турларидан, жумладан:

— ўқувчиларнинг кутубхоналар тўғрисида фикрлаш кўникмасини ўстириш лозим. Қуйида кўргазмаларнинг айрим кўринишларини тайёрлаш услублари тўғрисида фикр юритилади.

Чунончи, мулоқот кўргазмасини ташкил этиш олдинга қўйилган мақсаддан бошланади. Исталган барча кўргазмалар учун хос бўлгани каби энг яхши адабиётларни танлаш муҳимдир. Мулоқот кўргазмаси адабиётларни янада чуқурроқ идрок этишга хизмат қилмоғи даркор. Кўргазманинг барча компонентлари, яъни номланиши, нашрлар доираси, китобхонга мурожаати; ижодий топшириқлар, танловлар, викториналар, кроссвордлар, китобхонлар тақризлари учун ажратилган жойлар ана шу мақсадга қаратилган бўлиши керак.

Китобхонлар билан мулоқотни кўргазма ташкилотчиси бўлган кутубхоначи олиб боради. Бунга ўқувчиларни тайёрлаш учун қуйидаги фаолият турларидан, жумладан:

— ўқувчиларнинг кутубхоналар ҳақида ўз ўрнини эгаллаб олишига билвосита кўмаклашади. Шу боис ҳар бир мактаб жамоасининг ўқитувчилари ва кутубхоначилари ўқувчиларни мактаб кутубхонасидан мунтазам равишда фойдаланишга ўргатиши лозим.

Вилоятимизда ҳар ўқув йили давомида икки марта шу масалага бағишланган семинар-кенгаш ўтказиш аньанага айланиб бораётганлигини таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари Фарғона вилоятининг мактабларида ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашдаги ноаньанавий усулмактаб ижара тизимини қўллаш бўйича тўпланган тажриба Халқ таълими вазирлигининг ҳайъат йиғилишида барча вилоятларда оммалаштиришга тавсия этилгани ютуқларимиздан бири деб хисоблаймиз. Ҳозирги вақтда давлат томонидан ижарага берилаётган дарсликлардан ташқари, ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда дарслик жамғармаси кўпайтирилиб, дарсликлар ўқувчилар-бошқаларига услубий ёрдам кўрсатилади. Ўз навбатида бундай тадбирлар мактаб кутубхоналари фаолиятини янада яхшилашга ёрдам беради.

Маълумки, вилоятимизда ўқувчилар ўртасида китобни тарғиб қилиш мақсадида етти йилдан бўён ўтказиб келинаётган "Китобсеварлар" кўрик-танлови 1997 йилдан бери, мамлакатимиз миқёсида ўтказиб келинмоқда. Вилоятимиз ўқувчиларининг Республика кўрик-танловида уч марта биринчи ва бир марта иккинчи ўринни олганлигини ҳеч иккиланмай меҳнатимиз самараси, деб оламиз.

Хуллас, янги 2003 йилда ҳам баён этилган ишларни давом эттирган ҳолда, педагогик кутубхоналар ассоциацияси фаолиятининг ривожланишига хисса қўшиш, шаҳар ва туманларда китоб марафони ўтказишни ҳамда халқ таълими бўлимлари методика кабинетлари кутубхонасини Низом асосида ташкил этишни режалаштирганмиз.

Ҳ.НИЁЗОВА,
Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси мутахассиси, халқ таълими аълочиси

МАЪНАВИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Мактабимизда ўзига хос бир анъана шаклланиб келаётир: ҳар ойнинг маълум кунида вилоят педагог ходимлари малакасини ошириш институти тингловчилари мактабимиз кутубхонасига келиб, тажриба алмашиб кетишади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки зиё маскани айни пайтда вилоят кутубхоналари учун ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтамоқда. Негаки, кутубхонамиз "Йилнинг энг яхши кутубхонаси" кўрик-танловининг 2001 йилги республика босқичида фахрли иккинчи ўринни эгаллагани шундай дейишимизга асос бўлади.

Мактабимиз ўз фаолиятини 1998 йилда бошлаган бўлса-да, кутубхонамиз қисқа вақт мобайнида бир қанча айтишга арзигулик ютуқларни қўлга киритди. Албатта бунинг замирида изланиш, мактаб маъмурияти, давлат ёки жамоат ташкилотлари ҳамда ота-оналар билан ҳамкорлик қилишдаги ёй тажриба ётади.

Маълумки, вилоят ҳокимининг тегишли қарори билан Бухорода ҳар ойнинг учинчи душанбаси "Мактаб куни" деб эълон қилинган. Бу тадбир мактаб маъмуморларини ҳал этиш, жумладан қутубхона фондини тўлдиришда ҳам анчагина қўл келаётир. Натижада шаҳар ХТБ ва ҳомий ташкилотлар қўмагида китоблар билан бойияпти. Бундан ташқари, мактабларда китоб тўплаш ойлиги эълон қилинганки, синфлараро танлов ўтказилиб, унда энг кўп китоб тўплаб, кутубхонага топширган синф маънавий рағбатлантирилиб борилмоқда. Умуман, бу тадбирнинг самараси катта бўлаяпти. Чунончи, бугунги кунда ота-оналар ёрдами билан фондимиздан 1227 та бадиий китоб ўрин олди.

Албатта ҳар қандай иш режа асосида олиб борилади. Бизнинг режамиз ҳам мактаб кутубхонаси кенгашида қўриб чиқилиб, тасдиқлангач, амалга оширишга киришилади.

Кутубхонамиз иш режаси китобхон ўқитувчиларга хизмат кўрсатиш, оммавий тадбирлар, китоб фондини комплектлаш, маълумотнома-библиографик ва ахборот ишлари, ота-оналар билан ҳамкорлик, ташкилий ишлар каби саккиз қисмга бўлинган ва шу асосда фаолият юритади.

"Тил барҳаёт экан, яшайди миллат" мавзусидаги давра суҳбати, Туқимачилик тумани ХТБ маънавият ва маърифат ишлари бўйича услубчиси Х.Холов билан ҳамкорликда ўтказилган "Ҳадисхонлик" танловларининг ўтказилиши ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Дарвоқе, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги ҳам одат тусини олган. Чунончи, "Қариялари мактаб қадрлаш йили"га бағишлаб ташкил этилган тадбирларга маҳалларда яшовчи уруш ва меҳнат фахрийларининг таклиф этилиши ва уларнинг ўз ҳаёт тажрибаларидан сўзлаб бериши ўқувчилар учун фойдали бўлаяпти, деб ўйлаймиз.

Шу ўринда кутубхонамиздаги мавжуд китоб кўргазмалари ҳақида ҳам айтиб ўтиш жоиз. Масалан, "Адолат ва қудрат тимсоли" деб аталган кўргазмамиз буюк бобокалонимиз Амир Темурга бағишланган булиб, унда Президент Ислом Каримовнинг "Амир Темур ҳақида сўз" китоби, шунингдек, соҳибқирон ҳаётига оид нодир тарихий асарлар ўрин олган. "Озод олам истаган сиймо" (А.Навоий ҳаёти ва ижоди хусусида), "Президентимиз асарлари фаолиятимиз дастури", "Жаҳон назари тушган шаҳар" (Бухоро шаҳрига оид) деб номланган жами ундан ортиқ кўргазма китобхонларимиз маънавий эҳтиёжини қондириш ва улар билимини мустаҳкамлашда қўл келаётир.

Хулоса қилиб айтганда, кутубхонамизнинг чинакам зиё масканига айланган биз учун шараф эканини эътироф этган ҳолда тўплаган тажрибамиз янада оммалаштирилаётганини таъкидлаш ўринлидир.

Мунира САИДОВА,
Бухоро шаҳридаги 12-мактаб кутубхоначиси

МАКТАБ КУТУБХОНАСИ: КЕЛАЖАК ДАРСХОНАСИ

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама етук бўлиб етишиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилганки, буни келажак эгаларига бўлган ғамхўрликнинг ифодаси дейиш мумкин. Ўқувчиларга таълимтарбия бериш, улар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, уларни халқимизнинг урф-одатлари, аньаналари, тарихий ва маънавий меросига ҳурмат руҳида тарбиялашда мактаб кутубхоналарининг ўрни беқиёсдир. Китоб ўқувчини мустақил фикрлашга, содир бўлаётган воқеа-ходисаларни таҳлил қилишга, баҳолашга ўргатади, уни билимлар билан қуроллантиради. Қолаверса, боланинг улғайиб, ҳаётда ўз ўрнини эгаллай олишига билвосита кўмаклашади. Шу боис ҳар бир мактаб жамоасининг ўқитувчилари ва кутубхоначилари ўқувчиларни мактаб кутубхонасидан мунтазам равишда фойдаланишга ўргатиши лозим.

Вилоятимизда ҳар ўқув йили давомида икки марта шу масалага бағишланган семинар-кенгаш ўтказиш аньанага айланиб бораётганлигини таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари Фарғона вилоятининг мактабларида ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашдаги ноаньанавий усулмактаб ижара тизимини қўллаш бўйича тўпланган тажриба Халқ таълими вазирлигининг ҳайъат йиғилишида барча вилоятларда оммалаштиришга тавсия этилгани ютуқларимиздан бири деб хисоблаймиз. Ҳозирги вақтда давлат томонидан ижарага берилаётган дарсликлардан ташқари, ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда дарслик жамғармаси кўпайтирилиб, дарсликлар ўқувчилар-бошқаларига услубий ёрдам кўрсатилади. Ўз навбатида бундай тадбирлар мактаб кутубхоналари фаолиятини янада яхшилашга ёрдам беради.

Маълумки, вилоятимизда ўқувчилар ўртасида китобни тарғиб қилиш мақсадида етти йилдан бўён ўтказиб келинаётган "Китобсеварлар" кўрик-танлови 1997 йилдан бери, мамлакатимиз миқёсида ўтказиб келинмоқда. Вилоятимиз ўқувчиларининг Республика кўрик-танловида уч марта биринчи ва бир марта иккинчи ўринни олганлигини ҳеч иккиланмай меҳнатимиз самараси, деб оламиз.

Хуллас, янги 2003 йилда ҳам баён этилган ишларни давом эттирган ҳолда, педагогик кутубхоналар ассоциацияси фаолиятининг ривожланишига хисса қўшиш, шаҳар ва туманларда китоб марафони ўтказишни ҳамда халқ таълими бўлимлари методика кабинетлари кутубхонасини Низом асосида ташкил этишни режалаштирганмиз.

Ҳ.НИЁЗОВА,
Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси мутахассиси, халқ таълими аълочиси

КЎРГАЗМАЛАРНИНГ НАМУНАВИЙ КЎРИНИШЛАРИ

Институт сўнгги йилларда том маънода маънавий-маърифий жараёнларнинг марказига айланди.

Rektor minbari

ДУНЁНИ ЖАҲОЛАТДАН ҚУТҚАРАДИГАН КУЧ

Азиз ТЎРАЕВ,
Тошкент давлат маданият институти ректори



Сўнгги йиллар мобайнида маънавият ва маърифат масалалари давлатимизнинг устувор сиёсати даражасига кўтарилди. Бу бежиз эмас, албатта. Янги давлат ва жамият барпо қилиш йўлида халқимизнинг уйғоқлиги, ташаббускорлиги ва интилишларини ривожлантириш мақсадида — миллий истиқлол ғояси шакллантирилди.

Таъкидлаш ўринлики, Иттифоқ даврида асосий вазифаси мустабид мафкурани тарғиб-ташвиқ қилиш, уни кенг ёйиш ҳисобланган бир қатор таълим муассасалари ҳам янги давр ва шароитда ўзгача руҳ, мақсад ва ҳаракат йўлида фаолият кўрсатиши лозим эди. Ана шуни теран англаган ҳолда Тошкент давлат маданият институти ҳам ўз фаолиятини янги замон руҳида тубдан янгилади. Институт сўнгги йилларда том маънода маънавий-маърифий жараёнларнинг марказига айланди. Ўзбек халқи миллий маданиятини ривожлантириш, йўқолиб бораётган анъана ва урф-одатларимиз, халқ бадиий ижодиётини қайта тиклаш ва уни ривожлантириш, мусиқа, қўшиқчилик санъатини бойитиш борасида катта изланишлар, амалий тадбирлар олиб борилмоқда. Биргина сўнгги 3 йил мобайнида институтда республика аҳамиятига молик 70 дан зиёд турли йирик маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Институтимиз ижтимоий нуфузининг ортишига мамлакатимиз раҳбарининг 1996 йил сентябрдаги "Маънавият ва маърифат жамоатчилик Маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Фармони янада кенг имкониятлар яратди. Мазкур Фармон қабул қилингач, унда белгиланган асосий вазифалар доирасида ўқув жараёнида туб ўзгаришлар содир бўлди ва кейинги икки-уч йил мобайнида тўртта янги факультет ташкил қилинди.

Бугунги кунда институт профессор-ўқитувчилари бўлғуси маданият ходимларини Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларда миллий истиқлол ғоясига юксак садоқатни шакллантириш бўйича иш олиб бормоқдалар.

Институт педагогик жамоаси ўтган қарийб 30 йиллик тарихий давр мобайнида республикамизнинг маданият ва санъат муассасаларида фаолият кўрсатувчи 19 минг 300 нафардан зиёд малакали мутахассислар етиштирди. Бугунги кунда олий даргоҳнинг 6 та факультети — халқ бадиий ижодиёти, ижтимоий-маданий фаолият, кутубхона ахборот фаолиятини бошқарув, касбий-педагогик тайёргарлик, сиртқи маданияттшунослик ва маданият ходимларининг малакасини ошириш факультетларида 1500 га яқин талаба 13 та мутахассислик бўйича билим олмоқда.1999-2001ўқув йилларида Давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари қайта ишлаб чиқилиб, ўқув жараёнига татбиқ этилди. Ўтган ўқув йилидан бошлаб эса, магистратура бўлими ташкил этилди.

Институтда 170 дан ортиқ профессор-ўқитувчи талабаларга билим бермоқда. Шулардан 15 нафари профессор, 55 нафари доцент, 100 дан зиёди эса тажрибали ўқитувчилардир.

Кейинги йилларда ўқув жараёнини автоматлаштириш ишига катта эътибор берилмоқда. 3 та компьютер синфи, овоз ёзиш студияси, лингафон хонаси ишламоқда. Институт кутубхонаси интернет тизимига уланган бўлиб, аълочи талабаларга интернетдан бепул фойдаланиш имконияти яратилган. Шунингдек, 60 мингдан ортиқ турли мавзулардаги ўқув адабиётларига эга кутубхона ҳам уларга хизмат кўрсатмоқда.

Профессор-ўқитувчилар фаолиятида илмий-тадқиқот ишлари муҳим ўринни эгаллайди. Республика Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон маданиятининг ҳозирги аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболлари" мавзуидаги мажмуавий иш мавзуси ўқув юртидаги профессор-ўқитувчиларни ягона мақсад йўлида бирлаштирган. Айни пайтда кафедралар бўйича 14 та локал илмий-тадқиқот мавзулари бўйича иш олиб борилмоқда. Ўқув юртида талабалар ва магистрантларнинг илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳозирда 14 та талабалар илмий тўгараги фаолият кўрсатмоқда. Уларга 400 дан зиёд йигит-қиз жалб этилган.

Сўнгги йилларда маънавий-маърифий ишларнинг моддий базаси ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Абдулла Қодирий музейи, шунингдек, институт тарихини акс эттирган музей, Конституцияни ўрганиш ва мамлакатимизнинг истиқлол йилларида эришган ютуқларини тарғиб қилиш хоналари ташкил этилиб, бугунги кунда самарали фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, талабаларимизнинг "Туғён" театр-студиясининг нуфузи ҳам тобора ортиб бормоқда. Яқинда ташкил этилган радиомарказ ҳам талабаларнинг ижтимоий-маданий фаоллигини оширишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. "Ғоямиз — ҳимоямиз" деб номланган адабий-бадиий, мафкуравий дастур эса республикамизда миллий истиқлол ғоясини тарғиб этишнинг ўзига хос усули бўла олади.

Бадиий-ижодий соҳада ташкил этилаётган кўплаб тадбирлар, хусусан, "Мустақиллик" ва "Наврўз" байрамлари, "Умид ниҳоллари", "Тарона", "Шарқ тароналари", "Ўзбекистон — Ватаним маним", "Бойсун баҳори" каби адабий-бадиий, ижодий тадбирларда институт профессор-ўқитувчилари, талабалари фаол иштирок этмоқдалар.

Ўтган 2002 йилда институтнинг ҳар бир факультетида ўзига хос янгиликлар содир бўлди. Халқ бадиий ижодиёти факультетида бадиий жамоалар ва республикамизнинг турли маданий-маърифий муассасалари учун мутахассис-кадрлар, жумладан, "Халқ театрига раҳбарлик", "Оммавий байрамлар режиссёри", "Ҳаваскорлик рақс жамоалари раҳбари", "Ҳаваскорлик пуфлама созлар оркестри раҳбари", "Кўп овозли куйлаш жамоалари раҳбари" каби ихтисосликлар бўйича олий маълумотга эга мутахассислар тайёрланади. Факультет таркибида халқ ашула ва рақс ансамблига раҳбарлик, халқ ижодиёти, вокал жамоаларига раҳбарлик, чолғу жамоаларига раҳбарлик, режиссура, санъат тарихи ва назарияси кафедралари ишламоқда.

Ўтган йилда факультет профессор-ўқитувчилари томонидан бир қанча ўқув қўлланмалари — "Созлар садоси", "Фольклор-этнография жамолари услубиёти", "Халқ ижодиёти", "Ўзбекистон қўшиқчилик санъати тарихи масалаларига доир" китоблар тайёрланиб, нашр қилинди. Шунингдек, факультет талабаларидан бири "Навоий" стипендиясига сазовор бўлганлиги ҳам биз учун қувонарли воқеадир.

Иститутимизнинг ижтимоий-маданий фаолият факультети1999 йилда ташкил қилинган. Ҳозирги кунда 200 нафар талаба таҳсил олаётган факультетда маънавият ва маърифат тарғиботчилари, маданий дам олиш ташкилотчилари, маданият соҳаси менежерлари ва шу соҳа социологлари тайёрланмоқда. "Кадрияттшунослик", "Этномаданият" фанлари ушбу факультет талабаларининг бу соҳада республикадаги етакчи мутахассислар бўлиб етишишига кўмак бермоқда.

2002 йил мазкур факультетдаги энг муҳим янгилик 3-курс талабаси Мадина Алимованинг Манила шаҳрида бўлиб ўтган теннис бўйича Осиё чемпионатида фахрли учинчи ўринни эгаллаганлиги бўлди, десак муболаға бўлмайди. Шунингдек, ушбу талаба Тошкентда бўлиб ўтаётган аёллар ўртасидаги халқаро теннис мусобақаларида ҳам ҳакамлик вазифасини бажармоқда.

Охирги пайтларда республикамиздаги кўпгина кутубхоналар тўлиқ компьютерлаштирилмоқда. Демак, бу борадаги янгиликларга ҳозиржавоблик билан жавоб берадиган, энг сўнгги ахборот технологияларини мукаммал ўзлаштирган мутахассисларга бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам катта. Ушбу соҳага мутахассислар етказиб берувчи факультет олдига бугунги давр ҳам улкан талаблар қўймоқда. Кутубхона-ахборот фаолиятини бошқарув дея номланган ушбу факультетда 4 та кафедра — "Кутубхонашунослик", "Библиография", "Кутубхона фондлари ва каталоглари", "Техник воситалари, информатика ва ҲЗТА" ташкил қилинди.

2002 йилда факультет профессор-ўқитувчилари ва талабаларидан бир қанчаси турли грант ва жамғармалар кўмагида халқаро ва минтақавий анжуманларда фаол иштирок этдилар. Бунинг натижаси ўлароқ, ўқув жараёнини такомиллаштириш, янги ахборот технологияларини қўллаш, хориж тажрибасини ўрганиш ишлари яхшиланди. Булардан ташқари, факультетнинг бир қанча олимлари Олий Мажлиснинг "Кутубхоначилик иши тўғрисида"ги қонуни ҳамда "Республикада кутубхоналар фаолиятини ташкил этиш ва 2003-2008 йилларда уни ривожлантириш концепцияси" лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳам қатнашдилар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг негизида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш мақсадлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Ҳозирда республикамизда 6 та маданият коллежи, бир неча санъат билим юртлари, лицейлар ишламоқда. Келажакда ушбу коллеж ва лицейлар сони янада ортиб боради.

Бу соҳадаги касбий-педагогик таълимнинг асосий мақсади — ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, муҳим таълим йўналишлари ва касблар бўйича фундаментал, умумижтимоий ва махсус касбий тайёргарликни ташкил қила оладиган педагог-кадрларни тайёрлаш ҳисобланади. Маданият соҳасидаги таълим тизимининг ушбу тури учун кадрлар тайёрлаш мақсадида институтимизда 2001 йилда махсус факультетга асос солинди ва унда касбий-педагогик таълим дастури асосида маданият коллежлари, санъат ва педагогика билим юртлари, маданият ва санъат лицейлари, ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари учун маданияттшунос-педагоглар тайёрланмоқда. Ҳозирда ушбу факультетда 134 нафар талаба таҳсил олмоқда ва жорий ўқув йилида унинг илк бакалаврлари катта ҳаётга йўлланма оладилар.

Бундан ташқари, савдо, саноат, банк, молия, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан уларнинг амалий билимларини бойитиш бўйича шартномалар тузилган.

ЧОРРАҲАДАН ТЎҒРИ ЙЎЛГА

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланганидек, ёшларнинг касб-ҳунар ўрганиши, бирор бир соҳа йўналишини танлаши ва ўзига сингдириши бугунги куннинг долзарб вазифаларидан. Илм-маърифат булоғидан баҳраманд бўлиш, ҳунар эгаллаш айни балоғат палласидаги йигит-қизларнинг келажакдаги йўлини чароғон айлайди. Бу борада ҳукуматимиз томонидан бир қанча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Зотан, бугун ўрта умумий таълимдан кейин ёшларнинг бир қисми ўқишни яна давом эттиришса, бошқалари ҳунар ўрганиш, уни элу юрт равнақи учун сарфлаш йўлини танлайдилар. Бу йўналиш фарзандларимизнинг эртанги ёруғ ва фаровон турмуш сари интилишлари, мустақил ҳаётга тайёрланишларида муҳим пойдевордир. Шу мақсадда таълимдаги асосий урғу ЎМКҲТ тизимига берилаётгани ҳам бежиз эмас. Зеро, бугунги ёшлар илмли бўлиши билан бирга ҳунарли бўлмоғи ҳам даркор. Биз педагогларнинг вазифамиз эса уларни мустаҳкам илму-ҳунар соҳиблари қилиб тарбиялашга қаратилгандир. Бу борада бизнинг Қорақалпоқ иқтисодиёт ва тадбиркорлик коллежимизда ҳам анча самарали ишлар кўзга ташланмоқда.

Таълим масканимиз дастлаб 1971 йилда Тахиатош савдо иқтисодиёт техникуми сифатида ташкил топган. 1995 йил Қорақалпоқ иқтисодиёт ва тадбиркорлик коллежи бўлиб қайта номланди. Бугунги кунда бу ерда 10 та мутахассислик бўйича малакали кадрлар тайёрлаш борасида тинимсиз фаолият олиб борилмоқда. Коллежимизда 1565 нафар ўқувчи (шулардан 1137 нафари кундузги, 428 нафари сиртқи бўлимда) билим олишмоқда. Уларга 97 нафар малакали ўқитувчилар дарс бермоқда. Ўқувчи-ёшларнинг ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб вояга етишишларида педагог-муҳандисларимизнинг билим бериш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, талабчанлиги ва изланувчанлиги қўл келмоқда.

Ҳа, қайсики юмушнинг кўнгилдагидек бажарилиши, амалга оширилиши учун аввало ундаги шароитларнинг сифат кўрсаткичи юқори бўлмоғи лозим. Шу жиҳатдан ҳар бир таълим муассасасида бўлгани каби, бизнинг коллежимиздаги мавжуд 57 та ўқув хонасининг мунтазам ишлаб турганлиги талабаларимизнинг мақсадли таълим-тарбияга эга бўлишларидаги дастлабки воситадир. Ундаги 4 та компьютер хонаси, химия ва физика лабораториялари доимий равишда ўқувчилар ихтиёридадир.40 ўринли қироатхонага эга бўлган кутубхона ҳам ишлаб турибди. Ундаги умумий китоблар жамғармаси 31235 дона бўлиб, шулардан 19202 донаси дарслик ва ўқув қўлланмаларидир. Педагогик жамоа томонидан 39 та махсус фан бўйича тайёрланган 126 дона маъруза матнлари ҳам мавжудки, улардан ўқувчиларимиз доимий фойдаланишади. Коллежимизда ўқитувчилар ва ўқувчилар учун маиший хизмат кўрсатиш мажмуи ҳам ташкил қилинган: кийим тикиш цехи, сартарошхона, суратхона ва пойафзал устахоналари ишлаб турибди. Булар талабаларга хизмат кўрсатишдан ташқари таълим муассасаси учун бюджетдан ташқари маблағ ҳам келтиради. Шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчилар, ишчи-хизматчилар учун тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида шифокорлар хонаси ҳам ташкил қилинган. Физиотерапия, стоматология, муолажа хонаси доим улар учун шай.

Маълумки, коллежимизда вилоятлардан ва туманлардан келиб таълим оладиганлар кўпчиликни ташкил этади. Улар 200 ўринли ётоқхона билан таъминланган. У ҳам ўқувчилар эҳтиёжидан келиб чиқиб, турли асбоб-анжомлар, керакли воситалар билан жиҳозланган. Бундан ташқари,220 ўринли ошхонада миллий ва бошқа хил таомлар тайёрланади. 16 ўринли иккита буфет ҳам улар хизматида.

Бу ерда тайёрланадиган турли мутахассисликлар бўйича давлат таълим стандартлари ва улар асосида яратилган ўқув режа ва дастурлари бўйича таълим жараёни ташкил этилган.



Ўтган ўқув йили давомида 42 нафар ўқитувчи доимий малака ошириш курсларида қатнашиб, ўз тажрибаларини бойитдилар. Бугунгача эса 52 нафар педагог кадрларимиз умумтаълим ва махсус фанлар бўйича малакаларини оширганлар.

Коллеж ўқувчиларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун умумтаълим ва махсус фанлар бўйича турли тўгараклар ҳам ташкил қилинган. Уларда ўқувчилар ўз хоҳишистаклари ва имкониятларини тўлиқ намоён этишига қўшимча шарт-шароит мавжуд. Бу эса уларнинг келгусида касбий кўникмалари ошишига хизмат қилмоқда. Ўқувчиларимизнинг информатика ва қорақалпоқ тили ва адабиёти фанлари бўйича биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланма олишгани ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Спортнинг тўққиз тури бўйича тўгараклар ишлаб турибди. Ўқувчиларимиз "Баркамол авлод - 2003" спорт ўйинларининг иккинчи босқичида волейбол, баскетбол, кураш, стол тенниси бўйича биринчи ўринни эгаллаб, кейинги босқичга йўл олиб туришибди. Умуман олганда, бу каби тўгарак машқларидан ўқувчи-ёшларимиз эришаётган кўрсаткичлар ёмон эмас.

Ўқувчиларимиз олаётган назарий билимларни янада мукаммаллаштиришлари учун амалий машғулотлар ҳам яхши ташкил қилинган. Улар асосан коллеж ёнидаги "Ансунгул" корхонасида амалиёт ўташади. Бундан ташқари, савдо, саноат, банк, молия, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан уларнинг амалий билимларини бойитиш бўйича шартномалар тузилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда коллежимизнинг педагогик жамоаси ўқувчиларимизнинг имкониятига хос, уларнинг дунёқарашлари даражасига мўлжалланган ҳолда фаолият олиб боришмоқда. Бу ердаги шарт-шароитларнинг етарли эканлиги бизни қувонтиради. Республикамиздаги етук касб-ҳунар коллежлари қатори бизнинг билим масканимизнинг ҳам ўз ўрни ва нуфузи борлигини эътироф этиш мумкин.

Ж. МАТЧАНОВ,
Қорақалпоқ иқтисодиёт ва тадбиркорлик коллежи директори

Kasb-hunar kollejlarida

МАЪНАВИЯТ ЁШЛАР ШУУРИНИ ЧАРОҒОН АЙЛАГАЙ

Таълим муассасамизнинг маънавият ва маърифат соҳасидаги ютуқлари алоҳида таҳсинга сазовор, дейиш мумкин. Негаки, бу йўналишда доимий режа асосида иш олиб борилади. Бу ерда турли вилоят ва туманлардан илм истаб келиб ўқийдиган келажаги порлоқ ёшлар учун етарли шарт-шароитлар мавжуд. Уларни биринчи навбатда ётоқхона билан таъминлаб, уни керакли асбоб-анжомлар билан бойитишга эришганмиз. Ҳозирда 160 нафар ўқувчи-ёшлар ётоқхонага жойлаштирилган. Шунингдек, Хўжайли туманидаги меҳрибонлик уйида тарбияланганларнинг ҳам аксарияти коллежимизга қабул қилиниб, улар ётоқхона ва бепул овқат билан таъминланган. Жамоамиз билан келишган ҳолда, имкони борича айни кам таъминланган, моддий ночор талабалардан мададимизни аямаймиз. Зотан, бу дунёда бировларга яхшилик қилиш, меҳр-оқибат кўрсатишни бош шиор қилиб танлаганмиз.



Маънавият ва маърифат маркази билан биргаликда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда хотин-қизлар кенгаши биргаликда фаолият олиб боради. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳафтанинг ҳар душанба ва чоршанба кунлари маънавият дарси ўтказилади. Уни гуруҳ раҳбарлари қизиқарли, ҳаётий мисоллар орқали, содда шаклда олиб борадилар. Бундан ёшларнинг маънавий савияси, дунёқарашининг юқори даражада шаклланиб, келгусида иш жараёнидами ёки одамлар билан мулоқот чоғидами ўз ўрнини эгаллаб олишлари кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари ҳар ойда ички ишлар ходимлари ва шифокорлар билан мулоқотлар ўтказилиб турилиши ҳам ўқувчиларнинг мақсадли таълим-тарбия олишларида пойдевор бўлмоқда. Бу каби тадбирлар албатта пухта тузилган режа асосида ўтказилади. Поёнига етаётган Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан Тахиатош шаҳрининг бир гуруҳ нуроний отахон ва онахонлари билан қизғин тарзда кечган учрашув ҳам улар қалбида меҳр-муҳаббат ҳиссининг ортишига сабаб бўлди, десак муболаға бўлмайди. Шунингдек, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 13 йиллиги муносабати билан, қолаверса, "XXI аср — ёшлар асри", "Сени улуғлаймиз, азиз Ватан" каби маънавий аҳамияти юксак тадбирларнинг ўтказилиши ҳам билимга чанқоқ ёшлар онгининг мустаҳкам шаклланишида асосий таянч бўлмоқда. Ўқувчиларимиз бу каби тадбирларда ҳам қатнашиб фахрли ўринларни қўлга киритмоқда. Масалан, ўтган ўқув йилида Жиззахда ўтказилган "Сиз қонунни биласизми?" республика кўрик-танловида коллежимизнинг "ЖТС" (жасларди тартипке сальу) жамоаси биринчи ўринни эгаллаб қайтишди. Бу ҳам ёшларнинг илм олишга бўлган иштиёқи ҳамда устозларнинг беминнат сабоғи самарасидир.

Айни дамларда янги йил муносабати билан байрам дастурига қизғин тайёргарлик ишлари авж олган. Шунингдек, Андижон шаҳрида ўтказиладиган "Баркамол авлод - 2003" республика спорт мусобақаларига ҳам жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Умид қиламизки, бу ўйинларда ҳам ўқувчиларимиз муваффақиятли иштирок этишиб, совринли ўринларни олиб қайтишади.

Асия МЕДЕТОВА,
маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосар

Чунки синфхонада ўтирган турли феъл-атвордаги ўғил-қизларга муносиб равишда муомала қилиш орқалигина кўзланган мақсадга эришилишини устоз аҳли яхши билишади.

Қутлов

Доно халқимиз таърифига кўра, вақт оқар дарё. Мана, яқиндагина кутиб олганимиз — XXI асрнинг иккинчи йилини ҳам ортда қолдирдик. Албатта, бир йилни кузатиб, янгисини кутиб олар паллада кишиларнинг юрагидаги самимий тилак ва истаклар жўшиб, тилга чиқади.

Биз ҳам Ўзбекистон халқини, унинг маърифатпарвар кишиларини саноқли кунлардан сўнг ташриф буюраётган янги 2003 йил билан самимий табриклаймиз. Кундек равшанки,ўзини маърифатпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши мукаммал шахсни орзу қилади. Зеро, улуғ аллома Абдулла Авлоний таъкидлайдики, "Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё садоқат, ё фалокат масаласидир".

Ёш авлод камолоти йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз, интилиш ва орзуларимиз халқимиз манфаатларига нақадар мос тушишини унутмайлик! Шу эзгу ният йўлида сиз азизларга кўнгил хотиржамлигини, оилавий бахт-иқболни, туман бойлик—соғлиқни, мустаҳкам иродани тилаймиз.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТИ ПЕДАГОГИК ЖАМОАСИ

Qariyalar — faxrimiz

БИР КАМ САКСОНДА ҲАМ НОТИНЧ ҚАЛБ

Инсон ўз умри давомида эзгу ишлар қилишга интилади. Бундай инсонлар орамизда кўп. Ана шундай инсонлардан бири Ғани ҳожи Алиев ва унинг рафиқалари Моҳиталъат аялардир. Ғани ака ўз рафиқаси билан 6 ўғил, 2 қизни тарбиялаб катта қилди.

У киши эзгу хислатлари билан биз шогирдлар наздида буюк инсондир. Ғани аканинг болалиги енгил кечмаган. Ўша даврларда ноҳақлик авж олган эди. Ёш йигит ақлҳушини йиғиб, илму маърифат олишга интилди. Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, ҳамма тенгдошлари қатори урушга отланди. Қанча шаҳарқишлоқларни душмандан озод қилиб, 1946 йил февраль ойида ёруғ юз билан Ватанига қайтди.

Қайтганидан сўнг бекор юрмай ишга кирди, кейинроқ эса Тошкент Давлат чет тиллар институтига ўқишга кириб, инглиз тилидан сабоқ олди. Олий ўқув юртини муваффақиятли тугаллаб, ҳам мактабда, ҳам "Ўқитувчи" нашриётининг чет тиллар таҳририятида узоқ йиллар ишлади. Бир неча ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар ёзди.

Баркамол инсон бўлса, шунчалик бўлар. Бир кам саксон ёшларида ҳам тетик, бардам Ғани ака ҳамон меҳнатдан ўзини четга тортгани йўқ. У киши Тошкент шаҳар ҳокимиятининг "Ишлатувчи" ишлаб чиқариш давлат унитар корхонаси қошидаги таржимонлик бўлими бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Юзлаб китобларни таржима қилишда ҳормай-толмай меҳнат қилаётган улуғ инсон Ғани ака ва у кишининг жуфти ҳалоллари Моҳиталъат аяларни кўрганлар: "Илоё, биз ҳам шу олижаноб инсонларга ўхшайлик", деб ният қиладилар.

Ҳа, яхшиларга ёндашиш яхши хислат. Биз ҳам кўп йиллардан бери бу пиру бадавлат инсонларни тавоф қилиб, шулар изидан бораяпмиз.

Кириб келаётган янги 2003 йилда биз Ғани ҳожи отанинг янада бардам-бақувват бўлишларини, ажойиб оилаларига узоқ йиллар бош бўлиб юришларини тилаб қоламиз.

Қумри АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари доктори, профессор,
Ситорахон РАҲМОНБЕКОВА,
аспирант

ЮРАКДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Абдуваҳоб Мақсудов Паркент туманидаги 1-мактабни тамомлаб, Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) физика факультетига ҳужжат топширди. Омади келиб, кириш имтиҳонларидан ўтгач, билим ва тажрибаларини катта даргоҳда кўп йиллик тажрибага эга ўқитувчилар ёрдамида ошириб борди.

Йиллар бир-бирини қувалаб ўтди. Абдуваҳоб аканинг талабалик даври ортда қолди. У 1971 йилда олий ўқув юртини тамомлаб, туғилиб ўсган қишлоғига қайтиб, меҳнат фаолиятини Паркент шаҳридаги 2-ўрта таълим мактабида бошлади.

— Илк бор қўлимда журнал билан ўқувчилар ҳузурига кирар эканман, алланечук ҳаяжон босганди мени, — хотирлайди А.Мақсудов. — Амалиёт ва назария эгизак, дейишади. Андак ўтгач, ҳаяжонлар ўзўзидан босилиб кетди. Ўқувчилар билан тил топишиб олдим.

Бола руҳиятига, қалбига кириб бориш ўқитувчилардан сабр-тоқат, қобилият ва тажрибани талаб этади. Чунки синфхонада ўтирган турли феъл-атвордаги ўғил-қизларга муносиб равишда муомала қилиш орқалигина кўзланган мақсадга эришилишини устоз аҳли яхши билишади. Бу фазилатларни Неъмат Хайитметов, Нажмиддин Мирзақодиров, Ҳасан Ибрагимов, Саттор Ашуров, Рисқибой Зиёев каби устозлардан қунт билан ўргангани боис, Абдуваҳоб ака иш фаолиятида дуч келадиган қийинчиликларни енга олди.

У киши айни вақтда тумандаги 10-мактабда ёш авлодга физика фанидан сабоқ бериш билан бирга халқ таълими бўлими услубият хонаси мудири сифатида ҳам ишлаб келмоқда. Моҳир педагог ва раҳбарнинг меҳнатлари 1994 йилда "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланди. Олий тоифали ўқитувчи деган номга мушарраф бўлди.

А.Мақсудовни бугун нафақат паркентликлар, балки республика, вилоят, туманлар маорифчилари ҳам яхши билишади.

Бир сўз билан айтганда, устоз А.Мақсудов замонамизнинг илғор вакили. Ўзлари айтганидек, у "юракка ўрнашган юксак масъулият ҳисси билан" яшаяпти.

Абдузухур ҚОРАБОЕВ,
журналист

UZMACOM
GSM

«ЎЗМАКОМ»
қўшма корхонаси

Кириб келаётган
янги – 2003 йил билан
самимий қутлайди!
Барчага
бахт ва омад тилаймиз!

"Ўзмаком"
қўшма корхонасида
тармоққа
бепул уланиш
Ва
сим карта учун
50% чегирма сийлови
давом этмоқда.

"ЎЗМАКОМ"
ТАРМОҒИГА УЛАНИНГ!
ЯНГИ ЙИЛ УЧУН
МУНОСИБ СОВҒА
СОҲИБИ БЎЛИНГ!

Қалбда туғён урар ажиб тароват,
Мен сени севаман, латофатли қор.

YANGI YIL MUSHOIRASI

БИРИНЧИ ҚОР

Сарҳадсиз кўк узра ёғар момиқ қор,
Оппоқ ҳарир рўмол боғлабди борлиқ.
Дилларда бир олам севинч ва виқор,
Кўнгил орзуларга қилади торлик.
Офтоб юзин тўсиб барқут булутлар,
Мафтункор оламни бўяр оқ рангга.
Шохларин арғимчоқ қилиб шотутлар,
Юракларни чулғар ажиб оҳангга.
Тоғлар билан ўйнар қор отиб шамол,
Она табиатнинг тарайди сочин.
Қорнинг қучоғида болалар хушҳол,
Қорбўрон ўйнашар ёзиб қулочин.
Ойдин хаёлларнинг оғушида жим,
Мен қорга боқаман кўзларим хумор.
Қиш башорат қилар: гўё мунажжим,
Оққушлардек қўнар ерга момиқ қор.
Дўстлар, кумуш қишга ёзиб ишқий хат,
Оппоқ қорга қилдим севгимни изҳор.
Қалбда туғён урар ажиб тароват,
Мен сени севаман, латофатли қор.

Шеромад ИСЛОМОВ,
Навбаҳор туманидаги 13-мактаб ўқитувчиси

ВАТАН ИШҚИ

Кўзимни юмдиму нурга айландим,
Жондан айро тушиб бўзладими тан.
Кўнгил дарёсида порлаган дурдай —
Мени ишқинг билан покладинг Ватан.
Қадим остоналар тикланди қайта,
Ҳар гиёҳ кўзида титради кўзим.
Меҳрдан яралган тупроқ юзига,
Юз босиб осмондай титрадим ўзим.
Афсун дарахтининг япроғи бўлиб,
Иссиқ оғушингга майин тўкилдим.
Қуёшнинг оташин китобларидан,
Гоҳ маъюс, гоҳ шодон ўқилдим.
Мен нурман ишқингнинг чўғидан учган,
Ҳеч вақт қучоғингдан этма мосуво.
Ахир юлдузлари куйган тунлардан,
Асрадинг, кунларим этдинг ҳувайдо.
Бир куни яратган сўраса жоним,
Жон бериб, майсага дўнгум дафъатан.
Ҳатто, ўлганда ҳам тупроғинг ҳидин,
Жисмим аро олиб кетаман, Ватан.

Ҳалима ЖУМАНИЁЗОВА,
халқ таълими аълочиси

ҚИШ

Тўрт фасл ичида қаҳрабоси — қиш,
Оқ яктак кияди боғлар, далалар,
Ҳовузлар музлайди мисоли кумуш,
Шаҳрим момиқ духобага ўралар.
Ўғил-қизга, барчага хуш ёқади,
Қалблар жўшар ўйнаганда қорбўрон.
Ёш кўнгиллар илинж ила боқади,
Қиш ҳам келди, ёғиб бергин, эй осмон!

Неъматжон ҚИЛИЧЕВ,
УрДУ талабаси

***

Ёғаётир оппоқ, кумуш қор,
Орзулардек мусаффо, тиниқ.
Кўк ташлайди ерга ёқут-зар,
Жилваланар оқ тусда борлиқ.
Хаёл бўлиб қалбимга меҳмон,
Сен тушарсан менинг ёдимга.
Гўзал чеҳранг бўлар намоён
Ўхшаб менинг ширин тушимга.
Сени эслаб, севгимни эслаб
Қалб яралари янгиланар.
Эсга тушар ёруғ кунларим,
Орзуларим қорга айланар...

Раъно АҲМЕДОВА,
Ҳамза туманидаги
215-мактаб ўқитувчиси

СИРЛИ СЎЗАНА

Деразамиз ёнидан
Қайси рассом ўтибди?
Ойнамизга сўзана —
Расмин чизиб кетибди.
Арчаю тол, гул раъно, —
Суратлари бор эмиш,
Ипаклари оқ ҳарир,
Товланади нақ кумуш.
Тонгда боқиб, термулиб,
Таҳсин айтдим: "Жуда зўр"
Жилмайдию қуёш ҳам,
Деразадан сочди нур.
Ойнадаги сўзана
Жимирлади кўз олиб,
Қараб турсам ипаги —
Йўқ бўлди, эҳ, чувалиб,
Билсам расм-сўзана
Қировнинг сеҳри экан,
Ипагини чуватган —
Қуёшнинг меҳри экан.

Раҳима ЖЎРАЕВА,
Мингбулоқ туманидаги
13-мактаб ўқитувчиси

ФАЙЗ ҲАДЯ ҚИЛҒИН!

Йиллар бўладики, шамолдай елиб,
Мевасиз дарахтдай бесамар кечар.
Йиллар бўладики, файз ҳадя қилиб,
Юртга қут-барака уруғин сочар.
Мустақил элимнинг ҳар бир лаҳзаси
Баракоти билан йилларга тенгдир.
Фаровон ҳаётнинг гулгун чеҳраси
Узра ҳусн бахш этган дилрабо менгдир.
Не бахтки, сониялар қадрига етиб,
Шукрона туйғулар кечса умримиз.
Янги йил субҳида қалбдан гул тутиб,
Юртга бера олсак юрак меҳримиз
Янги йил муборак, азиз ватандош,
Ҳаётда эзгулик, омад ёр бўлсин.
Кулиб боқаверсин ҳамиша қуёш,
Истиқлол ёғдуси барқарор бўлсин.

Соип МУҲАММЕДОВ,
Халқ таълими фахрийси

ХУШ КЕЛИБСАН!

(Болажонлар тилидан)
Хуш келибсан, янги йил,
Ҳар йил интиқ кутамиз.
Соғинтирдинг астойдил,
Бир йил кутдик бунда биз.
Қорбобожон, кел тезроқ,
Тайёр безакли арча.
Қуёну тулки, бузоқ...
Безанган бунда барча.
Сен келгунча боғчада,
Яна ёшга тўлдик биз.
Сўрма "ёшинг нечада?"
А-анча катта бўлдик биз.
Ўзбекистонга йиллар,
Келсин яна ва яна.
Катта бўлиб бу диллар,
Қилаверсин тантана!

Дилором МИРАЗИЗОВА

ЭЛДАН АЙИРМА!

Мен бир учар қушман, элдир қанотим,
Қат-қат патларида кечар ҳаётим,
Эл менинг дилимда янграр баётим,
Оллоҳим, ҳеч қачон элдан айирма,
Элим деб ўртанган дилдан айирма!
Элдан йироқ тушган бўтадай бўзлар,
Бўғзида йиғига айланар сўзлар,
Элнинг тупроғин ҳам, тошин ҳам сизлар,
Оллоҳим, ҳеч қачон элдан айирма,
Элим деб бўзлаган дилдан айирма!
Эл ичра сомонман ва ёки донман,
Элим деб, юртим деб ўртанган жонман,
Эл меҳри билан мен шоҳман, султонман,
Оллоҳим, Баротни элдан айирма,
Элга меҳри дунё дилдан айирма!

БЎЛМАСА

Эл сенга қайишмас, сен эса элга,
Орзу, умидларинг соврилар елга,
Йўл топа олмассан ҳатто бир дилга,
Дил англар, эл англар сўзинг бўлмаса.
Элнинг назаридан қоларсан мутлоқ,
Сендан йироқлашар дўсту ёр, ўртоқ,
Сўзласанг сўзингга солишмас қулоқ,
Сўзларингда маъни-тузинг бўлмаса.
Турланиб, тусланиб турмоғинг аниқ,
Тулкининг шаклига кирмоғинг аниқ,
Охир-оқибатда ўлмоғинг аниқ,
Аниқ бир қиёфа-юзинг бўлмаса.
Ортингда қолмағай изинг, сўқмоғинг,
Жилдираб, чулдираб жилғанг, ирмоғинг,
Барот бекор эрур тирик юрмоғинг,
Эл севган ўғлонинг, қизинг бўлмаса.

Барот ЯРАШ

Уларга асосий мутахассислигига қўшимча равишда "ВС" тоифасидаги автотранспорт воситаларини бошқариш гувоҳномасининг бепул берилишини ҳам таъкидлаб ўтмоқ зарур.

БИЛИМ БОЙИТАДИ, ҲУНАР ЭСА ЮКСАЛТИРАДИ

Бугун мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш, уни тубдан ислоҳ қилиш борасида қабул қилинган қатор ҳужжатларда чуқур билимга эга бўлган малакали кадрларни тайёрлаш билан бир қаторда, ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбияланган, илғор дунёқарашга эга, мустақил фикрловчи баркамол инсонларни шакллантириш вазифаси белгилаб берилган. Шу билан бирга интеллектуал ривожланган, иқтидорли ва истеъдодли ўқувчи-ёшларни аниқлаш, уларнинг чуқур, табақалаштирилган таълим олишлари ҳамда ўзларининг ноёб қобилиятларини намоён қилишлари учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада, айтиш мумкинки, мамлакатимиз таълим тизимининг муҳим поғонаси ҳисобланган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида ўзига хос тизим шаклланмоқда.

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежи ҳам юртимизда таълим тизимида рўй бераётган туб ислоҳотлар боис, янгидан ташкил этилган илм масканларидан биридир. Айни кунда бу ерда металларга ишлов бериш, пайвандлаш, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, электрон ҳисоблаш машиналари ва компьютер тармоқларини ишлатиш, уларга хизмат кўрсатиш, тикувчилик бўйича усталар ҳамда бухгалтерия ҳисоби кичик мутахассислари тайёрланмоқда.

"Бундан йигирма беш йил олдин ташкил этилган таълим муассасамиз 2001 йилда янги касб-ҳунар коллежи мақомини олди, — дейди коллеж директори, тажрибали педагог Бахтиёр Мавлонов. — Ана шу давр ичида бу ерни неча минглаб ёшлар битириб чиқишди. Айни дамда коллежимизда 577 нафар талаба олтита йўналиш бўйича таҳсил олишмоқда. Уларга 42 нафар малакали ўқитувчилар, муҳандис-педагоглар ҳамда 23 нафар ишлаб чиқариш усталари дарс беришмоқда. Коллежимиз ўқувчи-ёшлари замонавий жиҳозланган ўқув хоналарида умумтаълим фанларидан чуқур билим олиш билан бирга махсус асбоб-ускуналар, техник воситалар билан таъминланган махсус лабораториялар ва ишлаб чиқариш устахоналарида ўзлари севиб танлаган мутахассисликлар бўйича касб маҳоратларини оширишмоқда".

Коллеж раҳбари билан таълим муассасаси ҳудудини айланар эканмиз, бу ерда ишлаётган ҳар бир ўқитувчи ва таълим олаётган ҳар бир ўқувчининг ўртасида ўзаро ҳурмат, эътибор, самимий муносабатлар қарор топганлигининг гувоҳи бўлдик.

"Илм даргоҳимизда бозор иқтисодиётининг ажралмас қисмлари бўлмиш маркетинг, менежмент, бозор иқтисодиёти асослари фанларини ўқитишга алоҳида эътибор бераяпмиз, — давом этади Бахтиёр ака. — Фарзандларимизнинг билимли ва малакали кадрлар бўлиб етишишларида тажрибали устозлар, ўз касбига меҳр қўйган ўқитувчи ва усталардан Баҳром Ботиров, Виктор Камаев, Абдуваққос Назаров, Ҳабибулла Аъзамов, Назира Алибоева, Индира Ҳакимова, Мавсуда Нодирова, Галина Примачаева, Сергей Сосин, Анвар Мусаевларнинг хизматлари катта бўлаяпти. Ўқув ишлари ва ишлаб чиқариш таълими масалаларини замон талаблари даражасида ташкил этишда коллеж маъмуриятига она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Мавлуда Нодирова, физика фани ўқитувчиси Ҳожиниса Сайдаҳмедова, ўқув ишлари бўйича директор муовини Тамара Стуловская, ишлаб чиқариш таълими усталари Бобоёр Болтаев ҳамда Ислом Исмоиловлар яқиндан ёрдам бериб келишмоқда. Тинимсиз изланишда бўлган, ҳар бир дарсини қизиқарли ўтиб, ўқувчи онгига содда тил билан илмий ва малакавий кўникмаларни сингдира олаётган бу педагогларимизнинг иш тажрибаси коллежимизга янгидан ишга қабул қилинаётган ёш мутахассис "кадрлар учун доимо ибратдир".

Билим даргоҳида касбий тайёргарлик, маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишларнинг намунали йўлга қўйилишида жонкуяр раҳбарлар — коллеж директорининг касбий тайёргарлик, маънавият ва маърифат ҳамда ташкилий ишлар бўйича ўринбосарлари Зокир Ғаниев, Жуманазар Жуманиёзов, Баҳодир Сайдаҳмедовларнинг алоҳида хизмати борлигини таъкидлаш жоиздир.

Биз автотранспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш хонасидамиз. Бу ерга ўрнатилган ўқув-кўргазмали автомобиль модели Жанубий Кореядан келтирилган бўлиб, ўқувчилар бемалол мазкур электрлаштирилган "Дамас" автомобилининг барча механизмлари қандай тартибда ишлашини амалда кўриш имкониятига эгадир. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, яқинда коллежнинг ўзида бир гуруҳ муҳандис-педагоглар ва талабалар кучи билан ана шу "Дамас" ўқув-кўргазмали автомобилининг нусхаси яратилиб, шу ернинг ўзига ўрнатилди. Натижада иккита автомобиль моделини илк бор кўрганлар буларнинг қайси бири хорижда, қайси бири коллежда тайёрланганлигини ажратиша олмайдилар. Коллеж жамоасининг яратган ана шу каби янгилиги, албатта, алоҳида ўрганилиши ва кенг оммалашуви керак. Зеро, ўқув-ишлаб чиқариш жараёнини замонавий асбоб-ускуналар, янги технологиялар билан таъминлаш борасида уларни катта-катта маблағлар ҳисобига чет элдан келтиришнинг ўрнига, ўзимизнинг юртимизда тайёрланган кам ҳаражатли ана шундай моделларнинг кўп миқдорда ишлаб чиқарилишини йўлга қўйишимиз зарурдир.

Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежи педагогик жамоаси ТДТУ, ТАЙИ каби олий ўқув юртлари билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Масалан, ТДТУ механика факультетининг ташаббуси билан коллежда "Автомобиль ва трактор", "Металларга ишлов бериш" ва "Пайвандлаш" каби илмий кафедралар фаолият кўрсатмоқда. Коллеж талабалари ичидан энг иқтидорлилари мазкур олийгоҳнинг махсус стипендияси билан рағбатлантирилаяпти. Жорий йилда коллеж битирувчиларидан 23 нафарининг айнан шу университетнинг талабалари бўлишлари юқорида номлари тилга олинган кафедралар изланишларининг мевасидир.

Давр билан ҳамнафас фаолият юритаётган ушбу таълим муассасасида ишлаб чиқариш жараёни ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, металларга ҳамда ёғочга ишлов бериш, мураккаб маиший хизмат техника воситаларини таъмирлаш, тикувчилик, автомобиль эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш бўйича кичик цехлар аҳолига беминнат хизмат кўрсатиб келаётир. Шу мақсадда ишлаб топилган маблағ, албатта, таълим маскани моддий-техник базасини ривожлантириш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, кам таъминланган оилалар фарзандларига ёрдам бериш каби тадбирларга сарфланмоқда.

Коллежда таҳсил олаётган талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга асосий мутахассислигига қўшимча равишда "ВС" тоифасидаги автотранспорт воситаларини бошқариш гувоҳномасининг бепул берилишини ҳам таъкидлаб ўтмоқ зарур. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш амалиёти даврида талабанинг корхонада ишлаб топган маблағининг 50 фоизи унинг ўзига тўланади. Коллежда ўқиш вақти эса меҳнат стажига киради.

Айни кунда коллежда олтмиш тўртта фан хоналари ва лабораториялар, ўнта ўқув-ишлаб чиқариш хонаси, ўнта устахона, алоҳида бинога эга маънавият маркази, спорт ва тренажер заллари, тўртта лингафон, учта компьютер хоналари, шинам ва озода ошхона, кутубхона ишлаб турибди.

Талаба-ёшлар спорт секцияларида тажрибали жисмоний тарбия ўқитувчиси Алим Шайдуллин раҳбарлигида турли хил спорт турлари билан мунтазам шуғулланмоқдалар. Бу йил коллеж талабалари волейбол бўйича спорт мусобақаларида шаҳар биринчилигини қўлга киритдилар. "Шунқорлар" ҳарбий спорт ўйинларида эса уларга шаҳар бўйича фахрли учинчи ўрин насиб этди.

Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Жуманазар Жуманиёзов бизни маънавият маркази ва кутубхона ишлари билан таништирди. Чиройли безатилган хоналар маънавиятнинг чиндан ҳам қалб, жамият кўзгуси эканлигини кўрсатиб турибди.

Кутубхоначи аёл бу ерга илм маскани дастлаб очилган пайтда ишга келган экан. У ўзини Раиса Голубева деб таништирди. Кутубхона бой китоб жамғармасига эга. Бу ерга турли хил газета ва журналлар ҳар куни келтириб турилади. Мудира талабалар билан қизиқарли мавзуларда тадбирларни тез-тез ўтказиб туради. 20912 дона китобнинг аксариятини бадиий ва касб-ҳунарга доир адабиётлар ташкил этади. 730 нафар китобхон ушбу кутубхонага аъзо. Бир-биридан чиройли ва шинам тўртта ўқув зали талабалар ихтиёрига бериб қўйилган. "Сиз қонунни биласизми?", "Конституцияни ўрганамиз", "Гиёҳвандлик — аср вабоси", "Қадриятларимизни ўрганамиз" каби мавзуларда ўтказилган тадбирлар, миллий истиқлол ғоясини ўрганиш бўйича суҳбатлар ёшларда катта таассурот қолдирмоқда.

— Коллежимизга умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфини тугатган ўқувчилар қабул қилинади, — дейди касбий тайёргарлик бўйича директор ўринбосари Зокир Ғаниев. — Ёшларни касб-ҳунарга тўғри йўналтириш ҳақида, бугунги ва эртанги кунда мамлакатимиз ривожи учун қандай касб эгалари зарурлиги тўғрисида ўқувчилар, қолаверса, уларнинг отаоналари ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш олдимизда турган асосий вазифалардир. Биз аълочи ўқувчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга алоҳида эътибор бериб келаяпмиз. Бундай рағбатлантиришнинг фойдаси ҳам катта бўлмоқда. Гулзина Тожибоева, Руслан Алавулов, Азамат Шокиров, Анвар Ирсалиев, Дилноза Маъмирова сингари аълочи ва жамоатчи ўқувчилар ўзларининг чуқур билими ва одоби билан бошқаларга ибрат бўлишмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури иккинчи сифат босқичи талабларини амалга ошириш давр талабидир. Биз сўз юритган Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежида эса ана шу давр талабига жавоб бериш учун бор билими ва тажрибасини аямай сарфлаётган ўз касбининг фидойилари меҳнат қилишмоқда.

Ўткир САИДОВ,
Нурлан УСМОНОВ

Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар.
Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Айни пайтда институтимиз талабалари ихтиёрида 360 та компьютер техникаси бўлиб, ҳар 10 талабага 1 тадан тўғри келмоқда.

Qaror va ijro

ЯНГИЛИКЛАР ЯНГИ ЙИЛДА ЯНАДА КЎПАЯВЕРСИН

2002 йилнинг 30 майидаги Президентимизнинг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармонида ахборотлаштиришнинг миллий тизимлари барпо қилинишини, иқтисодиётга ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётига компьютер техникаси ва ахборот технологиялари оммавий жорий этилиши юзасидан муҳим вазифалар белгиланган. Фармонни бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳам алоҳида қарор қабул қилинди. Ушбу қарорда телекоммуникациялар ва маълумотлар узатишни ривожлантириш, ресурслардан фойдаланиш, Интернет тармоғида ўз сайтларини яратиш ва ундан самарали фойдаланишнинг мақсадли йўналишлари белгиланди.

Жорий йилда кўпгина олий таълим муассасалари қаторида Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтида ҳам ушбу қарорда кўрсатилган вазифаларни бажариш борасида талай ишлар бажарилди ва бу жараён айни пайтда давом этмоқда. Чунончи, ўтган давр мобайнида институтимизда қарор ижроси бўйича махсус режа асосида иш олиб борилди. Унга асосан, компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича махсус гуруҳ тузилди. Ушбу гуруҳ томонидан профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг ахборот базаларини, мультимедиа ҳамда компьютер дастурлари ишлаб чиқилиб, амалда татбиқ қилинмоқда. Институт ахборот инфратузилмаси шакллантирилди ҳамда ҳар бир кафедра ва факультетларни боғловчи ягона локал тизим ишга туширилди. Ўқитувчиларни компьютер ва ахборот технологиялари билан ишлаш юзасидан кенг кўламда ўқитиш ишлари олиб борилмоқда. Кўпгина ўқитувчи ва талабалар компьютердан илмий-методик мақсадларда, электрон дарслик, ўқув қўлланмаларини яратишда фойдаланмоқдалар.

ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА

Турғунпўлат ДАМИНОВ,
Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректори,
Олий Мажлис депутати,
ЎзФА академиги

Маълумки, электрон ўқув адабиётларининг имкониятлари чексиз. У билим олувчиларнинг тасаввурини кенгайтиришга, дастлабки билимларини ривожлантиришга ва чуқурлаштиришга, қўшимча маълумотлар билан таъминлашга мўлжалланган. Узлуксиз таълим тизимида фан ва технологияларнинг ривожланиши сари мазмуни тез ўзгарувчан, чуқурлаштириб ўқитиладиган, умумкасбий ва махсус фанлар бўйича асосан кам ададли ўқув адабиётлари тайёрланади. Айни шу мақсадда, институтимиз олимлари томонидан ўнлаб электрон адабиётлар яратиш устида иш олиб борилмоқда.

Электрон ўқув адабиётлари замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, бирлимларни интерактив усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган манба. У мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллари, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарадор ўзлаштирилишига катта ҳисса қўшмоқда.

Айни пайтда институтимиз талабалари ихтиёрида 360 та компьютер техникаси бўлиб, ҳар 10 талабага 1 тадан тўғри келмоқда. Институт тест маркази тўлиқ замонавий компьютерлар билан жиҳозланган. Бундан ташқари фундаментал кутубхонага 10 дан ортиқ компьютерлар жойлаштирилган бўлиб, ундан талабалар қўшимча ахборот манбаларини йиғишда, маъруза матнларини ҳамда виртуал кутубхонанинг тиббиётга алоқадор адабиётларини мутолаа қилишда фойдаланмоқдалар.

Яқинда таълим муассасамизда янги ўқув-ресурс маркази ўз фаолиятини бошлайди. Ушбу марказнинг асосий вазифаси — тиббиёт ва тиббиётга алоқадор бўлган маълумотлар базасини ташкил қилишдан иборат. Марказга турли нодавлат, халқаро ташкилотлар кўмагида катта миқдорда техник жиҳозлар сотиб олиниб, замонавий тарзда жиҳозланди. Келгусида ушбу марказнинг малакали мутахассислари томонидан тиббиётчиларни масофавий ўқитиш тизимини жорий этиш режалаштирилган. Шу орқали Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган бирламчи вазифа — узлуксиз таълимни ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшмоқчимиз. Шунингдек, мазкур марказ имкониятларидан республикамиздаги 10 та тиббиёт олий таълим муассасалари педагогларининг фойдаланишларига ҳам шароит яратилади.

Бу соҳадаги ишларни янада ривожлантиришда хорижий нодавлат ташкилот ва муассасалари билан ҳамкорлик ҳам яхши самара бермоқда. Чунончи, Жанубий Кореянинг Сеул университети билан олиб борган алоқаларимизнинг ижобий меваси сифатида бугунги кунда профессор-ўқитувчиларимиз, ҳамда талабаларимиз компьютерлар ёрдамида кореялик мутахассислар билан бевосита алоқа боғлаш имкониятига эга бўлдилар. Ушбу ҳамкорлик илмий, ўқув-услубий, назарий-педагогик соҳаларда ўзаро фикрлар алмашинувида қўл келмоқда.

Шунингдек, жорий йилда АҚШдаги Соғлиқни сақлаш халқаро уюшмаси билан ҳамкорлик ўрнатдик. Мазкур уюшма ёрдамида Қўшма Штатларнинг Кентуки университети билан 4 йилга мўлжалланган ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Ушбу ҳамкорлик "Жамоатчилик соғлиғини сақлаш ва менежмент" лойиҳаси доирасида амалга оширилади, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи кўпгина тадбирлар амалга оширилади, деб ўйлайман.

Келгуси йилда Бутунжаҳон тиббиёт мутахассислари федерацияси томонидан ишлаб чиқилган глобал стандартларни институтимиз ўқув жараёнига тадбиқ этиш борасида улкан ўзгаришлар ясаш умидидамиз.

Tibbiyot va ta'lim

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастурида белгиланган юқори малакали шифокорлар ҳамда касб-маҳорати билан бирга, чуқур илмий тафаккурга эга бўлган илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш вазифасини бажариш борасида институтимизда 2002 йил мобайнида кўпгина ишлар амалга оширилди. Чунончи, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган кўрсатмаларга асосан шифокорлар тайёрлаш тизимини тубдан яхшилашга қаратилган янги "Олий маълумотли тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш Концепцияси" ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ушбу Концепция асосида институт педагогик жамоаси томонидан давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, тиббиёт мутахассисининг малакавий тавсифномаси тайёрланди ва тасдиқдан ўтди. Янги ўқув йилидан бошлаб ушбу янги ўқув режа ва дастурларига асосан таълим бериш ишлари бошлаб юборилди.

Якунланаётган йилда институт қошида ўқув-услубий ишланмалар ва таълим дастурларини аккредитациядан ўтказиш маркази тузилди. Ушбу марказ мутахассислари томонидан олий таълим муассасалари учун тасдиқланган ўқув режаси асосида ўқув дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Республикамизда тиббиёт таълимини ислоҳ қилиш, бу йўналишдаги таълим муассасаларида шифокор кадрларни босқичма-босқич тайёрлашга ўтиш билан боғлиқ жараён янги ўқув дастурлари асосида ташкил қилинади. Ушбу ўқув дастурларини яратишда ҳар бир ўқув юрти педагогик-илмий жамоаси фаол иштирок этмоқда ва ҳамфикрликда ишланган ўқув дастурлари амалиётда ўз ижобий баҳосини олиб, таҳсинга сазовор бўлмоқда.

Турли клиник кафедраларда талабалар клиник тиббиётнинг асосларини ўрганадилар. Институтда жуда катта стационар ва поликлиника базаларига эга бўлган жарроҳлик, ички касалликлар, акушерлик ва гинекология, рентгенология ва радиология, фтизиатрия, тери ва таносил, шунингдек, асаб, юқумли касалликлар, қулоқ, томоқ ва бурун, терапевтик, жарроҳлик, ортопедик ва болалар стоматологияси кафедралари фаолият кўрсатмоқда. Бу кафедраларда талабаларга шифокорона фикрлаш, касалликнинг сабабини тушуниш, уларни даволаш ва профилактика қилиш йўллари ўргатилмоқда. Айни пайтда 52 та шундай кафедра ва лабораторияларда 450 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар ишлайдилар.

Институтда баҳолаш ва талабалар билимини назорат қилиш рейтинг тизими ёрдамида, яъни ҳар бир дарсда дастурдаги маълум бўлимлар якунлангач, балл орқали амалга оширилади. Бу борада ривожланган ғарб давлатларидаги турли методлар (масалан, OSCE — объектив тизимли клиник имтиҳон)ни ўрганиб, уларни чуқурлаштирган ҳолда амалий фаолиятда қўлламоқдамиз. Якуний назорат институт тест марказида, компьютерлар ёрдамида амалга оширилади. Ўтган ўқув йилидан бошлаб, ўқитувчиларимиз фаолиятини ҳам баҳолашнинг рейтинг, яъни баллик тизимини жорий қилдик. Бу, таълим сифатини ошириш билан бирга ўқитувчиларимизнинг ўз устида ишлаш малакасини кучайтирса, иккинчидан уларни моддий-маънавий рағбатлантиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Шуҳрат ОТАХОНОВ,
ўқув ишлари бўйича проректор,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

ПЕДАГОГ-ШИФОКОРГА ҲАМИША, ҲАММА ЖОЙДА ТАЛАБ БОР

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган таълим ислоҳотларининг илк босқичида замон талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали педагог мутахассисларни тайёрлаш вазифаси белгиланган эди. Шунга асосан кўпгина олий ўқув юртларида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатувчи ўқитувчиларни тайёрлашга ихтисослашган факультетлар ташкил қилинди. Чунончи, бир қатор ўрта таълим муассасаларида фақатгина тиббий малакага эга бўлган мутахассислар фаолият кўрсатиб, уларда педагогик кўникма шакланмаган эди. Талабаларга тиббий фан асосларини сифатли ва самарали ўқитишни таъминлаш мақсадида институтимизда ҳам 1998 йилда тиббий-педагогика факультетига асос солинди.

Milliy dastur — amalda

Факультетда ҳозирда 550 га яқин талаба умумий амалиёт шифокори, ҳамда тиббиёт институтлари ва коллежларида иш юритувчи малакали ўқитувчи мутахассисликлари бўйича таълим олмоқда. Етти йиллик таҳсилни тамомлаган талабалар тор мутахассисликлар бўйича магистратура босқичида ўқиш имкониятига ҳам эгалар. Факультетимизда етук ва малакали профессор-ўқитувчилари томонидан кейинги йилларда 2 та монография, 3 та дарслик, 35 та услубий қўлланма тайёрланиб, нашр қилинди. Илмий йўналишдаги ишларда ҳам факультет мураббийлари ўзларининг фаоллиги билан ажралиб туради. Чунончи, ўтган ўқув йили давомида улар томонидан 27 та илмий мақола чоп этилиб, 2 та докторлик ҳамда 4 та номзодлик диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган асосий вазифалардан бири, бу шубҳасиз иқтидорли талабалар ва истеъдодли, билимга чанқоқ ёшларни танлаш ва уларни ўқитишда мукаммал психологик-педагогик ва ташкилий шароитларни яратишдан иборатдир. Айнан шу мақсадда факультетимизнинг III ва IV курсларида таҳсил олаётган иқтидорли талабаларнинг гуруҳи ташкил қилинди. Бу гуруҳда таълим олувчилар учун махсус ўқув дастурлари яратилиб, уларга дарс берувчи юқори малакали педагоглар жалб қилинди. Бу борадаги ишларнинг самараси ўлароқ, жорий йилда бир неча талабалар Ибн Сино, институт илмий кенгаши таъсис этган стипендияларнинг совриндори бўлдилар.

Ўтган 5 йиллик давр мобайнида ўқув-услубий, илмий-педагогик, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширган талай ишларимиз республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда институтимиз раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланди. Чунончи, жорий йилда республика миқёсида ўтказилган "Энг намунали факультет" танловида 283 та факультет орасида биринчиликни эгалладик ва у ерда жамоамизнинг тинимсиз меҳнати юксак эътироф этилди. Ушбу муваффақият билан қутлаб, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари факультетимиз талабалари учун компьютерлар тўпламини ҳадя қилган бўлса, институт ректорати рангли телевизор билан тақдирлади.

А. ЖЎРАЕВ,
институт тиббий педагогика факультети декани, тиббиёт фанлари доктори

ТИББИЁТИМИЗ ТАРИХИ САРЧАШМАЛАРИ

1999 йилда институтимизда тиббиёт тарихи музейига асос солинган эди.

Тўрт бўлимдан иборат музейда тиббиётимиз тарихининг ўтмиши-ю, ҳозири акс эттирилган. Ундан жамият ҳаёти ва халқ турмушидаги энг муҳим тарихий воқеалар, давлат тиббиёт арбобларининг эътиборли фаолияти ва улар билан боғлиқ бўлган хотиралар, эсдаликлар, кўҳна ёдгорликлар, қадимий турмуш шароити, тарихий буюмлар, монументал, тасвирий, амалий-декоратив ва бошқа турдаги буюмлар, санъат асарлари, ёдгорлик ҳужжатлари — давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳужжатлари, бошқа ёзма ва график манбалар, кино, фотоҳужжатлар ва товуш ёзувлари, шунингдек, қадимий тошбосма, эски ўзбек, араб ва форс тилларидаги, эрамиздан аввалги VII асрдан тортиб, то шу кунгача етиб келган қўлёзмалар, архив намуналари жой олган. Музей кўргазмаларида институтнинг ривожланиш дастури ва уларни амалга ошириш бўйича қилинаётган ишлар ҳам ёрқин намойиш этилган. Маънавият хонасидаги алоҳида кўргазмаларда ректорат ва деканатларнинг фаолияти, турли масалаларни амалга оширишдаги тадбирлари кўрсатилган. Айни пайтгача музейга турли соҳа ва касб эгаларидан иборат 30 мингга яқин зиёратчи ташриф буюрганлигининг ўзи унинг нақадар қизиқарли ва мазмундор ташкил этилганлигидан далолат беради.

Халқимиз табобатининг илк босқичлари хусусида, Ўзбекистондаги энг йирик тиббий маскан ҳақида, табобат даҳоларининг илмий-амалий фаолияти борасида янада чуқурроқ маълумотга эга бўлишни истасангиз, марҳамат, музейимига ташриф буюринг! Биз ташрифингиздан мамнун бўламиз!

Ҳусниддин ҚУТБИДДИНОВ,
Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти маркази мудири

МАҲАЛЛА – МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИ

Кишини тарбиялашда маҳалланинг ўрни беқиёс. Маҳалла шундай бир муқаддас маконки, унда инсонлар бир-бирлари билан опа-сингил, ака-ука, қудаанда, дўст-биродар бўлиб яшашади. Фарзанд тарбиясида ҳам барча маҳалла аҳли масъул, ҳисобланади.

Маҳалла ҳақида юртбошимизнинг берган баҳоси диққатга сазовордир:

"Маълумки, асрлар мобайнида маҳаллаларда кўпдан-кўп ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келади. Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикрлари шаклланади. Бу эса халқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир. Мамлакатимизда кўп қиррали ислоҳотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим".

Маҳалла инсонларнинг миллати, ёши, жинси, дини, ирқи, тили, эътиқодидан қатъи назар, уларни эзгулик йўлида жипслаштирувчи ва бирлаштирувчи катта оила ҳисобланади. Бу оила инсонларнинг бир-бирларига бўлган ўзаро ҳурмати, муҳаббати, мустаҳкам дўстлиги асосида яшайди. Мустақиллик шарофати туфайли маҳаллаларнинг ҳар томонлама фаровонлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 12 сентябрдаги фармонига кўра, Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси ташкил этилди. Маҳалла катта мамлакат ичидаги кичик бир мамлакатдир. Унинг бошқарув тизими бўлгани каби, ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий фаолият механизми ҳам асрлар давомида шаклланган.

Маҳалла — шарқона анъаналар, урф-одатлар ва удумларни жамоа асосида амалга оширувчи, авлоддан-авлодга етказувчи маънавий маданият ўчоғидир. Маҳаллада бўлаётган ҳар бир тантана ёки маросим учун каттаю кичик бирдай маъсул.

Шунинг учун ҳам "Бир болага етти қўшни ота-она" нақли бежиз пайдо бўлмаган. У ерда ёшларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати барчанинг диққат марказида бўлади. Ҳар бир шахс ўз инсоний фазилатларига аввало, маҳалла таъсири остида эга бўлади. Шунинг учун ҳам ўз инсоний фазилатларини иложи борича жамиятда ва маҳаллада намоён қилади. Агарда у маҳалла анъаналарини оёқости қилса ёки уларга нисбатан беписандлик билан муносабатда бўлса, у маҳалладан чиқариб юборилади. Бу эса маҳалладаги энг олий жазодир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқатвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Шу маънода маҳаллани демократия дарсхонаси, деб хам аташ мумкин.

Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Айниқса миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг роли катта.

Маҳалла — оила тинч-тотувлигини, жипслигини мустаҳкамлайдиган маскандир. Айниқса, ёш оилалардаги жанжалларни бартараф этишда ва уларни яраштиришда маҳалла фаолларининг хизмати катта. Маҳалла ҳозирги даврда асосий эътиборини таълим-тарбия ишларига ёрдам беришга қаратиши керак. Биз бу ўринда унинг мактаб, лицей, коллеж билан мустаҳкам алоқасини назарда тутаётирмиз. Президентимиз томонидан 2003 йил "Обод маҳалла йили" деб номланиши айни муддао бўлди. Айнан мана шу туфайли маҳалла жамиятимизда ўз мавқейини янада мустаҳкамлаб олади, деб умид қиламиз.

Б.АРИФХОНОВ
Р.ТЎХТАЕВ

ФИКРЛАШ – ЯШАШ ДЕМАК

Бой маданий меросимиз, анъаналаримиз, тарихимиз ва урф-одатларимизнинг қайта тикланиш жараёнини Ватанимиз мустақиллигининг маънавий меваларидир, десак янглишмаймиз. Шу билан бирга юртимиз истиқлоли билан боғлиқ яна бир жиҳат — халқимиз шуурида фикр эркинлигининг шаклланаётганини алоҳида айтиш жоиз. Чунки, сир эмаски, сўз эркинлиги ҳам фикр эркинлиги замирида юзага келади. Шу маънода айтиш ўринлики, жамият тараққиёти инсоннинг фикрлаши — онг ва тафаккури билан боғлиқ жараён саналади. Ижтимоий онгнинг шаклланиши эса жамият, шаклланаётган тузум, яъни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш даврида янада муҳим аҳамият касб этади. Лекин ижтимоий онг турли даврларда ҳар хил шаклда юзага келишини ҳам унутмаслик лозим. Негаки ҳаёт мантиғига асосланмаган кўр-кўрона ёндашув ва тушунчалар ҳам ижтимоий турмуш тараққиётига маълум даражада салбий таъсир ўтказади. Буни инсоният тарихидаги кўплаб мисоллар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, собиқ иттифоқнинг парчаланиши-ю — мустақилликка эришган ҳар бир давлатнинг социалистик тузумдан воз кечганини айтиш мумкин. Бундан кўринадики,ҳар қандай шароитда ҳам соғлом фикр ва кенг тафаккурга таянган ижтимоий онг жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири саналади. Шу боисдан бугун Ватан равнақи, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлигига асос бўладиган янги жамият барпо этиш йўлидан бормоқдамиз. Бундан кўзланган мақсад — қонун устуворлигига асосланадиган, барчанинг тенглиги таъминланадиган эркин фуқаролик жамияти барпо этишдир. Ҳар қандай кўзланган мақсадга эса онг ва тафаккур орқали эришиш мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас. Зеро, фуқаролик жамияти асослари ҳам, аввало, ўз фикри, қолаверса муайян ҳуқуқий маданиятга эга бўлган, ўз манфаатларини халқи ҳамда Ватани манфаатлари билан уйғунлаштира оладиган, мустақил эътиқод ва дунёқарашга эга бўлган шахсларга таянади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, инсон онгида ҳеч қачон бўшлиқ бўлмайди, яъни у доимо ниманидир ўйлайди, тафаккур қилади, ҳис-туйғулар билан банд бўлади. Агар ўша ўй-фикрлар ўзида мудом эзгуликни ифодаласа, бу туфайли юзага келадиган фаоллик ижтимоий тараққиётга кучли таъсир этади. Бироқ кундалик онг даражасидаги фикр, мулоҳаза ва хулоса ҳамма вақт ҳам тўғри бўлиб чиқавермаслигини таъкидлаш ўринлидир. Чунки уларда воқелик бир қадар юзаки ифодаланган бўлиб, ижтимоий онгда содир бўладиган хато ва янглишувлар шундан келиб чиқади. Демак, кундалик онг назарий онг учун илк манба бўлиб хизмат қилади ва назарий онг кундалик онгни таҳлил қилиш натижасида ўзгаради. Шу билан бирга унга илмий баҳо бериб, ундаги ички моҳиятни очиб беришга интилади . Шу маънода айтадиган бўлсак, инсоннинг воқеликка муносабати ва ҳаётий фаолиятнинг маъно-мазмунини унинг ижтимоий онг, тафаккур ҳамда дунёқараши белгилар экан, ўсиб келаётган ёш авлод тафаккурини ана шу жараёнга йўналтириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Зеро, ёш авлод қалбида назарий онг — Ватан, унинг равнақи учун курашиш ҳиссини шакллантириш билан кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, эркин фуқаролик жамиятининг моҳияти, унинг фаолият тамойиллари миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларида чуқур ҳамда батафсил асослаб берилганки, мазкур тамойилларнинг ўзаро муштараклиги халқимизнинг ўз олдига қўйган мақсадлари қанчалик ҳаётий эканидан далолат беради. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мустақиллик сиёсатининг энг долзарб вазифаларидан бири мафкуравий масала бўлиб, унга эътиборни кун сайин кучайтиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шаҳло МИРАЗИЗОВА,
ТДПУ аспиранти

Mulohaza

КУЙ-ҚУШИҚДАН ДИЛ ТАСКИН ТОПАР

Ҳар бир даврнинг ўз ривожланиш шароити ва жамият тараққиёти мавжуд экан, у билан боғлиқ равишда муҳит ҳам ўзгариб бораверади. Санъат соҳаси ҳам бу жараён билан узвий боғлиқликда мукаммаллашади. Ҳар бир давлат ва жамиятнинг қадимий куй ва наволари замона ўзгариши билан давр руҳиятига мослашиб, амалиётда ижро этилаверади. Бундай наволар халқ маънавияти, миллий қадриятларини ўзида мужассамлаштириб, халқларга маънавий озуқа сифатида хизмат қилади. Ўзбек халқининг ҳам ўз миллий анъаналарига асосланган наволари мавжуд. Улар асрлар давомида шаклланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келган. Бу наволар одатга кўра, ўзбек халқининг оҳангларда мужассамлашган ўтмиши, яъни, қалб кўзгуси сифатида эътироф этилади. Ҳар бир давр муттасил ривожланиб, тараққий этиб бораверади. Бизга маълумки, азалдан ўзбек мусиқа мероси миллий руҳда шаклланган, ХХ асрга келиб эса, ўзбек мусиқасига ҳам турли профессионал ижодиёт оқимлари кириб келди. Бу жараён бевосита давр тараққиётидан келиб чиқади. Миллатлар ўз миллий мусиқаси билан бир қаторда бошқа халқлар мусиқий соҳасини ўрганиш ва тараққий эттириши натижасида, бу оқим барча давлатларни қамраб олади. Чунки, мусиқа бевосита инсон ички кечинмаларини акс эттирувчи манбадир. Шу нуқтаи назардан олиб қарасак, бастакорлик ижодиёти бугунги кунда барча давлатларни қамраб олган. Бастакор томонидан яратилган асарлар тингловчи эътиборига мусиқа билан боғлиқликда кириб боради. Тингловчининг ички кечинмаларини ўзида акс эттирувчи куй ва оҳанг инсон онгини бутунлай қамраб олади ва ҳаёт фалсафасини англашга пойдевор бўлиб хизмат қилади. Оммавий жанрлар ҳам халқлар ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Бу мусиқий жанрлар асосан ёшлар руҳиятига мос бўлиб, улар учун ягона мусиқа манбаидир. Буни биз қисқача эстрада мусиқаси деб аташни одат қилганмиз. Эстрада жанрида асосий ғоя муҳаббат эканлиги ҳам юқоридаги фикримизга далил бўла олади, чунки ёшлар руҳи асосан шу туйғуга кўпроқ мойил бўлади. Шунинг учун ҳам бу жанрга кирувчи қўшиқлар тингловчилар учун ягона хурсандчилик воситаси бўлиб хизмат қилади гуё. Лекин эстрада мусиқаси ҳам кўп хусусиятлилигини унутиш керак эмас. Кишини ўйга чўмдирувчи, ўтмишдаги кунларни эслатувчи лирик эстрада қўшиқлари кам эмас. Шу сабабли миллий эстраданинг жамият ҳаётида тутган ўрни беқиёсдир. Усиз халқнинг бирор бир байрамию хурсандчилиги ўтмайди. Шундай жараёнларни ҳам кузатиш мумкинки, миллий эстрада жанрида куйланган қўшиқни ёшу қарилар катта қизиқиш билан тинглашади. Кексаларга асосан оғир қўшиқлар ёқади. Лекин улар ҳам давримиз руҳига мос қўшиқнинг мусиқасига ва ижро маҳоратига бефарқ эмаслар. Аксарият қўшиқларнинг сўзи мантиққа зид бўлса-да, унинг мусиқаси ҳар бир тингловчига завқ бағишлайди. Шунда ҳам агар у биринчи бор айтилаётган бўлса. Ҳозирги миллий эстрадамиз намунаси деб ҳисоблаб куйланаётган аксарият "қўшиқ"ларни икки ёки ундан ортиқ тинглаганингиздан кейин беихтиёр унга бефарқ бўлиб қоласиз, чунки бу каби мусиқа, аввало, ўзга миллатга мансуб, бунинг устига ҳар-хил усулда, бир неча хонандалар куйлашади. Агар ҳар биримиз яхши эътибор билан тингласак, уларнинг кўпчилиги чет эл мусиқасига ўзбекча сўзлар қоришторилган қўшиқ бўлади. Ўзга миллат қўшиқларини олиш яхши, қачонки уни оригинал ҳолида куйласангиз. Айни пайтда шундай жараённи кузатишимиз мумкинки, қўшиқнинг сўзи ҳам, айтилиш услуби ва мусиқаси ҳам айнан кўчирма бўлади. Менимча, кўчирма сифатида эмас, балки йўналишни олган маъқулроқдир. Тан олиш керак, хорижий тилда айтилган қўшиқнинг мусиқаси яхши чиқиши мумкин, лекин сўзлари умуман киши руҳиятига ёқмайди.

Ҳар бир хонанда ўзига берилган юксак масъулиятни ҳис қилган ҳолда қўшиқ яратмоғи лозим. Шу билан бирга, бу қўшиқларда ёшларнинг ички кечинмалари акс эттирилган бўлса, тингловчини бефарқ қолдирмайди. Чунки инсон хоҳ хурсанд, хоҳ тушкун кайфиятда бўлсин, мусиқа унинг қалбидан жой топа олади. Керак бўлса ҳаётга нисбатан меҳрини уйғотиб кайфиятини кўтаради. Шу маънода миллий эстраданинг халқлар ҳаётида тутган ўрни ва мавқеи беқиёсдир.

Муножот АЪЗАМОВА,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси

Институтимизга кейинги йиллар мобайнида энг сўнгги русумдаги компьютер технологияларининг келтирилиши, уларнинг таълим жараёнига дадиллик билан жалб қилиниши анча-мунча муаммоларни бартараф этди.

БИРЛАШГАН НУҚТАЛАР

Бахтиёр АСҚАРОВ,
Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори, техника фанлари доктори, профессор, Олий Мажлис депутати

ТАЪЛИМНИНГ АСОСИЙ НЕГИЗИ

Янги асрнинг иккинчи йилига якун ясалиб, учинчи "довон"ини бошлаш арафасидамиз. Бундай кезда, кўпинча дўппини бошдан олиб, қилинган ва қилинмаган ишларни сарҳисоб этишга одатланганмиз. Тошкент архитектура-қурилиш институтининг 2002 йил бошидан то охирига қадар ўқув, маънавий-маърифий, илмий йўналишларда юритган фаолиятига разм соладиган бўлсак, кишига қониқиш ҳиссини берадиган ишлар кўз ўнгимиздан бирма-бир ўта бошлайди.

Ҳозир "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи босқичи амалга оширилмоқда. Бу босқичда бажарилиши керак бўлган вазифалар миллий дастурда шундай таърифланади: **"Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади, ўқув-тарбия жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланади. Узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш амалга оширилади".**

Таълим жараёнининг негизини ўқув адабиётлари — дарслик, қўлланма ва маъруза матнлари ташкил қилади. Аммо уларнинг бугунги кунга мосларини тайёрлаш биринчидан вақт, иккинчидан ҳар бир йўналишни мукаммал билувчи муаллифларни тақозо этади. Архитектура-қурилиш йўналиши бўйича ўқув адабиётлари кам бўлган фанларнинг 29 тасидан қўлланмалар тайёрланиши керак. Уларни тайёрлаш учун шартномалар тузилиб, тасдиқланиши учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига топширилди. Бундан ташқари, ўтаётган йилда босмага тайёрлаш режалаштирилган 37 та ўқув адабиётларидан 32 таси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги мувофиқлаштирувчи кенгаш ижобий хулосасига кўра нашр этилди. Қолган 5 таси экспертизадан ўтказилмоқда. Кенгаш грифини олган 2 та дарслик ҳам нашр этиляпти. Албатта, ўқув адабиёти хоҳ катта, хоҳ кичик бўлишидан қатъи назар, уни яратиш хамирдан қил суғургандек осон иш эмас. Аввало, унинг қўлёзма ҳолига келтирилиши учун муаллиф анча-мунча заҳмат чекади: матн устида ишлайди, ўчиради, таҳрир қилади, хуллас, ақлу заковатини ишга солади. Табиийки, дарслик, қўлланма яратган муаллиф муносиб тақдирланиши керак. Ана шу мақсадда 1,5 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланганини таъкидлаб ўтишим керак.

Янги асрда ахборот технологияларининг ўрни ва аҳамияти нақадар кенг, чексиз эканлиги тан олиняпти. Сиз битта операция билан дунёнинг исталган мамлакатига чиқишингиз, керакли ахборотни олишингиз мумкин. Институтимизга кейинги йиллар мобайнида энг сўнгги русумдаги компьютер технологияларининг келтирилиши, уларнинг таълим жараёнига дадиллик билан жалб қилиниши анча-мунча мушкулликларни бартараф этди. Россия Федерациясидан 42 номдаги ноёб ва камёб адабиётлар келтирилди. Ўқув бўлимида ўша ўқув адабиётлари ва маъруза матнларининг электрон версияларини вужудга келтирдик. 50 та фаннинг маъруза матнлари янги таълим стандартлари асосида қайтадан кўриб чиқилди. Бу маъруза матнларининг аксарият қисми магистратура мутахассисликларига мўлжалланган.

Ўқув жараёни теп-текис, ҳеч қандай муаммосиз кечадиган жараён эмас. Бу билан нима демоқчиман? Гарчанд таълим сифатини ошириш билан боғлиқ бир қанча ишларни уддалашга муваффақ бўлсак-да, бу иш тугади дегани эмас. Профессор-ўқитувчилар билан ўқув қўлланмалари яратиш тўғрисидаги уч томонлама шартномаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш даркор. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги адабиётлар яратилишини жадаллаштириш керак. Янги педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига тўлиқ татбиқ этиш учун кафедра мудирлари ва профессор-ўқитувчиларининг компьютер саводхонлигини ошириш ҳам давр талабидир. Россиядан келтирилган адабиётларни таржима қилолсак, талабаларга енгиллик яратган бўлардик.

МАЪРИФАТНИ МАЪНАВИЯТ ТЎЛДИРАДИ

Мустақиллик йилларида бизнинг расмий ва жонли нутқимиздан энг кўп ўрин олган сўз "маънавият" ва "маърифат" бўлса керак. Буни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Чиндан ҳам маънавият ва маърифатни бир-бирисиз таърифлаб ҳам, талқин этиб ҳам бўлмайди. Маънавий-маърифий ишлар замирида шахс камолоти туради. Иккинчи чақириқ Олий Мажлис IX сессиясида маъруза қилган Президентимиз Ислом Каримов нутқи барча таълим масканларида қизғин муҳокама қилинди. Негаки унда жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари кўрсатиб берилган. "Ўзбекистон тарихи" кафедраси ўқитувчилари томонидан ташкил этилган давра суҳбатида талабалар фаол қатнашишди .

Талабалар - кўп сонли жамоа бўлиб, улар ўртасида олиб бориладиган оммавий-сиёсий тадбирлардан ҳеч ким — ўқитувчи, декан, мураббий ҳам четда турмаслиги керак. Чунки баҳамжиҳатликда амалга оширилган тадбир ўз самарасини кўпроқ беради. Ҳуқуқий билимларни кенгроқ тарғиб қилиш мақсадида саноат ва фуқаро қурилиши факультети талабаларининг адлия ходимлари – Шайхонтоҳур тумани халқ суди юристлари билан ўтказган учрашуви бу жиҳатдан ўз аҳамиятига эга бўлди. "Судлар мустақиллиги ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар" мавзусидаги бундай тадбирларда қонунчилик, суд, прокуратура тизимидаги ўзгаришлар хусусида талабаларни бохабар этиш режалаштирилган.



Талабаларнинг соғлигини назорат қилиш тиббий кўрикдан ўтишлари билан боғлиқ. Шу боис улар вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказиб турилади. Аср вабоси - гиёҳвандлик ва орттирилган иммунитет танқислиги синдромининг ёшлар орасида кенг тарқалиши барчамиз учун ташвишли ҳол. Шу боис уларга бу офатнинг катта фожеалар келтиришини англатиш, исботлаш мақсадида жиддий саъй-ҳаракатлар бўляпти. Хусусан, институтимизда "Зулмат салтанати", "Об" деб номланган ҳужжатли фильмларни намойиш этдик.

Маънавий-маърифий ишларнинг кети йўқ. У инсонни тарбияловчи, фикрини ўзгартирувчи, иллатлардан фориғ этувчи жараён. Демак, уни доимий равишда замон билан ҳамнафас тарзда олиб боришга ҳар бир таълим муассасаси масъул бўлиши керак.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР КЎЛАМИ

Аввало, илмий даражага эга олимлар улкан илмий салоҳиятимиз эканлигини айтишим лозим.

Йил бошидан бери профессор-ўқитувчиларимиз таркиби бир нафар фан номзоди ва бир нафар фан доктори ҳисобига кенгайди. Таклиф қилинган, яратилган ихтироларга йил бошидан бери 3 та патент олинди.

Талабалар ҳам бўлғуси илмий салоҳиятни оширувчилар сифатида анжуманларга таклиф этиляпти. 47 нафар талаба турли илмий амалий анжуманларда қатнашиб, улардан 32 нафарининг илмий маърузаси тўпламларга киритиладиган бўлди.

Шуни таъкидлаш керакки, илмий ишлар кўламини кенгайтиришга тўсиқ бўлаётган ҳолатлар бор. Докторлик ва номзодлик ҳимояларини муддати тугаган вақтда амалга ошириш лозим. Илмий ишларга талабаларни кўпроқ тортиш фойдадан холи эмас. Патент олиш масаласида янгича талаб ва эътибор зарур. Тадқиқотчиларнинг мақолалари хорижий давлатларда кўпроқ чоп этилиб турса, чакки бўлмас эди.

Йил яунланди. Бу озгина фурсат ўтди, дегани эмас. Йил тугаши олдидан келгусидаги режалар тузилади. Хусусан, институтимиз педагогик жамоаси ҳам янги 2003 йилни худди шундай кайфиятда кутиб олаётир.

Илмий тадқиқотларнинг ҳаёт билан боғланганлик даражасига эътибор қаратадиган бўлсак, бу яққол кўзга ташланади. Чунки қурилган ва қурилаётган иншоотларнинг сифати, ёки муаммоси ҳам илмий тадқиқотларга мавзу, йўналиш беради. 2002 йилда давлат бюджети, инновация ва хўжалик шартномалари асосида жами 47617 минг сўмлик илмий тадқиқотлар бажарилган бўлса, бу ўтган йилгидан 1,6 баравар ўсишга эришилганини кўрсатади. Айниқса, хўжалик шартномалари асосидаги илмий ишлар 2,1 баравар ошганлиги аён бўлди.

Давлат бюджети ва инновация асосидаги илмий ишлар архитектура ва қурилиш соҳасининг долзарб муаммоларини қамраб олаяпти. Натижалар амалиётга ва ишлаб чиқаришга кенг жорий этилмоқда. Жумладан, Шаҳрисабздаги меъморий обида — Оқсаройнинг ночор ҳолатдаги қисми реставрация қилинди.

"XXI аср маҳалласи" мавзусидаги инновацион илмий ишда Тошкент шаҳридаги Исломобод маҳалласининг замонавий кўриниши ўз аксини топган.

Д.ЛАТИПОВ,
институт илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректори
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар. Ⓜ

«МАКТАБ МЕВЕЛ»

ЎЗБЕКИСТОН - АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ
УЗБЕКСКО-АМЕРИКАНСКОЕ СОВМЕСТНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ

Барча ҳамюртларни, Республика Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги барча ходимларни, устоз ва мураббийларни, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий элчихоналар ҳамда ваколатхоналар ходимларини

Янги 2003 йил билан

самимий қутлайди!

Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилишдаги-академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини замонавий ўқув дастгоҳлари билан таъминлашдаги иштирокимиз бизни доимо мамнун этади!

Имеет честь поздравить всех соотечественников, работников системы Министерства Народного образования, Министерства Высшего и среднего специального образования, а также всех учителей и наставников, сотрудников посольства и представительство действующего в Узбекистане

С Новым годом!

Мы гордимся тем, что принимаем активное участия в государственной программе, поставляя академическим лицеям и профессиональным колледжам самую современную мебель.



Компьютер учун стол
Стол для компьютера

Мажлислар зали учун ўриндиқлар мажмуаси
Секция стульев для актовых залов

Икки ўринли ўқувчи столи
Стол ученический двухместный

Юмшоқ ўриндиқ
Стул мягкий

Янги йилда барчага омонлик тилаймиз!

В новом году желаем всем благополучия!


ЎЗДОНМАҲСУЛОТ
Давлат акциядорлик корпорацияси
2003 йил - «Обод маҳалла йили»да
юртимизга фаровонлик,
халқимизга сиҳат саломатлик,
галлакору фермерлар хирмонига
хайру барака тилаймиз!
ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ
муборак бўлсин!

КЛИЧКОНИНГ БЎЛҒУСИ РАҚИБИ

Америкалик таниқли промоутер Дон Кинг украиналик профессионал боксчи Владимир Кличкога қарши ўз ҳамюрти Ламон Брюстер рингга чиқишини айтди. Унинг фикрича, бўлғуси жанг келаси баҳор фаслида Германияда ўтказилиши кутилмоқда. 29 ёшни қаршилаган Брюстер ҳозирга қадар профессионал рингда 30 та учрашув ўтказган бўлиб, унинг 28 тасида ғалаба қозонган ва 2 марта мағлубиятга учраган. Шунингдек, унинг ғалабаларининг 25 таси нокаут билан якунланган. Брюстер ўзининг охирги жангини 14 декабр куни Томми Мартинни 3-раунддаёқ техник нокаутга учратиш билан тугатган эди.

БЕКХЭМ ЙИЛНИНГ ЭНГ МАШҲУР СПОРТЧИСИ

"Манчестер Юнайтед" клуби сардори Дэвид Бекхэм дунё интернетидаги энг машҳур инсонлар ўртасида 8-ўринни эгаллади. Спортчилар ўртасида эса энг биринчи машҳур инсон, дея топилган Бекхэмдан сўнг, россиялик теннисчи Анна Курникова, сўнгра Рональдо, баскетболчи Ноби Брайанта ва француз Зинедин Зиданларни кўришимиз мумкин. Интернет орқали "Google" компанияси ўтказган йилнинг энг машҳур кишилари сўровномасида Дэвиднинг мухлислари кўп овоз берганлар.

БОКСЧИНИ СПЕЦНАЗ ҚЎРИҚЛАМОҚДА

Янги зеландиялик оғир вазнли профессионал боксчи Дэвид Туани АҚШнинг махсус кўрсатмаларни бажарувчи бўлинмаларидан бирининг жангчилари қўриқлашмоқда. Бунга Туанинг тансоқчиларига қурол олиб юриш тақиқланганлиги сабаб бўлди. Дэвид эса ҳозирда собиқ жаҳон чемпиони Хассим Раҳмонга қарши рингга



чиқиш учун тайёргарлик кўрмоқда. Махсус бўлинма аскарлари эса Дэвид Туанинг машғулот вақтида, уйда ва бошқа жойларда доимо хавфсизлигини таъминлашлари керак.

СЫЧЕВ ФРАНЦИЯГА КЕТМОҚДА

Франциянинг "Олимпик" клуби россиялик маҳоратли футболчи Дмитрий Сычевни сотиб олиш учун Москванинг "Спартак" клубига 3 миллион евро миқдорида пул тўлади. "Олимпик" клуби президенти Кристоф Бушенинг айтишича, Сычевни ўз жамоаларига таклиф қилиб Италиянинг "Лацио" ва "Милан" клублари ҳам Москвага келишган эди. "Биз келгуси мавсумда 19 ёшли россиялик футболчи жамоамизни муносиб ҳимоя қилишига ишонамиз", деди Кристоф. Ёдга олсак, 20 декабрь куни Сычевни "Олимпик"ка ўтиши маълум бўлган вақтда "Спартак" президенти у учун 6 миллион евро сўраган эди.

АШХОБОД: ШИХМУРОДОВ ҲИБСГА ОЛИНДИ

Туркманистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари президент Сапармурод Ниёзовга қарши уюштирилган суиқасднинг бош ташкилотчиларидан саналмиш собиқ вице-премьер Борис Шихмуродовни ҳибсга олганлар. Бу ҳақда Туркманбошининг ўзи Афғонистон президенти ва Покистон бош вазири билан учрашган чоғида айтди. Бош прокурорнинг билдиришича, Шихмуродов 2000 йил мамлакатдан чиқиб кетган ва жорий йилнинг 23 ноябридан 24 ноябрига ўтар кечаси суиқасдга шахсан ўзи бошчилик қилиш учун ватанига қайтиб келган. 25 ноябрь куни эса Сапармурод Ниёзов кетаётган кортежга Ашхободда ҳужум қилинган эди.

ОММАВИЙ ҚИРҒИН ҚУРОЛЛАРИ ТОПИЛГАНИ ЙЎҚ

Бағдод шаҳрида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ироқ сиёсатчиси, генерал Муҳаммад Амин инспекторлар суҳбатлашмоқчи бўлаётган олимлар рўйхати эртага эълон қилинишини айтди. Унинг билдиришича, Ироқ ҳукумати инспекторлар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйиш учун барча имкониятларни ишга солган.



Зеро, улар учун тақиқланган объектнинг ўзи йўқ. Инспекторлар ҳозирга қадар оммавий қирғин қуроллари борасида бирор жўяли манбани топа олганларича йўқ.

Айни бу вақтда эса АҚШ ва Буюк Британия ҳаво кучларининг Ироқ жанубига ҳужум қилишлари натижасида уч киши ҳалок бўлиб, 16 нафари жароҳатланган. Расмий Бағдоднинг билдиришича, мазкур ҳужум ноҳарбий объектларга йўналтирилган.

РОССИЯДА СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТЛАР

Россия ички ишлар вазирлигининг маълум қилишича, мамлакатда истеъмолчиларга сотилаётган маҳсулотларнинг 90 фоизи сифатсиздир. Бундай ҳолатлар кўпроқ озиқ-овқат, дори-дармон, кийим-кечак маҳсулотларида кўпроқ кузатилмоқда. Вазирликнинг иқтисодий жиноятлар бўлими бошлиғи ўринбосари Николай Бобковнинг журналистлар билан мулоқот чоғида айтишича, қалбаки электр жиҳозлари асосан Жанубий-Шарқий Осиё давлатларидан, косметика ва ўйинчоқлар эса Хитойдан кириб келмоқда. Сифатсиз озиқ-овқат, дори-дармон маҳсулотлари, мусиқали марказлар эса Россиянинг ўзида яширин тарзда фаолият юритаётган заводларда ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, жорий йилнинг ўзида муаллифлик ва патент олиш ҳуқуқларини бузган 2 мингдан ортиқ ҳолат кузатилди.

ТЎҚНАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида давом этаётган исроилликлар ва фаластинликлар ўртасидаги тўқнашувлар чоғида 5 нафар Исроил аскари яраланган бўлса, фаластинликлардан 6 нафари ҳалок бўлган. Ўтган ноябрь ойида террорчи-камикадзеларнинг навбатдаги ҳужумлари чоғида 11 нафар исроиллик ўлганидан сўнг, Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғига кирган Исроил қўшинлари айни вақтда "Ислом жиҳоди" ва ХАМАС ташкилотлари вакилларини йўқ қилиш учун курашмоқдалар. Куни кечаги махсус операция вақтида 12 нафар фаластинлик ҳибсга олинган бўлиб, улар орасида Мухторият разведкачиси ҳам бор.

БИЗНЕСМЕН ЖЕК-ПОТ ҒОЛИБИ

Ғарбий виржиниялик бизнесмен Жек Уиттиекер "Powerball" лотореясида ўйнаб, 315,9 млн. долларни ташкил этувчи жек-потни ютиб олди. Ўйин ўтказилишидан 3 кун аввал лоторея сотиб олган бизнесмен бундай ютуққа эга бўлишини ҳеч кутмаган эди. Энг катта миқдордаги жек-потни ютиб олиш Қўшма Штатлар тарихида илк бор кузатилди. Боиси, 1998 йилги жек-пот ғолиби 296 млн. долларни ютиб олган эди. Агар бу сафар ғолиб аниқланмаганида келгуси йилга ўтиб жек-пот миқдори 500 млн. долларга етиши кутилаётганди.

"ИНТЕРНЕТ" тармоғидан олинди.

ДУНЁ БОЛАЛАРИННИТ ҒАМХЎРИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) БМТ таркибидаги бутун фаолиятини болаларга, уларнинг ҳимоясига, Бола ҳуқуқлари конвенцияси доирасида уларнинг ривожланиши ва ҳаёт кечиришларига бағишлайдиган ягона ташкилотдир. Европада II жаҳон урушидан кейин фавқулодда болалар эҳтиёжларини қондириш учун БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1946 йилда ташкил этилган ушбу жамғарма бугунги кунда айниқса ривожланаётган давлатларда болалар ҳаётини ҳар томонлама яхшилашга қаратилган дастурларни қўллаб-қувватламоқда. У 1989 йил Бош Ассамблея томонидан юз фоиз овоз билан қабул қилинган ва қарийб бир вақтда ратификация қилинган. Бола ҳуқуқлари ҳақидаги конвенциянинг тўлалигича амалга оширилишига ёрдам беради.

ЮНИСЕФ БМТнинг бошқа муассасалари, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорликда ва бутунжаҳон периферия тармоғи орқали жамоа даражасида биринчи тиббий ёрдам, озиқ-овқатлар, бошланғич таълим, сувларни тозалаш ва санитария шарт-шароитларини яхшилаш, гендер тенгсизлигини бартараф этиш ва тараққиёт соҳасида арзон хизмат кўрсатишга йўналтирилган дастурларга кўмаклашади. У инсон ҳуқуқларининг болаларга, айниқса қиз болаларга нисбатан амал қилиниши тарафдори. Шунингдек, ЮНИСЕФ шошилинч ёрдам кўрсатишни давом эттиради ва фавқулодда ҳодисалар юз берганда тиклаш ишларини олиб боради.

ЮНИСЕФ 1965 йилда хал-қаро Нобель мукофоти билан тақдирланган.

Ташкилот 36 кишидан иборат Ижроия Кенгаши томонидан бошқарилади. Ижроия кенгаши сиёсатни белгилайди, дастурларни кўриб чиқади ва бюджетни тақсимлайди. ЮНИСЕФ таркибидаги 6200 дан ортиқ ходим 113 мамлакатдаги 242 та офисда ишлайди. Уларнинг 84 фоизи бевосита жойларда, қолганлари Нью-Йоркдаги бош қароргоҳда, Копенгаген ва Флоренцияда, шунингдек, Женевадаги БМТ ҳудудий бўлимида меҳнат қиладилар. ЮНИСЕФ тўлиқ ҳукуматлар ва ноҳукумат ташкилотларнинг ихтиёрий бадалларига таянади: жамғарманинг 30 фоизидан ортиқ даромади ноҳукумат ва хусусий манбалардан тушади.

Жамғарма "Дунё болаларининг аҳволи" (The State of the World's Children) ва "Миллат тараққиёти" (The Progress of Nations) каби бош нашрларга эга.

Гулноз ҒУЛОМОВА тайёрлади.

Муҳтарама Шоира ОРИПОВА!

Сизни таваллуд айёмингиз ва кириб келаётган янги йил билан чин қалбдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, бахт-саодат, фарзандларингиз бахту камолини кўришни тилаб қоламиз.

Бир гуруҳ дўстларингиз

Зангиота туманида хусусий тадбиркор **Маҳкамов Санжар Сайитович** номига олинган юмалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ҳар фарзандки, бу йилда туғилган бўлса, нафис санъатлар соҳасида қобилиятлидирлар.

"ЯНГИ ЙИЛ" БОШҚОТИРМАСИ



БЎЙИГА: 1. Моҳ. 3. Янги йил кўрки. 4. АҚШ космик-кузатув станцияси. 5. Қишки миллий оёқ кийими. 6. Катта йўл. 7. Янги йил элчиси. 9. Бир овоздан. 10. Қаттиқ ишлаганда пешона маҳсули. 12. Чингиз Айтматовнинг "Қиёмат" романи бош қаҳрамонларидан бири, она-бўри. 13. Тазарру. 14. Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғли. 15. Янги йил кириб келадиган ой. 20. Улкан, буюк. 21. Янги йил дастурхонининг кўрки. 23. Увайсийнинг машҳур чистони. 24. Умр йўлдоши. 25. XVI асрларда маълум шахсларга бериладиган унвон. 26. Сувоқчилик асбоби. 31. Ҳорижий "қорбобо". 33. Канада пойтахти. 34. Биринчи қор ёққанда ёзиладиган мактуб. 37. ... Уйғур (актёр ва режиссёр). 38. Янги йил дастурхонини безайдиган нон тури. 39. Турли имо-ишоралар. 40. Ақл, ҳуш. 42. Миллий ширинлик. 43. Қуръони карим суралари қисми. 45. "... Новости"(Россия ахборот агентлиги). 46. Йиртқич қуш. 50. Дурадгорлик асбоби. 51. Ҳинд амалдори, жаноб. 54. Таъкид юкламаси. 55. Қадимги Мисрдаги Қуёш худоси.

ЭНИГА: 2. Сайроқи қуш. 5. Туркманистон пул бирлиги. 7. Ғазаб, дўқ. 8. Юрак, дил. 11. Меъморчилик. 12. Шароф Бошбековнинг "Темир хотин"и. 14. Янги йил арафасида ҳамма буюмлар ташқарига улоқтириладиган мамлакат. 16. Тошкентдаги машҳур интернет-провайдери – "...-информ". 17. ... Ҳидоятов (актёр). 18. Ўрмон қуши. 19. "Соломон ва ..."(Ибн Сино асари). 20. Шарқ яккакураши турларидан бири. 22. Шарқона янги йил. 27. Булут. 28. Чўпчак. 29. Кичик сув йўли. 30. Индонезияга қарашли орол. 32. Қордан бино бўлган пари. 35. Сирпанчиқ. 36. Қашқадарё вилоятидаги туман. 41. Марҳум шоир – Шавкат ... . 44. Ҳайвонлар қироли. 47. Макет, андоза. 48. Хат, мактуб. 49. Маълум даврдаги шоирлар, санъаткорлар ҳақида маълумот берувчи тўплам. 52. Суюқ овқат. 53. Чолғу асбоби. 54. Тинчлик элчиси бўлган қуш.

Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

Yilnoma

Ҳаммамизга маълумки, бундан 12 йил муқаддам бизнинг ҳаётимизда, ота-боболаримиз орзу қилиб кетган оламшумул бутун умримизга татийдиган кун 1991 йил 31 августда севимли диёримиз Ўзбекистон мустақил бўлди. Агар аҳамият берсангиз бизга шундай бахтли кунлар насиб қилган йил "қўй" йили эди. Бу йил 2003 йил ҳам қўй йили яъни "Мустақиллигимиз" ҳам 12 ёшга яъни бир мучалга тўлди. Қандай бахтли бир янги йилда қўшалоқ байрамлар, демак бизга бахтли кунки берган "қўй" йилида туғилганларни балки барча мучал соҳибларини омадли кунлар кутмоқда. Янги бахтли йилимиз ҳаммамизга муборак бўлсин!

Маълумки, йилнома Осиё ва Африка қитъаларидаги мамлакатларда қабул қилинган 12 ҳайвон номи билан 12 йилни ўз ичига олади. Ушбу йил ҳисобига кўра ҳар бир инсон муайян

2003 йил – Қўй йили

йилда ўзининг келгусидаги ҳаётига таъсир кўрсатувчи туғма хислатларга эга бўлиб туғилади. Ўтган сермазмун, сермаҳсул, меҳнаткаш довюрак от йилини кузатиб, бу йил—2003 йилни, беғубор юввошгина қўй йилини кутиб оламиз. Албатта, ҳаммамизни қизиқтирса керак, бу йилда таваллуд топган инсонлар қандай бўлишади ва уларни нималар кутяпти?

Агар қўй йили кирса, зимистон узоқ бўлиб, ёғингарчилик кўп бўлар экан. Ҳар фарзандки, бу йилда туғилган бўлса, нафис санъатлар соҳасида қобилиятлидирлар. Улар қадди-қоматлари келишган, истараси иссиқ ва табиат шайдоларидирлар. Хулқ-атворлари ёқимли, гап-сўзи, ўзини тутиши оқилона. Шундай бўлса-да, ҳар тўкисда бир айб дегандай андак инжиқроқ, ҳардамхаёлроқдирлар. Одатда художўй бўлиб, турли ва ўта табиий нарсаларга қизиқишади. Умуман, булар раҳмдил ва муҳтожларга борини беришга тайёр турган жуда яхши одамлардир.

Шуни айтиш керакки, уларда хусусий мол-мулкка нисбатан ҳеч қандай орзу-ҳавас йўқ. Нимаики яхши-ёмон воқеа юз берса, уларнинг айби билан содир бўлмайди. Жавобгарлик ҳисси уларга бегона, ташаббус кўрсатишни ёмон кўришади. Улар итоатгўйроқ бўлганликлари учун раҳбарлик ишларига унча мойил эмаслар. Уларда дид ва истеъдод бор. Бир пайтнинг ўзида техник ва артистлик маҳорати кўшиб бориладиган ишларни қойилмақом қилиб бажаришлари мумкин.

Тижорат ишларидан ўзларини олиб қочишлари керак, чунки бу ишга лаёқатсизроқдирлар. Ҳаётлари давомида кўплаб ишқ-муҳаббат муаммоларига дуч келишлари мумкин. Етуклик даври ёшлик ва кексаликларига қараганда яхши кечади. Шуни эсда тутиш керакки, моддий жиҳатдан ғам-ташвиш чекмайдиган ва маслаҳатгўйлари бор бўлган "қулинг ўргилсин ўтади", "қўйнинг омади юришади". Айниқса улар учун от йили ҳам омадли келган бўлса, яна ўз йилларида нимаики хоҳласалар, ҳаммаси кўнгилдагидай кутилади, ахир бу уларнинг йилларидир.

Саломатхон ҲАСАНОВА тайёрлади.

Келгуси ҳафта теледастурлари билан танишинг!

Душанба, 30

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.40 "Таҳлилнома".
8.45 "Заминдаги буюк томошалар". Ҳужжатли фильм.
9.40 "Тўртинчи ҳокимият".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Шуке ва Бэйта". Мультсериал премьераси. 1-қисм.
10.25 "Аёз бобо". Бадиий фильм.
12.05 "Янги йил саёҳати".
12.30 "Мазза!"
12.45 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоаларининг байрам табриги.
13.20 "Ошин". Телесериал.
14.10 "Янги йилим - яхши йилим!"
14.35 "Қорақалпоқнома".
14.55 "Хатолар ороли", "Букринг сири". Мультфильмлар премьераси.
16.10 "Обод уйда пок одамлар яшайди".
16.30 Болалар учун. "Санъат гунчалари".
17.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
18.10 "Спорт йилномаси".
18.45 "Бахтли воқеа".
19.15 "Байрамингиз кўнгилли ўтсин!"
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Келин-куёв". Телешоу. Янги йил олди учрашувлари.
22.25 2002 йил - қарияларни қадрлаш йили". **"Париси бор уй".**
22.55 "Ахборот-дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр тонги.
10.00 "Янги авлод" студияси: "У ким? Бу нима?"
10.30 "Дороти Оз мамлакатида". Мультфильм.
11.00 "Давр" ҳафта ичида.
11.35 "Оҳанрабо" саҳифаларидан.
12.15 "Герберт Уэлс олами". Кўп қисмли бадиий фильм. 6-қисм.
13.05 Олтин мерос.
13.10 XVII Жаҳон чемпионатининг энг чиройли голлари.
13.40 Болалар шеърияти.
13.50 2002 - спорт мавсуми якунлари.
14.15 Жаҳон цирки. 1-қисм.
15.10 "Кумуш тойчоқ". Бадиий фильм.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 Ёшлар овози.
17.05 "Қаҳқаҳа" театр-студияси намойиш этади: "Биринчи ҳангома".
17.25 Президент арчаси.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Ёшлик наволари.
20.00 Илдиз ва япроқ.
20.25 Маслаҳат.
21.30 Марди майдон.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.45 Тунги тароналар.
22.55 "Ёшлар" телеканалида премьера: "Салом, шодлик, салом, ғам". Бадиий фильм. 1-қисм.

«Тошкент» телеканали

17.20 "Болажонлар экрани". "Қор ёққанда".
17.40, 18.05, 19.50 "Экспресс" телегазетаси.
17.50 "Навниҳол".
18.15 "Мисли гавҳар".
18.30, 20.00 "Пойтахт".
18.50 "Қовун тушди".
20.30 "Радиус XXI".
21.00 "Аёл қалби".
21.10 "Жозиба".
21.25 "Пойтахт шарҳи".
21.50 "Олтин балиқ".
22.40 Кинонигоҳ. "Тақдир ҳазили ёки қушдек енгил бўлинг". 1-2-сериялар.

«Халқаро» телеканал

7.30-9.00 "Хайрли тонг".
9.05 "ТВ-4да мусиқа".
9.15 "Азизим, мен болаларни кичрайтирдим". Кинокомедия.
10.55 "Кайфият". Информациондам олиш дастури.
12.55 "Қулгу хонаси".
13.40 CFI тақдим этади: "Бўринг саргузаштлари". Мультфильм.
14.30-14.55 "Рус экстрими".
ЎзТВ-IV
16.30 "Кўнгил кўнгилга пайванд". Янги йилни эслаб.
БИРИНЧИ КАНАЛ
17.00 А. Малаховнинг "Кир базми".
18.00 "Янгиликлар".
18.25 "Ҳазил кетидан ҳазил". Ҳажвий кўрсатув.
19.40 Л. Якубович, В. Пельш, М. Галкин, М. Киселева "Мўъжизалар майдони" кўрсатувида.
21.00 "Время".
21.35 "Бизнес ревю".
21.40 "Сирасини айтганда". Ток-шоу.
22.10 "7дан 70гача".
23.00 "Йилнинг қувончли лаҳзалари".
23.30 "Юлдузлар фабрикаси". Постскриптум.
00.00 "Ахборот" (рус тилида)

Сешанба, 31

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.40 "Ахборот".
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 Байрамингиз кўнгилли ўтсин!"
9.10 "Айёмингиз муборак!"
9.30 "Болаликка қайтиб".
9.55 "Айёмингиз муборак!"
10.10 "Шуке ва Бэйта". Мультсериал премьераси. 2-қисм.
10.30 "Остонадаги ўйлар".
10.40 "Рангин дунё".
11.10 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: **"Уйда ёлғиз-1".**
Бадиий фильм.
12.50 "Остонадаги ўйлар".
13.00 "Қувноқ трамвай". Ҳажвий кўрсатув.
13.40 "Бугуннинг одамлари".
13.50 "Айёмингиз муборак!"
14.10 "Алпомиш авлодлари". Спорт дастури.
14.35 "Остонадаги ўйлар".
14.45 "Байрам хазили".
15.15 "Олтин тож"да Янги йил".
16.15 "Янги йил кинотеатри".
17.10 "Энг янги эртак".
17.30 "Бугуннинг одамлари".
17.40 Муборак йил". Бадиий мусиқий томоша.
18.20 "Бугуннинг одамлари".
18.30 "Умид". Телелотерея.
19.05 "Байрам табриги".
19.30 "Йилнома" (рус тилида)
20.15 ТВ клип.
20.25 ЭЪЛОНЛАР
20.30 "Йилнома".
21.30 "Янги йил базми".
23.45 Янги йил табриги.
00.05 "Янги йил базми" нинг давоми.
3.00 "Кичкина табиб". Бадиий фильм.

«Ёшлар» телеканали

8.00 Давр тонги.
9.30 "Янги авлод" студияси: "У ким?, Бу нима?"
10.00 "Оппоғой". Бадиий фильм.
11.25 Бола тилидан.
11.55 Дунё ажойиботлари.
12.15 Янги йил тароналари.
12.25 Зинама-зина.
13.15 Арча, арча, арчажон.
13 30 Нокаут.
13.50 Маслаҳат.
15.00 Жаҳон цирки. 2-қисм.
15.50 Ўйна, болажон, ўйна.
16.10 "Ёқимтой шаҳзода". Бадиий фильм.
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 "Янги авлод" студияси: "Катта танаффус".
18.10 "Бонифаций таътилда". Мультфильм.
18.30 Янги йил тароналари.
18.40 Жараён.
19.10 Ҳандалак.
19.35 "Заковат" интеллектуал ўйини.
20.50 Олтин мерос.
20.55 Иқлим.
21.00 Давр.
21.40 ТВ-анонс.
21.45 Ёшлар оқшоми.
23.45 Янги йил табриги.
00.05 Ёшлар оқшоми.
1.05 "Салом, шодлик, салом, ғам!" Бадиий фильм. 2-қисм.

«Тошкент» телеканали

17.05 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
18.45 "Шунчаки ҳазил". Санамлар танлови.
19.45 "Қутилмаган қиш..." ёки информацион дастурда янги йил кечаси. Байрам дастури.
20.45 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
21.15 "Оила тинчлиги".
21.25 "Нима учун?" Янги йил саргузаштлари.
22.00 "Саодат калити". Байрам дастури.
22.30 "Янги йилни севаман". Байрам шоуси. 1-қисм.
23.45 "Янги йил табриги".
00.05 "Янги йилни севаман". Байрам шоуси. 2-қисм.
2.00-3.30 Кинонигоҳ. "Янги йил саргузаштлари".

«Халқаро» телеканал

7.30-9.00 "Хайрли тонг".
9.05 "ТВ-4да мусиқа".
9.15 "Азизим, мен болаларни катталаштирдим". Кинокомедия.
10.50 "Нима? Қаерда? Қачон?" Финал.
12.00 Янгиликлар.
12.15 "Катта бизнес". Комедия.
14.00 Янги йил "Аралаш"и.
17.00 А. Малаховнинг "Кир базми".
18.00 Янгиликлар.
18.25 Е. Петросяннинг "Қулгу панорамаси".
19.10 "Иван Васильевич касбини ўзгартиради". Комедия.
21.00 "Время".
21.50 М. Галкин билан Янги йил оқшоми.
23.45 "Янги йил табриги".
00.05-5.00 Биринчи каналда 2003 йилнинг Янги йил кечаси.

Чоршанба, 1

«Ўзбекистон» телеканали

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-9.00 "Йилнома".
9.00 Газеталар шарҳи.
9.20 Болалар учун. "Санъат гунчалари".
9.45 Байрам табриги.
9.50 "Спорт йилномаси".
10.25 "Шуке ва Бэйта". Мультсериал премьераси. 3 - қисм.
10.45 Эстрада тароналари.
11.05 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: **"Уйда ёлғиз - 2".**
Бадиий фильм.
12.55 "Орзулар оғушида".
13.25 Болалар учун. "Ён-ён арчажон".
14.15 Ш. Бошбеков. "Темир хотин". Спектакль. 1-қисм.
15.20 "Мусиқий учрашувлар".
15.45 "Темир хотин". Спектакль. 2-қисм.
16.50 "Ягона оилада".
17.20 "Президент арчаси".
18.35 ТВ клип.
18.45 "Сарҳисоб".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.15 ТВ клип.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Янги йил саргузаштлари ёҳуд истеъдодлар, қаердасиз?"
22.40 "Бокиралик асри". Бадиий фильм. 1-қисм.
23.50 "Ахборот-дайжест".

«Ёшлар» телеканали

7.50 Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.30 "Янги авлод" студияси: "Уй вазифаси".
9.55 Президент арчаси.
11.10 Очил дастурхон.
11.40 "Ёшлар" телеканалида премьера: "Мешполвоннинг саргузашлари". Бадиий фильм ("Ўзбекфильм")
12.45 Янги йилим - яхши йилим.
13.00 "Заковат" интеллектуал ўйини.
14.15 "Ёшлар" телеканалида премьера: "Гарри Потер ва ҳикматлар тоши". Бадиий фильм. 1-қисм.
15.30 Чемпион сирлари. "Пахтакор" командаси.
15 55 "Гарри Потер ва ҳикматлар тоши". Бадиий фильм. 2-қисм.
17.10 "Қаҳқаҳа" театр-студияси намойиш этади: "Иккинчи ҳангома".
17.35 "Яшил водий сари". Мультфильм.
18.35 "Қаҳқаҳа" театр студияси намойиш этади: "Учинчи ҳангома".
19.00 Умид юлдузлари. 1-қисм.
20.00 Спортлото.
20.10 Умид юлдузлари. 2-қисм.
20.55 Иқлим.
21.00 Давр.
21.35 ТВ-анонс.
21.40 Янги йил дастурхони.
22.40 Байрам тароналари.
22.55 "Ёшлар" телеканалида премьера: "Мўжизалар фасли". Бадиий фильм.

«Тошкент» телеканали

17.20 "Болажонлар экрани". "Сайрга чиққан кичкинтой".
19.00 "ОБСМТ". Янги йил ҳазили.
20.00 "Умид юлдузлари".
20.25 "Обод маҳаллам".
20.35 "Бир кулишайлик".
21.10 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
21.40 "Ҳангома". "Паловхонтўра".
22.30 Кинонигоҳ. "Санта клаус".

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал
8.00 "Хайрли тонг".
10.00 "Кумуш туёқча". Мультсеанс.
10.10 "Ҳазил кетидан ҳазил". Ҳажвий кўрсатув.
10.40 "Диканка қишлоги яқинидаги оқшомлар". Комедия.
12.20 М. Киселева "Ким миллионер бўлишни истайди?" кўрсатувида.
13.15 "Лаззат".
13.45 М. Задорнов, К. Новикова, М. Галкин ва Л. Измайловлар иштирокидаги ҳажвий кўрсатув.
15.50 "Аралаш".
16.15 "Флик саргузаштлари". Мультфильм.
18.00 Янгиликлар.
18.15 "Йил қўшиқлари". 1-қисм.
21.00 "Катталар учун Тонгги томоша". Бадиий фильм.
22.15 "Тенгдошлар".
23.45 "Ахборот" (рус тилида)
00.20 "Тунингиз осуда бўлсин!"

Пайшанба, 2

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Қишки таътил кунларида "Болалар сайёраси":
9.00 "Олтин тож"да Янги йил".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Алифбо сабоқлари.
10.25 Мусиқий танаффус.
10.40 "Шуке ва Бэйта". Мультсериал премьераси. 4-қисм.
11.00 "Сарҳисоб".
11.40 "Нафосат гулшани".
12.05 ТВ анонс.
12.10 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: **"Уйда ёлғиз-3".**
Бадиий фильм.
13.50, 16.25 ТВ клип.
14.10 "Портретга чизгилар".
14.30 "Муборак йил". Бадиий мусиқий томоша.
15.20 Кундузги сеанс: **"Махбубам, азизим, суюклигим, ёлғизим".**
Бадиий фильм.
"Болалар сайёраси":
16.35 1. "Мактублар - кабутарлар". 2. "Ака-ука Гримм эртаклари". Мультсериал.
17.45 "Харита". Халқаро шарҳ.
18.10 "Ўзбекистон: XXI аср ёшлари".
18.30 "Яхши ният". Телелотерея.
19.00 "Инсон ва қонун".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 "Янги йилингиз муборак бўлсин!" Мусиқий дастур.
22.35 "Тарих кўзгуси". 12-қисм.
22.55 "Бокиралик асри". Бадиий фильм. 2-қисм.
23.45 "Ахборот-дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр тонги.
10.30 "Янги авлод" студияси: "Катта танаффус".
11.00 Мусиқий лаҳзалар.
11.10 Кинотақдим.
11.30 Давр.
12.05 Мусиқий лаҳзалар.
12.15 Саломатлик сирлари.
12.35 Спорт-китъаси (рус тилида)
13.00 Чемпион сирлари (рус тилида)
13.20 "Жюли Леско". Сериал. 11-қисм.
14.10 Ёшлар овози.
14.30 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Телесериал.
15.20 Кўҳна оҳанглар.
15.30 "Қорда адашганлар". Бадиий фильм.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 "Янги авлод" студияси: "Оқ кабутар".
17.25 Болажон.
17.40 Ёшлар овози.
18.00 Мезон.
18.20 Табобат оламида.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 "Давр"-интервью.
20.05 Ракурс.
20.25, 21.20, 22.35 ЭЪЛОНЛАР
20.30 "Жек ва ловия пояси". Кўп қисмли бадиий фильм. 1-қисм.
21.25 Жараён.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.45 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.10 "Ёшлар" телеканалида спорт: "Интерфутбол". Танаффус пайтида - 23.55 Давр.

«Тошкент» телеканали

17.20 ТТВда сериал "23,5 даражали бурчак осида". 49-қисм.
17.45, 19.05, 22.05 "Экспресс" телегазетаси.
17.55 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.10, 22.15 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Навниҳол".
19.15 Мусиқий танаффус.
19.30 "Камолот фасли".
20.30 ТТВда сериал: "Азизим Изабелла".
21.30 "Ҳамшаҳарлар".
22.40 Кинонигоҳ. "Ғаройиб ферма".

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал
16.00 "Аралаш". Ҳажвий кўрсатув.
16.25 "Салом Қорбобо". Комедия.
18.00 Янгиликлар.
18.15 "Йил қўшиқлари". 2-қисм.
21.00 "Время".
21.25 "Бизнес-ревю".
21.30 "Ишбилармон кишилар".
21.50 "Кун мавзуси".
22.15 "Аншлаг".
23.00 "Ахборот" (рус тилида)
23.30 "Золушка". Мюзикл.
ЎзТВ-IV
1.45 "Тунингиз осуда бўлсин!"

Жума, 3

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 - 8.35 «Ахборот".
8.40 Газеталар шарҳи.
Қишки таътил кунларида "Болалар сайёраси":
9.00 "Мактублар - кабутарлар".
9.45 Симфоник мусиқа дунёси.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Шуке ва Бэйта". Мультсериал премьераси. 5 -қисм.
10.25 "Ўзбекистон: XXI аср ёшлари".
10.45 "Кавингтон Кросс".
11.35 "Оламни асранг!"
12.05 "Инсон ва қонун".
12.30 "Энг янги эртак".
12.50 "Куйла, ёшлигим".
13.10 "Қувноқ трамвай". Ҳажвий кўрсатув.
14.10 Кундузги сеанс: **"Олтин занжир". Бадиий фильм.**
15.35 "Янги йил саргузаштлари ёҳуд истеъдодлар, қаердасиз?"
"Болалар сайёраси":
17.10 "Ўйла, изла, топ". Телемусобақа.
18.10 Улоқ бўйича Ўзбекистон чемпионати.
18.30 Мумтоз наволар.
18.50 "Тафсилот".
19.05 "Ҳидоят сари".
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 "Ўзбекистон - Ватаним маним"
21.25 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: **"Ошин".**
Телесериал премьераси.
21.55 "Олтин бешик".
22.20 "Бир жуфт қўшиқ".
22.30 "Тарих кўзгуси". 13-қисм.
22.50 "Ахборот - дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр.
9.15 "Янги авлод" студияси: "Оқ кабутар".
9.35 "Қулупнайнинг туғилган куни". Мультфильм.
10.00 Болажон.
10.15 "Давр"-интервью.
10.30 Мусиқий лаҳзалар.
10.45 Маърифат маскани.
11.00 "Жек ва ловия пояси". Кўп қисмли бадиий фильм. 1-қисм.
11.50 Мезон.
12.10 "2000 йилдан сўнг".
12.30 Ёшлар овози.
12.50 "Ўйна, болажон, ўйна".
13.10 "Жюли Леско". Сериал. 12-қисм..
14.00 Ракурс.
14.20 Интерфутбол.
16.00 Алишер Навоий ғазалларига битилган қўшиқлар.
16.15 Кўрсатувлар дастури.
16.20 "Янги авлод" студияси: "Спорт майдончаси", "Шум болалар".
16.50 Олов билан юзма-юз.
17.10 Автосалтанат.
17.25 Ёшлар овози.
17.45 Аскар мактублари.
18.05 Самимият билан. "Азизим" ҳамда "Ҳуқуқ ва бурч" кўрсатувларининг байрам сони. 1-қисм.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Ёшлик қўшиқлари.
19.45 "Давр" нигоҳи.
20.05 Самимият билан. "Азизим" ҳамда "Ҳуқуқ ва бурч" кўрсатувларининг байрам сони. 2-қисм.
20.50 "Жек ва ловия пояси". Кўп қисмли бадиий фильм. 2-қисм.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.45 "Муҳаббат қаҳваси".
23.10 "Ёшлар" телеканалида спорт: Ринг қироллари.
00.10 Давр.

«Тошкент» телеканали

17.20 "23,5 даражали бурчак остида". 50-қисм.
17.45, 19.15, 21.45 "Экспресс" телегазетаси.
17.55 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.10, 21.55 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Ёшлар худуди".
19.25 "Галатепалик авлиё". Қисқа метражли бадиий фильм.
20.30 ТТВда сериал: "Азизим Изабелла".
21.30 "Эл хизматида".
22.20 Кинонигоҳ. "Муҳаббат формуласи".

«Халқаро» телеканал

9.05 "ТВ-4да мусиқа".
9.25 "Ўз-ўзига режиссёр".
Биринчи канал
10.10 Д. Криловнинг "Йўлда ёзилмаган қайдлари".
10.30 "Ҳамма уйдалигида".
11.05-11.55 "Мазаҳўраклар".
15.05 Премьера "Христофор Колумб". Мультфильм.
15.35 "Ҳинд оҳанглари".
15.55 "Аралаш".
16.25 "Доктор Дулитл". Комедия.
18.00 Янгиликлар.
18.15 "Йил қўшиқлари". 3-қисм.
21.00 "Время".
ЎзТВ-IV
21.25 "Бизнес-ревю".
21.30 Кинематограф. "Банзай". Бадиий фильм.
23.00 Ахборот (рус тилида)
23.40 "Нима? Қаерда? Қачон?"
00.50 "Биз қирол бўлган пайтлар". Бокс қироли Муҳаммад Али иштирокидаги бадиий фильм.

Шанба, 4

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 Ахборот".
8.40 Газеталар шарҳи.
"Болалар сайёраси":
9.00 "Ўйла, изла, Топ!" Телемусобақа.
9.50 "Ҳидоят сари".
10.10 "Шуке ва Бэйта". Мультсериал премьераси. 6-қисм.
10.35 "Мусиқа бўстони".
10.55 "Олтин бешик".
11.20 ТВ-1 кинотеатри: **"Ҳаётда ҳамма нарса бўлади". 1-қисм.**
12.45 "Санъатга бахшида умр".
13.05 "Ҳаётда ҳамма нарса бўлади". Бадиий фильм. 2-қисм.
14.40 "Адабий жараён".
15.05 "Янги йилингиз муборак бўлсин!" Мусиқий дастур.
16.35 "Ягона оилада".
17.05 "Бу ажиб фасл". Телеальманах.
17.25 "Озод юрт одамлари".
17.45 "Оби ҳаёт". Ҳужжатли фильм.
"Болалар сайёраси":
17.55 "Мўъжизалар майдончаси".
19.05 "Қўшиғимиз сизга армуғон".
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 "Ахборот".
21.05 "Юрт ўғлонлари". Спорт дастури.
21.25 Телевизион миниатюралар театри.
21.55 "Балли, раислар".
22.55 "Ахборот - дайжест".
"Тунги ёғду":
23.15 "Замонлар оша-1". Бадиий фильм.

«Ёшлар» телеканали

8.00 Давр тонги.
9.00 "Янги авлод" студияси: "Спорт майдончаси", "Шум болалар".
9.30 "Мульттомоша".
10.00 Табобат оламида.
10.25 Мусиқий лаҳзалар.
10.40 "Давр" нигоҳи.
11.00 "Жек ва ловия пояси". Кўп қисмли бадиий фильм. 2-қисм.
11.50 "Бунёдкор" ёшлар телеклуби.
12.15 "Ёшлар" телеканалида спорт: "Ринг қироллари".
13.15 Кутилмаган меҳмон.
13.40 Кўҳна оҳанглар.
13.55 Ёшлар овози.
14.15 "Самимият билан".
15.35 "Ёшлар" телеканалида спорт: "Теннис".
16.15 Янги йил дастурхони.
17.20 "Янги авлод" студияси: "Буш ўтирма".
17.30 Футбол-плюс.
18.10 Мозийдан келажакка.
18.30 Каталог.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Ёшлик наволари.
20.00 "Давр"-репортаж.
20.10 Оҳанрабо.
20.50 "Жек ва ловия пояси". Кўп қисмли бадиий фильм. 3-қисм.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.45 Тунги тароналар.
22.55 "Олтин". Бадиий фильм.

«Тошкент» телеканали

17.20 "Мультчархпалак".
17.40 "Жаҳон географияси".
18.10, 19.40, 21.20 "Экспресс" телегазетаси.
18.20 "Афиша".
18.40 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Пойтахт" рус.
19.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
19.50 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
20.45 "Мисли гавҳар".
21.00 "Пойтахт".
21.30 Кинонигоҳ. "Мен ва менинг соям".

«Халқаро» телеканал

9.05 "ТВ-4да мусиқа".
9.15 "Жахон бўйлаб".
10.00 "Мультсеанс".
10.20 Болалар соати: "Санта Клаусниг таътиллари". Бадиий фильм.
11.50 "Сирасини айтганда". Ток-шоу.
12.20 "Интер клуб". Ток-шоу.
13.10-14.10 "Дўстлик" видеоканали: "Бизнен мирас", "Ўзбекистон-умумий ўйимиз", "Умид".
18.05 "Мюзик-холл".
18.25 "Ҳазил кетидан ҳазил". Ҳажвий кўрсатув.
19.05 "Мени кутгил".
20.00 "Ким миллионер бўлишни истайди?" Телеўйин.
21.00 "Время".
ТУНГИ КАНАЛ: "ҲАЛИ КЕЧ ЭМАС..."
21.40 "Шлягер".
21.55 "Моданинг гўзал дунёси".
22.10 "Хит-парад".
22.30 "Яшаш воситаси".
22.45 "Юлдуз билан учрашув".
23.00 "Тунги навбатчилик".
23.15 "Муз zone".
23.30 "Автострада".
23.45 "Спорт олами".
24.00 "Ахборот" (рус тилида)
00.35 Киносеанс: А. Челентано "Қайсарнинг қуйилиши" фильмида.

Якшанба, 5

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.40 "Ахборот".
8.40 "Камалак".
9.20 "Ғаройибот".
9.40 "Кўҳна замин оҳанглари".
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Шуке ва Бэйта". Мультсериал премьераси. 7-қисм.
11.20 "Она меҳри".
11.40 "Қувноқ стартлар". Телемусобақа.
12.10 Телевизион миниатюралар театри.
12.40 ТВ-1 кинотеатри: **"Эйс - Вентура". Бадиий фильм.**
13.55 "Янги йил қувончлари".
14.50 "Қалб гавҳари".
15.10 "Янги йил кинотеатри".
16.15 "Оливер ва унинг дўстлари". Мультфильм премьераси.
"Болалар сайёраси":
17.25 1. "Сеҳрли тилак". Теленовелла. 2. "Олтин тож". Телевизион ўйин.
18.25 "Портретга чизгилар".
18.45 "Оқ олтин". Телелотерея.
19.15 "Бир жуфт қўшиқ".
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 Эстрада тароналари.
20.30 "Таҳлилнома".
21.15 "Оталар сўзи-ақлнинг кўзи".
22.15 "Спорт олами".
Якшанба кинозали:
22.45 "Замонлар оша-2". Бадиий фильм.

«Ёшлар» телеканали

8.00 Давр тонги.
9.00 "Янги авлод" студияси: "Бўш ўтирма".
9.25 Футбол-плюс.
9.45 "Давр"-репортаж.
9.55 Оҳанрабо.
10.30 "Жек ва ловия пояси". Кўп қисмли бадиий фильм. 3-қисм.
11.20 Очил дастурхон.
11.50 "Ёшлар" телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. "Марди майдон", 2. "Аскар мактублари", 3. "Қутқарув "050".
12.45 Чемпион сирлари.
13.10 Болалар экрани: "Сеҳрли тун".
14.15 Умид юлдузлари. 1-қисм.
15.15 "Қаҳқаҳа" театр студияси намойиш этади: "Биринчи ҳангома".
15.40 Умид юлдузлари. 2-қисм.
16.25 "Қаҳқаҳа" театр студияси намойиш этади: "Иккинчи ҳангома".
16.50 Кўрсатувлар дастури.
16.55 "Янги авлод" студияси: "Уй вазифаси".
17.20 "Булутли йўлкалар бўйлаб сайр". Мультфильм.
17.35 Спорт ҳафтаномаси.
17.50 "Учинчи сайёра" маърифий дастури.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 "Давр"-news.
19.20 ТВ-анонс.
19.25 Жараён.
19.55 "Хўжа" гуруҳи куйлайди.
20.30 "Жек ва ловия пояси". Кўп қисмли бадиий фильм. 4-қисм.
21.25 Лабиринт.
21.50 Олтин мерос.
22.00 "Давр ҳафта ичида".
22.35 ТВ-анонс.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 "Ёшлар" телеканалида премьера: "Бир бола тарихи". Бадиий фильм.

«Тошкент» телеканали

17.20 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
19.00, 20.50, 21.50 "Экспресс" телегазетаси.
19.10 "Жаҳон географияси".
19.40 "Жозиба".
19.50 "Телефакт".
20.00 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
21.00 "Пойтахт шарҳи".
21.25 "ТВ плюс..."
22.00 Кинонигоҳ. "Етимча".

«Халқаро» телеканал

9.05 "ТВ-4да мусиқа".
БИРИНЧИ КАНАЛ
9.15 "Фақат батарейкаси йўқ". Комедия.
11.05 "Кайфият". Информациондам олиш дастури.
12.35 "Парле ву франсе?"
13.00 "FCN". Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)
13.10 "Фан тайм".
13.20 "Инглиз тили Сиз учун".
13.45 "Хусусийлаштириш қадам-бақадам".
14.05 "Экран зийнати ва киймати".
14.30 –15.50 "Дўстлик" видеоканали: "Дидар", "Сархад билмас дўстлик", "Корейс тилини ўрганамиз", "Маврид".
18.05 "Топ мюзик".
18.20 "Биз анойи эмасмиз". Ҳажвий кўрсатув.
18.45 "Машҳурлар". Анна Шатилова.
19.15 "Сичқон ови". Кинокомедия.
21.00 "Время".
21.40 "Тенгдошлар".
22.10 "Кинопрофи".
22.30 Кинематограф. "Икки соҳил икки тақдир" бадиий фильм.
00.30 "Таҳлилнома".

2003 ЙИЛ ТАҚВИМИ

YANVAR

Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya
		1	2	3	4	5
6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19
20	21	22	23	24	25	26
27	28	29	30	31		

FEVRAL

Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya
					1	2
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28		

MART

Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya
					1	2
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28	29	30
31						

APREL

Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya
	1	2	3	4	5	6
7	8	9	10	11	12	13
14	15	16	17	18	19	20
21	22	23	24	25	26	27
28	29	30				



MAY

Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30	31	

Юртимиз ҳаётида, хусусан, таълим тизимида кечаётган янгиланиш ва ривожланиш жараёнлари билан ҳамнафас бўламан десангиз, Сизнинг доимий ҳаммаслагингиз

Ma'rifat

газетасига обуна бўлинг:

Нашр кўрсаткичи
якка обуначилар учун — 149
ташкилотлар учун — 150

Ҳайитнинг биринчи куни дам олиш кунлари

IYUN

Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30						

IYUL

Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya
	1	2	3	4	5	6
7	8	9	10	11	12	13
14	15	16	17	18	19	20
21	22	23	24	25	26	27
28	29	30	31			

AVGUST

Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya
				1	2	3
4	5	6	7	8	9	10
11	12	13	14	15	16	17
18	19	20	21	22	23	24
25	26	27	28	29	30	31

SENTABR

Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya
1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28
29	30					

OKTABR

Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya
		1	2	3	4	5
6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19
20	21	22	23	24	25	26
27	28	29	30	31		

NOYABR

Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya
					1	2
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28	29	30



DEKABR

Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya
1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28
29	30	31				



Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-1127.
Тиражи 23 099.Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 8 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррирлар:
Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ.
Навбатчилар:
Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ, Абдулҳамид МУХТОРОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ *белгиси остида реклама материаллари берилади.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими—136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00